

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛӢ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАҶЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

И.Х.ХОЛИСМАТОВ, О.Ғ.ҲАЙТОВ, А.В.МАВЛОНОВ
З.С.ИБРОХИМОВ, В.С.КУДРЯКОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
НЕФТЬ ВА ГАЗ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2003

Тузувчилар: И.Х.Холисматов,
О.Ф.Ҳайитов,
А.В.Мавлонов
З.С.Иброҳимов,
В.С.Кудряков

Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газ гидрогеологияси фанидан ўкув кўлланма, Тош. дав. техн. унив. И.Х.Холисматов, О.Ф.Ҳайитов, А.В.Мавлонов, З.С.Иборҳимов, В.С.Кудряков, 2003, 156 б.

Ушбу ўкув кўлланмада нефть ва газ гидрогеологиясининг назарий асослари, қатlam сувларининг физик-кимёвий хусусиятлари, уларнинг таснифи, гидродинамика асослари, гидрогеотермия элементлари, палеогидрогеология, ер ости сувларининг ҳосил бўлиши ва шаклланиши, уларда углеводородларнинг миграцияси тўғрисида ўкувчиларга тушунарли қилиб давлат таълим стандартларига мос равишда ёзилган. Шунингдек ўкув кўлланмада Ўзбекистон нефть ва газ гидрогеологиясини ривожланиши, минтақалар бўйича уларнинг тарқалиши, даврлар бўйича сув босим мажмуалари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Ўкув кўлланма 5440800 – «Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари» ва В-5161600 –2Нефть ва газ конларини излаш ва қидириш муҳандислик педагогикаси» йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

«Геология ва нефть-газ муҳандислик педагогикаси» кафедраси

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги илмий методик кенгашининг қарорига кўра ўкув кўлланма сифатида нашр этилди.

Тақризчилар: Геология ва геофизика иниститути директори, г.-м.ф.д. проф. С.Хусанов

г.-м.ф.н. доц. Р.Зокиров

© Тошкент давлат техника университети, 2003.

КИРИШ

Нефть ва газ гидрогоеологияси-углеводород конлари тарқалган ҳудудлардаги ер ости сувларини тадқик қилиш ҳақидаги илмдир.

Унинг таянч фанларига гидрогоеология (Ернинг табиий сувлари ҳақидаги таълимот) ҳамда нефть ва газ геологияси (Ер бағридан табиий углеводород ҳақидаги таълимот) киради.

Академик В.И.Вернадский кўрсатишича: "Сув сайдерамизниң тарихидаги пойдевордир. Улкан геологик жараёнларниң содир бўлишига таъсир қилувчи унга тенг табиий жисм йўқ". Академик А.П.Виноградов фикрича, Ер қобигидаги сувнинг хусусиятини ўрганимасдан бирорта ҳам геологик жараённи тушуниш қийин.

Инсоният учун катта аҳамиятга эга бўлган шундай геологик жараёнлардан бири - Ер бағрида табиий углеводородларниң ҳосил бўлишидир; уларниң заҳираларини ашё сифатида ёкилиги энергетикаси ва кимё саноатида истеъмол қилинishi замонавий маданиятниң асосида ётади.

Нефть-газ геологиясида табиий углеводородларниң ҳосил бўлиши, улар уомлариниң мужассамланиши ва сакланиши, углеводородлар заҳиралариниң ер бағрида жойлашиши ва олиниши, ҳамда нефть-газлиликни башпоратлашда, нефть ва газ конларини излаш, қидириш ва ишлатишда кўлланилиб ер ости гидросферасида бу жараёнларниң акс эттириш учун ер ости сувлариниң геологик аҳамияти кўриб чиқилади. Нефть-газ гидрогоеологияси асосан табиий билимлардан бўлиб, кўпгина фундаментал яъни: физика (табиий сувлар ва углеводородларниң ҳолати, уларниң хоссалари, Ер бағрида ҳаракатланиш қобилияти ва бошқалар), кимё (табиий сувлардаги минерал ва органик маддаларниң таркиби ва бошқалар), математика (ЭХМ ёрдамида табиий жараёнларниң моделини тузиш, хар хил кўринишдаги математик таҳлил қилиш ва бошқалар) ва айниқса геологик (литология, тектоника, палеография ва бошқалар) фанлар билан баглиқ.

Нефть конларидаги күдуклардан олинадиган ер ости сувларини ўрганиш ўтган асрда ушбу күдукларнинг бургузаниши билан бир вақтда бошланган. Аммо гидрогеологик илм қадим замонлардан маълум. Ер бағридаги сувни излаш ва олишнинг амалий билимлари Яқин ва Ўрта Шаркда эрамиздан бир неча минг йил олдин маълум бўлган.

Бу билим инсонлар томонидан чўл ва саҳроларда муваффакиятли қўлланилган. Сувнинг музлашини ва бугланишини кузатиш, унинг ҳар хил фазавий ҳолатда бўлиши ҳақида фикр юритишга асос солган бўлиши мумкин. Табиий сувларнинг назарий -тушунчасини биринчи марта яратиш Фалес Милетскийга тегишли, (эрамиздан олдинги VII-VI асрлар). У барча мавжудотнинг бош негизи сув деб хисоблайди ва Ер бағрига сув шамол билан "ҳайдаб киргизлади", Ер устига эса тоғ жинсларининг босими остида булок тариқасида чиқарилади. Бундай тушунча кейинчалик Қадимти дунё ва Ўрта аср олимлари - Платон, Лукреций, Сенек, Леонардо да Винчи ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Қадим замонда ер ости сувларига тааллукли бошқа тушунчалар ҳам бўлган. Масалан, Аристотелнинг - сувнинг таркиби ўзи турган тоғ жинсларининг таркибига боғликлиги ҳақидаги, Абу Райхон Берунийнинг - гидростатик босим Ер бағрида мужассамланиши ҳақидаги тушунчалари мавжуд.

Сувнинг бир канча хусусиятлари, яъни унинг юқори эрувчанлик қобилияти, у бугланганда ҳар хил тузларнинг кетма-кет чўкиши, сувда эритилган моддаларнинг ўзаро таъсир фаоллигининг ортиши ва бошқалар алкимёчиларнинг ишларида ёритилган.

Ўйғониш даврида ва Янги замонда Г.Бауэр, Б.Палисси, А.Кирхер ва бошқа олимларнинг ижодларида ер ости сувларининг денгизда, атмосферада ва конденсацион йўл билан ҳосил бўлиши кўриб чиқилган. Париж ҳавзасидаги сувларнинг атмосферадан ҳосил бўлганлиги П.Перро ва Мариотто томонидан исботланган.

XVIII асрда Лавуазье ва Кавендиш сув содда модда бўлмасдан водород ва кислороднинг бирикмаси

эканлигини аниқлади. 1856 йилда А.Дарси тажрибалар натижасида сизишнинг асосий қонунини очди. Гидрогеология мустақил фанга айланған бошлади.

Йирик ўлкаларнинг сизот ва артезиан сувлари (У.Смит, В.Севергин, Н.Никитин ва бошқалар), минерал сувлар (Л.Д.Делоне), мангу музлоқ сувлари (А. В. Львов аа бошқалар) ҳақида умумлаштирилган ишлар пайдо бўла бошлади. Гидрогеология ҳақида дастлабки дарсликлар (А.Добре И.Гааз ва бошқалар) нашр қилина бошланди.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошида, нефть учун бурғиланган кудуклардан чиқарилган сувларнинг кимёвий таркиби (Ч.Пальмер, Г.Роджерс ва бошқалар), ҳосил бўлиши (И.Н.Стрижов, Н.И.Андрусов, А.Лэйн, Г.Гефер ва бошқалар), ўзига хос хусусиятлари (Т.Хант, А.Потилидин, Г.Харичков ва бошқалар) ўрганила бошланди. XX асрнинг биринчи ярмида сувли катламларни ва нефть уломларини ишлатиш билан боғлик бўлган тадқиқотлар тараққий қила бошлади (Ч.Слихтер, М.Маскет, М.Хаберт, В.Н.Щелкачев ва бошқалар) ҳамда табиий сувлар (В.И.Вернадский, О.Мейнцер, К.Кейльдаг ва бошқалар), шу жумладан, нефть конларининг сувлари (В.А.Сулин, Б.А. Бедер ва бошқалар) ҳақида жиддий асарлар пайдо бўла бошлади. Умумий ва ўлқавий гидрогеология (Ф.Н.Саваренский, О.К.Ланге, А.Н.Овчинников ва бошқалар), гидродинамика (Г.Е.Каменский, А.И.Силин-Бекчурим ва бошқалар) ҳақида асарлар пайдо бўла бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида гидрогеология соҳасида маҳсус илмий йўналишлар давом эттирилди. Нефть-газ гидрогеологиясида бундай йўналишларга нефть-газ излапи (А.А.Карцев, В.Н.Корценштейн, М.И.Суббота, Д.Коллимз, Е.А.Барс, Л.М.Зоркин ва бошқалар) ва нефтьгаз конлари бўйича (Г.М.Сухарев, Д.Р.Ахундов, Ю.П.Гаттенбергер, А.М.Никаноров, Л.Кейз ва бошқалар) кўплаб илмий асарлар ва дарсликлар яратилган.

Ушбу ўкув кўлланма Тошкент давлат техника университети нефть ва газ факультети муаллифларининг нефть-газ гидрогеологияси соҳаси бўйича ўқилган маъruzаларига асосан тузилган.

НЕФТЬ-ГАЗ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-боб. ТАБИАТДАГИ СУВЛАР


Сувни ташкил қилувчи водород ва кислород кузатишимииз учун осон бўлган материяларда жуда кўп тарқалган. Ердан ташқарида сув борлиги ҳақида биринчи маълумотлар, метеоритда 13,8% микдорида сув борлигини аниклаган. Италия кимёгари Пизоми томонидан келтирилган. Қадимги кўл ёзмаларда оғирлиги 500 кг гача бўлган муз метеорити осмондан тушганлиги баён қилинади. Балки 1908 йил 30 июнда тушган машхур Тунгус метеорити ҳам шундайлардан бири бўлган. Кометаларнинг спектрларини ўрганиш маълумотлари бўйича, унинг қаттиқ ўзаги чанг аралашмали муздан иборат. Куёш тизимининг асосий масса моддаси куёшда мужассамланиб 62% водород ва 1% кислороддан иборат. Сайёралараро станция ёрдамида бевосита ўлчашлар натижасида Зухра ва Мирриҳ сайёраларининг атмосферасида сув борлиги аникланилган. Шу билан бирга Мирриҳда кўринган водийлар сувли емирилишлар натижасида ҳосил бўлганлиги таъкидланади. Бундан ташқари Мирриҳ кутбларининг қалшоклари сув ва карбонат ангидридидан ташкил топган. Астрономик кузатишлар билан Муштарийнинг атмосферасида сув борлиги аникланилган, "Уран ва Нептун сайераларининг ярми сувдан иборат" деган тахминлар бор. Ой заминининг газларида 40-50% гача сув борлиги аникланилган.

Сайёрамиз массасининг 1% сувдан иборат бўлиб (1.5млрд. куб. км.) ернинг 70,8% юзасини топлади. Ундан кўп кисми (95.6%) гидросферада, шу жумладан 60 млн.куб.км ер ости гидросферасида жойлашган.

Ер бағрида сув ҳар хил шаклда тоғ жинсларида бўлганлиги учун ер ости сувларининг ҳар хил турлари ажратилади (1-жадвал).

Жинслар заррачалари билан боғланганлиги бўйича ер ости сувлари озод ва боғлиқ турларига бўлинадилар.

Ер ости сувлари турларининг тарҳи.



Озод сувларга жинслар ғоваклари бўшлигида суюктомчи ҳолатда учрайдиган сувлар киради. Бу сувлар орасида гидродинамик босимни узата олиш ва босимлар фарки таъсирида жинслар орасидан бемалол ҳаракат қилиш қобилиятига эга гравитацион; гравитацион босимни факат ғоваклари батафсил тўлганда узатувчи капилляр, ғоваклар кисман тўлганда факат мениск кучларига бўйсунадиган капилляр ва жинслардаги ёпик ғовакларда жойлашган сингдирилган ёпик сувлар ажратилиди.

Боглиқ сувлар-физик ва кимёвий boglik турларига бўлинадилар. *Физик-boglik сувлар*, молекуляр уланиш кучлари ва водородли боғланиш билан жинс заррачаларининг юзасида ёпишиб туради. Унинг қалинлиги бир неча ўн ёки юзлаб сув молекуласининг диаметригача етади. Бу қобикнинг ташки қисми кўпроқ мустахкам боғланган (лисорбцияланган) сувнинг пўстлогиви ташкил қилиб, унинг тузилиши водородли боғланиш туфайли тартибга келтирилган. Маҳкам боғланган (адсорбцияланган) сув заррача юзасида бир ёки бир неча молекула қалинлигига қат ҳосил қилиб, жинс заррачалари билан молекулаларнинг ўзаро таъсири туфайли ушланиб туради.

Кимёвий-boglik сувлар жинсларни ташкил қилган минераллар таркибига киради. Минерал моддалар билан пухта боғлиқлик даражаси бўйича сувлар цеолитли,

криSTALLизацияОН ва конституцион бўлади. Цеолитли сувда минераллар ўзгарувчан микдорда бўлади, масалан: опалда $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$. Бундай сувларга (монтморилонит, иллит ва бошқа гидрослюдалар) гилларнинг қатларида учрайдиган сувлар киради. КристаллизацияОН сув минералнинг кристалл панжараси таркибида ўзгармас микдорда бўлади, масалан: гипсда $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$. Аммо у хайдалганда минерал тўла парчаланмайди; бошқа сувсиз минералга ўтиб кетади, масалан, гипс сувсизлантирилганда карбонат ангидридга ўтиб кетади. Конституцион сув минераллар факат тўла парчаланилганда чиқиб кетади (масалан: слюда).

Боғлиқ сувларнинг ҳар хил турларини жинсдан ва минераллардан ажратиш учун босим ва ҳароратни ошириш керак. Сув каттиқ жинс билан қанчалик мустаҳкам боғланган бўлса, босим ва ҳароратни шунчалик кўтариш лозим. Унча чукурда ётмаган жинсларда содир бўладиган «юмшок» термобарик шароитларда боғланмаган сувлар суюқ ҳолатда, қисман бугсимон, аммо "абадий" музлок минтақаларда каттиқ, муз ҳолатда учрайди. Литосферанинг остики термобарик "каттиқ," шароитларида, ҳамда мантиянинг уст қисмидаги сув бир хил бугсуюклик флюид ҳолатда ва парчалангандаги молекулалари учраши фараз килинади.

Табиий шароитларнинг ўзгариши натижасида ер ости сувлари бир турдан иккинчи турга ўтиб турадилар. Бу ҳолларда: юқори эритиш хусусиятига эга бўлган сувларнинг ажралиш натижасида физик-боғлиқ сувларни кам ўтказувчан жинслардан юқори ҳажмли-ўтказувчан жинсларга озод сикиб чиқарилиш (масалан, гиллардан кумтошларга), чукур узилмалар орқали литосферанинг устки қисмидаги чўкинди жинсларга бугсуюклик ҳолида угиш ва бопка жараёнлар содир бўлади.

2-боб. ГИДРОКИМЁ АСОСЛАРИ

XVIII асрнча сув унсур - содда модда хисобланар эди. 1782й. Кавендиш ва Лавуазье портлаш билан водороднинг кислород билан бирикиши натижасида сув хосил бўлишини, қиздирилган темир билан сув парчалангандага кислород ажралишини аникланган. Бу билан сув икки унсур, яъни водород ва кислороддан иборат эканлиги тасдиқланган. Ўн йиллар ўтгандан сўнг Уатт томонидан бу унсурларни сувдаги таркибининг нисбати 2га 1лити аникланган Бундай ўзаро нисбат кейинчалик сувни электрокимёвий парчалаш амалиёти билан тасдиқланган. Ҳозирги вақтда сувнинг таркиби 11,11% водороддан ва 88,89% кислороддан иборат деб топилган.

1931й. Берже ва Менцель сув молекуласида атом массаси 1га тенг водороддан ташқари, дайтерий деб аталувчи атом массаси 2га тенг водород изотопининг борлиги аникланган. Бундан 2 йил ўтгач Люис мўътадил шароитда зичлиги $1,035\text{г}/\text{см}^3$ га тенг, "огир" сув H_2O турини ажратган. Ҳозирги вақтда водороднинг 3 изотопи, кислороднинг 6 изотопи аникланган бўлиб, сувда изотопикнинг 48 тури борлиги тахмин килинади, аммо H^1O^{16} ифодали сув кўп учрайди. Дайтерийли сувнинг 1 кисми одий сувнинг 5000 кисмига тенг, бошқа изотопли турлари эса ундан ҳам камроқ учрайди.

1-§. Сув молекуласининг тузилиши ва сувнинг тузилиш жусусиятлари

Сувнинг молекула тузилиши тетраэдр шаклида бўлиб унинг марказида кислород атоми ва масса марказининг битта қирраси четида икки водород атомлари жойлашган. Икки жуфт электронлар зарядининг маркази тетраэдрнинг бошқа икки бурчакларида жойлашган (1-расм).

Водороднинг икки ва кислороднинг битта ўзаклари ўнта электронлар билан ўралган. Кислороднинг ўзаги

атрофида иккита электрон жойлашган, саккизта электрон эса - 4 эллиптик орбитада бўлиб, уларнинг ўки (2 орбита) О-Н боғланишининг йўналишини бўйича ва Н-О-Н текислигига тик текисликда бўлиб, кислород ўзаги орқали ўтади. Икки орбита ичидаги водороднинг протонлари мусбат электр зарядларининг 2 кутблари билан боғлик. Бошقا икки орбитадаги электронлар манфий заряднинг 2 кутблари билан боғлик. Шундай қилиб, сув молекуласи (гидрол) дипол бўлиб ифодаланади.

Бўлинмаган жуфт электронларнинг борлиги гидроллар орасидаги водородлар бирикмаларини ҳосил килишга сабабчи бўлади. Хар бир гидрол тўрга ўзга гидрол билан ўралган. Шунинг учун сувнинг ўзга суюкликлардан фарқи шундаки, унинг молекулалари тартибида келтирилган ва уни суюқ кристалл деб билиш лозим.



I-расм. Сув молекуласи тузилишининг модели.

Сувнинг тузилиши гидроллар иссиқлик харакатининг жадаллигига боғлик. Шунинг учун харакатнинг ўзгариши билан гидролларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши ўзгаради. Ҳарорат 4°C дан 200°C гача бўлганда панжараси кварц панжарасига монанд, ҳарорат 200°C дан ошганда водород боғланишининг аҳамияти нолга тенглашади. Сув буг ҳолатида бўлганда бутунлай якка гидроллардан ташкил топади. Сувнинг тузилиш хусусияти унинг бир неча "номеъёллик" физик хоссаларини, яъни паст зичлигини; суюқ ҳолатдан қаттиқ


холатга ўтганда ҳажмининг ошишини, иссиқлик сигимини ва буғланиш ҳароратининг ошишини, сирткى таранглик катталигини, ҳамда сувнинг ўта эритувчанлиги, айникса қутбلى моддалар (спирт, металларнинг ишқорли хлоридлари ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган юқори диэлектрик ўтказувчанлитигини яратади.

2-§. Сувнинг физик ҳоссалари

Сувнинг фазавий ҳолати ҳарорат ва босимга боғлиқ. Маълумки, бундай боғланишлиқ юз даражали ҳарорат жадвалининг асосига қўйилиб, унда 0,1МПа босимда сув буғ ҳолатидан суюқ ҳолатга ўтиши 100°C ва суюқликдан қаттиқ ҳолатга ўтиши 0°C деб қабул қилинганд. Сувнинг кескин ҳоссаси 647,3К ва 29,8МПа деб аникланган.


Сув зичлигининг бирлиги қилиб, 4°C ҳароратдаги ва 0,1МПа босимдаги ҳолати қабул қилинган (2-расм). Сув зичлигининг ўзгаришига босимнинг ўзгариши ҳам таъсир қиласи ва сувнинг сиқилиши хусусияти билан боғлиқ. Босим 0,1 МПА-га ўзгаргандаги сув ҳажмининг ўзгаришини аникловчи сиқилиш коэффициенти ҳарорат ўзгаришига боғлиқ. Сувнинг газ микдори ва кимёвий таркиби $(2,7 - 5) \cdot 10^4$ га етади. Сувнинг муглақ қовушқоклиги ҳарорат 4°C ва босим 0,1МПа бўлганда 1сПз ёки 10^3Па.с.-га тенг бўлиши стандарт деб қабул қилинган. Сув қовушқоклигининг ортиши минералланишининг ўсиши билан боғлиқ ва ҳарорат ортиши билан пасаяди (3-расм).

Сувда эриган минерал моддалардан унинг электр ўтказувчанлиги унда эриган минерал моддалар бўлишига боғлиқ. Маълумки, дистилланган сув изолятор ҳисобланади, аммо унинг минералланишининг ошиб бориши натижасида унинг солиштирма электр қаршилиги пасаяди ва у электр токини ўтказувчи бўлади.



2-расм. Турли минералланган сув зичлигининг ҳароратдан боғлиқлик чизмаси тасвири.

Сувнинг кўп физик хоссаси, яъни зилоллиги, ранги, ҳиди, мазаси ва бошқалар асосан аралашма микдорига ва унинг кимёвий таркибига боғлик. Мисол учун сувда органик моддаларнинг бўлиши унга сарғиш ранг, олтингутурт водород гази палагда тухум ҳидини, натрий хлори - шўр маза ва ҳоказони беради.



З-расм. Сувнинг мутлақ қовушқоғлигини сувнинг минералланганлигидан ва ҳароратидан боғлиқлик чизма тасвири.

Сувда радиоактив унсурларнинг (радий, радон, уран) бўлиши, унинг радиоактивлигини таъминлайди. Яқинда сув тузилишининг ўзгариши билан оҳанрабо (магнит) таъсирига мойиллиги аникланилди ҳамда у электр майдонининг таъсирига ҳам мойил бўлса керак, деб таҳмин қилинади.

Ер ости сувларининг физик хоссалари асосан нефть-газ конлари амалиётида (электр каротаж, радиоактив каротаж, ўюмлардан нефть олиш коэффициентини баҳолаш ва бошқалар) ҳамда йўлдош гидроминерал ашё сифатида ер ости сувларини баҳолацда кўлланилади.

3-§. Сувнинг кимёвий хоссалари

Нефть-газ геологияси учун энг муҳим аҳамиятли кимёвий хоссаларига сувнинг умумий минералланиши, мухитнинг таъсири, оксидланувчи-қайтарувчи потенциали микдори, каттиклиги ва тажовузкорлиги киради.


Сувнинг умумий минераллиги - бу унда эриган моддаларнинг микдори. Эриган моддаларнинг микдори бўйича табиий сувлар шартли чучук (1г/l дан кам), шўр ($1\text{ дан } 50\text{г/l}$ гача) ва намакобларга (50г/l дан ортиқ) бўлинадилар. Сувнинг минералланиши унинг зичлигига жуда таъсир қиласи (4-расм).

Мухит реакцияси сувнинг ишқор-кислотали хоссасини ва водород ионлар куюклигини таърифлайди. Сув қисман водород ва кислород ионларига ажralади. Газсизлаштирилган, дистилланган сувда бу ионлар тенг ва ҳар бири 10^7 моль/л ташкил қиласи ва мухитнинг нейтрал реакциясини таъминлайди. Водород ионлари куюклигининг манфий логарифм микдори pH билан белгиланиб, 7га тент.

Сувда кучсиз кислоталарнинг анионлари бўлганда водород ионларининг бир қисми шу ионлар билан боғланади ва эритмада ортиқча гидрооксид ионлари пайдо бўлади. Бу ҳолда pH киймати 7дан ортиқ бўлиб, мухит реакциясининг ишқорлигини таърифлайди. Агар эритмада кучсиз асосларнинг катионлари бўлса, гидрооксид ионларининг куюклиги ортади, бу эса pH кийматини 7дан камайтириб мухитнинг кислородлик реакциясини ортириб юборади. Умуман табиий сувларнинг pH микдори 6-8 гача ўзгариади. Углеводород сувларда у 5-5.5гача камаяди, аммо ишқорли сувларда 10 гача кўтарилади.

Оксидловчи-қайтарувчи потенциал оксидловчи ёки қайтарувчи жараён ўтадиган мухитнинг қобилият ўлчами бўлиб ҳисобланади. Микдорий жиҳатдан бу катталик Eh билан белгиланиб, сувдаги валентлиги ўзгариб турувчи оксидланган ва қайтарилган шакладаги бирикмаларнинг

нисбати билан аниқланилади. У оксидловчи жараён учун мусбат ва қайтарилиш жараёни учун манфий бўлади.



4-расм. Дистилланган сув зичлигининг минералланишидан боғлиқлик чизма тасвири.

Сувнинг қаттиқлиги таркибида кальций ва магний ионлари бўлиши билан таърифланади. У совунларнинг ёмон эриши, қуйقا ҳосил қилиши ва бошқа жараёшлари билан кузатилилади. Сувдаги барча ионларнинг миқдори - умумий қаттиқлик, сув қайнатилганда сақланган (хлорид ва сульфат) ионлар - доимий қаттиқлик; сув қайнатилганда гидрокарбонатлар да карбонатлар кўринишида чўқадиган ионлар муваққат қаттиқлик дейилади. Демак, сув қайнатилганда унинг умумий қаттиқлиги пасаяди, яъни сув "юмшайди". Сувдаги кальций ва магний ионларининг кўйиклиги Змг.Экв/л ортиқ бўлганда, қаттиқ, бу миқдордан кам бўлганда - юмшоқ сувга киради.

Сувнинг тажовузкорлиги деб унинг қаттиқ моддаларни парчалаш хусусиятига айтилади. Бу моддаларнинг кимёвий таркибига боғлиқ қуйидаги тажовузкор сувлар: карбонат ангидридли (кўмир кислотаси таъсирида карбонат кальцийнинг эриши натижасида) умумий нордон (мухитнинг нордон реакцияси содир бўлганда), сульфатли (цементта сув ўтиши натижасида гипс ҳосил бўлганда), нордон (кудук деворини

мустаҳкамловчи темир кувурларни сувда эриган кислород билан оксидланганда) ва бошқа сувлар ажратилади.

Сувларнинг ҳар хил моддаларга жоиз бўлган меъёрий тажовузкорлиги маълумотномаларда келтирилган.

4-§. Сувнинг кимёвий таркиби

Табиий сувларнинг барчаси эритмадан иборат. Унда эриган тузларни, ионларни, коллоидларни ва газларни ташкил қилувчи, бизга маълум бўлган барча кимёвий унсур элементлар мавжуд. Аммо бу моддаларнинг кенг тарқалишига қарамай, уларнинг микдори ҳар хил. Уларнинг ичидаги сувларда доломит ва магнийли минераллари бўлган жинсларнинг эришидан ҳосил бўладилар.

K^+ иони, Na^+ иони каби, анионлар билан яхши эрийдиган тузлар ҳосил киладилар. Аммо уларнинг K^+ ионлари Na^+ ионларидан кўра камроқ тарқалган. Бунга эса K^+ ионлари сувда ёмон эрийдиган иккиласмачи минераллар ҳосил қилиб, гиллар билан ютилиши ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши сабабдир.

Кремнезём - ер қобигида кислород дан сўнг энг кўп тарқалган унсур; аммо унинг тузлари ва минераллари сувда кам эрийди. Шунинг учун одатда унинг микдори сувларда жуда кам. Темир ионлари, айникса уч валентлиги сувда кам эрийди. Азот бирикмаларининг сувда тарқалиши органик моддаларнинг ачиши ва парчаланиши билан баглик. Шунинг учун у ифлосланган сизот сувлари учун хос.

Табиий сувларда микдори 100мг/л.дан кам бўлгач, аммо намакобларда баъзан бир бутун г/л.-га етадиган унсур (элемент)лар, шартли микрокомпонентларга киритилади. Микрокомпонентларга бром, йод, ишқорли металлар Li,Rb,CS ва бошқалар ҳамда радиоактив унсурлар (U,RA ва бошқалар), калий, карбон, аргон ва бошқаларнинг изотоплари киради.

Газ доимо табиий сувларнинг кимёвий таркибига кириб, унинг турлари минераллар -туридан камрок. Барча табиий сувларда азот ҳар хил (атмосфера, биоген, магматоген) йўл билан ҳосил бўлади. Кислород чукур бўлган ер ости сувлари учун ҳосил эмас, сабаби - у юқори ачитиш хусусиятига эга бўлганлиги ва атмосферадан ер ости гидросферасига таълимот бўлмаганлиги учун у тезда сарфланиб кетади. Карбонат ангидрид кимёвий фаол бўлгани учун у кўпгина геокимёвий жараёнларда қатнашади ва ер ости сувларида органик моддаларнинг парчаланиши, ер ости сувларнинг десульфатланиши натижасида ҳосил бўлади. Унинг яна бир манбаи - карбонатларнинг иссиқлик таъсирида парчаланишидан пайдо бўлишидир. Газ геосфера қобигининг остидан ўтган деган фикр бор.

Ер ости сувларида айниқса нефть-газли минтақаларда олтингугуртводород жуда кўп учрайди. Улар органик моддаларнинг парчаланиши ва сульфатларнинг биокимёвий тикланиши натижасида ҳосил бўлади.

Метан ва унинг гомологлари нефть ва газ конларининг сувларида жуда кўп учрайдилар. Улар органик моддаларнинг қайта ўзгарган маҳсулотлари ҳисобланади. Ҳамда ер ости сувларига углеводород уюмларидан ўтадилар. Ер ости сувларида оз микдорда водород, радиоген гелий, ва радион, ҳамда асосан ҳаводан ўтган аргон ва бошқа газлар учрайди.

Ер ости сувларида қисман устки сувлардан қисман жинслардаги органик моддалардан ўтган ҳар хил органик моддалар учрайди. Буларнинг орасида кўпроқ, органик кислоталар, битумли (карбон сувлар, спиртлар, кетонлар, муракқаб эфирлар) моддалар учрайди. Одатда «битумли моддалар нефть уюмининг сув билан туташ юзаси атрофида кўпроқ бўлади.

Шундай килиб, табиий сувлардаги минерал ва органик моддаларнинг ҳамда газларниаг таркиби ва микдори шу сувларнинг кимёвий таркибини ифодалайди. (2-жадвал).

Ер ости сувларининг кимёвий таркиб тарҳи.

Табиий сувларнинг кимёвий таркиби

Макроком-
понентлар/ Cl^- ,
 Na^+ , SO_4^{2-} , HCO_3^- ,
 Ca^{2+} , Mg^{2+} ва
бошқалар/

Микроком-
понентлар
/ J^- , Br^- , B^- ,
 Li^+ , Rb^+ , Cs^+ ,
 Sr^+
бошқалар/

Газлар
/ CH_4 , CO_2 ,
 N_2 , O_2 , H_2S ,
Не ва
бошқалар/

Органик моддалар
/органик
кислоталар,
феноллар, бензол
ва бошқалар/

5-§. Сувнинг кимёвий таҳлили

Сувнинг кимёвий таҳлили унинг кимёвий таркибини ҳамда физик ва кимёвий ҳоссаларини аниқлашдан иборат. Кўйилган мақсад ва миқёсига қараб бундай таҳлилнинг тўлиқлиги, яъни аниқланадиган ҳоссалар сони белгиланади.

Сув кимёвий таркибининг дастлабки маълумотларини тезда олиш учун умумий кимёвий таҳлил ўтказилади. Бунда 5 асосий ионларнинг (Cl^- , SO_4^{2-} , HCO_3^- , Ca^{2+} ва Mg^{2+}) таркиби аниқланади ҳамда Na^+ ионининг микдори ва сувнинг минераллари ҳисобланади. Сувнинг зичлиги ва бунга қўшимча pH ўрганилса стандарт кимёвий таҳлил деб аталади.

Махсус кимёвий таҳлилга қўшимча, сувда эриган органик моддалар ва газларнинг микдори ва таркиби (нефть-газидроқимёвий таҳлил), сувнинг физик ҳоссалари, ундаги азот биримлалари ва микрофлоралари

(санитария таҳлили), микрокомпонентлари, сувнинг қаттиклиги ва тажовузкорлиги (техникавий) аниқланади. Сув кимёвий таҳлилиниң асосий усулларига индикаторлар ёрдамида сув эритмаларини титрлашга асосланган ҳажмий, тарозили, хроматографика (газлар учун), ҳажмий ва колориметрик (органик моддалар учун) усуллар киритилади.

Сув кимёвий таҳлилиниң натижалари масса (г/л, мг/д) ва ҳажм (cm^3l) шаклида ифодаланади ва керак бўлган ҳолларда эквивалент шаклида қайта ҳисобланади. Эквивалент шакли сувнинг кимёвий хоссаларини аниқ ҳисоботи учун, умумий таҳлилда эса Na^+ ион микдорини ва сувнинг минералланганигини аниқлаш учун хизмат килади. Таҳлил натижаларини масса шаклидан эквивалент шаклига ўтказиш учун масса шаклидаги ионлар микдорини ионлар эквивалентининг қийматига бўлинади. Ионларнинг эквиваленти ион молекуляр (атом) массасининг унинг валентлигига бўлинмасидир. Сувдаги асосий ионлар эквивалентлар: Cl^- -35.5, SO_4^{2-} -48, HCO_3^- -61, Ca^{2+} -20, Mg^{2+} -12, Na^+ -23га тенг.


Сувнинг кимёвий таҳлилини текшириш ички ва ташки бўлиши мумкин. Ички текширувда сув минералланишининг куруқ чўкинди микдорига тўғри келиши, эквивалент шаклидаги анионлар ва катионлар микдорининг тенглиги ва бошқа хоссалар текширилади. Ташки текширув эса, текширув намуналарида ички таҳлил ўзга ташкилотларнинг тажрибахоналарида тўла ўтказилиши зарур.

Сувнинг кимёвий таҳлил натижалари жадвал, чизма тасвир ва ифода (формула) шаклида берилади. Энг кўп қабул қилингани жадвал шаклида бўлиб, сувнинг кимёвий таркиб компонентларининг микдори масса, эквивалент ва ҳажм шаклида бўлади. Чизма тавирдагилардан Роджерс ва Толстихин чиэмасииимг кўрсатиш мумкин, унда сувнинг ион-суви таркиби фоиз-эквивалент шаклида тасвирланган (5,6-расм). Тасвирланган сувнинг кимёвий таркибини қисқача таърифлаш учун Курлов ифодасини қўллаш мумкин. У касрсимон бўлиб, унинг суратида асосий анионлар


микдори, маҳражида эса камайиб борувчи фоиз-эквивалент шаклидаги асосий катионлар кўрсатилади. Каср олдида сувнинг минералланиши г/л микдорида кўрсатилади. Ҳамда аниқ микрокомпонентларнинг микдори, қаердан сўнг сувнинг ҳарорати $^{\circ}\text{C}$ -да, pH микдори ва бошқа керакли маълумотлар берилади, масалан:

$$M_{52} \frac{Cl_{39} \cdot SO_5^{4-}}{Na_{27} \cdot Ca_{16}} t_{85} pH,$$

Таҳлил натижаларининг жадвали ер ости сувларининг таъриф матнига кўшилади, чизма тасвир эса гидрокимёвий хариталар, кесим ва кесмалар тузишда кўлланилади.



5-расм. Роджерс диаграммаси.







6-расм. Толстихин диаграммаси.

6-§. Табии тувларнинг кимёвий таснифлари

Табии тувларнинг кимёвий таркиби бўйича ҳақиқий маълумотлар, шу таркибнинг барча ва айрим аломатларини ажратиб умумлаштирилади. Улар ҳар хил усуслар ва ҳар хил хоссалар бўйича гурӯхлаштирилган бўлиши мумкин; бу табии тувлар кимёвий таснифининг кўшигини кўрсатади. Юқорида табии тувларнинг кимёвий хоссалари кўрилганда уларнинг минералланиши, қаттиклиги, ишқор-кислотали ва бошқа хоссалари бўйича уларнинг таснифлари келтирилган эди. Хусусий кимёвий таснифлар орасида микдори ва таркиби бўйича сувда эриган минерал моддаларнинг (Ч.Кларк, С.А.Шукарев, В.А.Сулим), газларнинг (В.И.Вернадский, А.М.Овчинников), рангли микрокомпонентларнинг, ҳамда ҳар хил аломатларнинг мажмуюи бўйича таснифлар ажратиш мумкин.

С.А Шухаревнинг таснифи энг содда бўлиб, унда сув таркибида 25%-эв.дан ортиқ миклордаги микрокомпонентлар (хлор-натрийли, гидрокарбонат-натрийли ва бошқалар) бўйича сувнинг 49 синфи ажратилади.

Умумий гидрогеологияда энг кўп кўллананиладигани О.А.Алекиннинг таснифидир. Бу таснифда кўп учрайдиган анионлар бўйича синфлар, кўп учрайдиган катионлар бўйича групкалар ва ионлар орасида ўзига хос нисбати бўйича турлар ажратилади. Шундай турлардан тўртта ажратилади:



Нефть-газ геологиясида Ч.Пальмер таснифининг айрим унсурларини ўзига олган В.А.Сулин таснифи кўллананилади (3-жадвал). Бунда ҳам генетик коэффициентнинг киймати бўйича тўртта тур сув ажратилади:

rNa^+/rCl ; $(\text{rNa}^+ - \text{rCl})/\text{rSO}_4$, ва $(\text{rCl} - \text{rMg}^{2+})/\text{rMg}^{2+}$ натрийсиз ва хлорсиз сувлар.

Агар $\text{rNa}^+/\text{rCl} > 1$ бўлса, $(\text{rNa}^+ - \text{rCl})/\text{rSO}_4$ киймати ҳисобланади ва у 1 дан катта бўлса, сувлар гидрокарбонат-натрийли, қачонки 1 дан кам бўлса - сульфат-натрийли тур деб аталади. Агар $\text{rNa}^+/\text{rCl} < 1$ бўлса, $(\text{rCl} - \text{rNa}^+)/\text{rMg}^{2+}$ киймати ҳисобланади ва у 1 дан катта бўлса - сувлар гидрокарбонат-натрийли қачонки кам бўлса сульфат-натрийли сув деб аталади. Гар $\text{rNa}^+/\text{rCl} < 1$ бўлса, $(\text{rCl} - \text{rNa}^+)/\text{rMg}^{2+}$ киймати ҳисобланади ва у 1 дан катта бўлса, сувлар хлор-кальцийли, қачонки 1 дан кам бўлса хлор-магнийли сув деб аталади.

В.А.Сулин таснифи бўйича сувнинг ҳар бир тури, кўп учрайдиган анионлар бўйича З гурухга ва кўп учрайдигаи анионлар бўйича З гурухгача бўлинади. Ундан сўнг Ч.Пальмер бўйича сувнинг синфи аникланилади. Бундай синфлар бешта, аммо амалиётда энг кўп тарқалгани иккита 1) ишқорли сувлар синфи улар учун $r\text{Na}^+ > r\text{Cl}^- + r\text{SO}_4^{2-}$, ва 2) қаттиқ сувлар синфи улар учун $r\text{Na}^+ < r\text{Cl}^- + r\text{SO}_4^{2-}$ нисбатлари хос.

Бу таснифда ажратилган сув турларининг таркиби бўйича сувларнинг ҳосил бўлиш ва жойлашиш табиий шароитларининг асосий (китъавий денгиз ва ер ости) кўринишларини ифодалайди. Шунинг учун у генетик тасниф деб аталади.

А.М.Овчинниковнинг таснифи ҳар томонлама бўлиб, унда сувда эриган газлар таркиби ва кўп учрайдиган ионлар бўйича табиий сувлар 24 синфа ажратилади. Газларга б бош ионлар нисбати бўйича оксидловчи (азот, кислород ва бошқалар). қайтарувчи (метан, олтингутурткислород ва бошқалар) ва метаморфик (карбонат ангидрид бошқалар) табиий шароитлар учун, 8 синфдан тўғри келади. I, VI, VII ва Y111 синфларда Na^+ ва K^+ ионларининг таркиби 25%-экв.дан ортиқ, II, III, IV ва V учун - 25%-экв.дан кам, I, II, 111 ва VIII синфларда Cl^- иони 25%-экв.дан ортиқ, IV, V, VI ва VII учун - 25%-экв.дан кам (анионлар ва катионларнинг жами микдорини 100%-экв.деб қабул қилинганда).

З-жадвал.

Ер ости сувларининг В.А.Сулин бўйича таснифи.

Сув тури	$r\text{Na}^+/r\text{Cl}^-$	$r\text{Na}^+ - r\text{Cl}^- / r\text{SO}_4^{2-}$	$r\text{Cl}^- - r\text{Na}^+ / r\text{Mg}^{2+}$
Гидрокарбонат-натрийли	>1	>1	-
Сульфат-натрийли	>1	<1	-
Хлор-кальцийли	<1	-	>1
Хлор-магнийли	<1	-	<1

Амалиётда нефть-газ конлари излаш ишларида, В.А.Сулин таснифининг аник шартлилиги бўлишига қарамасдан, сувнинг генетик турларини кўрсатиш билан чегараланилади.

3-боб. ГИДРОДИНАМИКА АСОСЛАРИ

Тоғ жинсларини түлдирувчи озод сувлар, босим градиенти таъсирида суриладилар, Сувларнинг ғовак мұхиттда сурилиш жараёни с и з и ш (фильтрация) дейилади. Сувнинг сурилиши деформация билан бөглиқ физик жарайн бўлиб, жинс заррачаларини фазодаги ўрнининг бир-бирига нисбатан вақт бирлигидан ўзгариши билан бөглиқ. Яхлит мұхитнинг деформацияси ва олиши реология фанининг мавзуи бўлиб, шу жарайёнлар билан бөглиқ бўлган мұхитларнинг хоссалари реологик хосса деб аталади.

1-§. Суюқликларнинг реологик хоссалари

Деформациялар ва уларнинг кўзғалувчи кучланишлар ўртасидаги қарамлиги реологик тенгламалар билан тасвирланади. Қаттиқ жисмлар учун бундай қарамлик тўғри мутаносибидир (Гук қонуни). Суюқликлар учун кучланиш о ва деформация тезлиги $d\varepsilon / dt$ ўртасида. Ньютон қонуни билан ифодаланувчи мутаносиблик мавжуддир.

$$d\varepsilon / dt = \sigma / \mu,$$

бу ерда, μ - суюқлик қовушқоклигини ифодаловчи мутаносиблиги коэффициенти.

Суюқликнинг қовушқоклиги деб, ташки кучлар таъсирида унинг заррачасининг нисбий кўчиши учун ўзининг қаршилик кўрсата олиш хоссаси тушунилади. Вақтдан қатъий назар μ катталиқ доимий бўлганда $d\varepsilon / dt$ ва σ ўртасида тўғри мутаносиблик содир бўлади. Бу эса Ньютон суюқликлари учун хосдир. Бундай суюқликлар учун озод ер ости сувлари мисол бўла олади. Агар вақт ўзгариши билан μ катталиқ ўзгарса, суюқлик бингамов ($d\mu / dt < 0$) ёки дилатант ($d\mu / dt > 0$) дейилади.

Бундай суюкликларга ҳар хил термобарик шароитлардаги қатлам нефти мисол бўлади. Агар суюкликтинг реологик тенгламаси $d\varepsilon/dt = \sigma_0 + \sigma/\mu$, (σ_0 -силжишининг бошлангич қаршилиги) бўлса, бу суюклик тиксотроп суюклик деб аталади (лой эритмаси).

Суюкликлардаги деформацияларнинг хусусиятлари уларнинг қаттиқ ва газсимон жисмлар оралиғидаги ўртача фазовий долати билан таъминланади. Бундай хусусиятларга бутунлик, оқувчанлик ва сиқилиувчанлик киради.

Мұхитнинг бутунлиги-бу унинг барча ҳажми бўйича узлуксиз ўзгариш хусусиятиdir (босим, зичлик ва бошқалар).

Суюкликларнинг бундай хоссалари уларни қаттиқ жисмлар билан яқинлаштиради. Мұхитнинг сиқилиши-бу ташки кучлар таъсирида ҳажмининг ўзгаришидир. Бу хоссалар бўйича суюкликтар газларга якнанди. Мұхитнинг оқувчанлиги - бу кўзгатувчи кучланишга кичик қаршилик бўлиб, унинг натижасида суюклик турган идиш шаклини қабул қиласи.

Ташки кучларнинг таъсирида суюкликларда ҳосил бўладиган кучланиш *гидромеханик босим* дейилади. Кўзгалмайдиган суюкликни эса гидростатик босим дейилади. Гидростатик босим таъсир қилувчи майдончага тик ички чизик бўйича йўналган. Суюкликтинг хоҳлаган нұктасида барча йўналишлар бўйича босим бир хил катталикка эга ва заррачанинг факат фазодаги ўрнидан боғлиқ (Паскал конуни).


Харакатланувчи суюкликтинг босими *гидродинамик босим* дейилади. Худди шу босим таъсирида суюкликларнинг сизиши (фильтрацияси) содир бўлади. Ғовак мұхитда харакатланувчи суюклик оқими сиздириш (фильтрацион) оқими дейилади.

2-§. Сиздириш оқимининг унсурлари

Бирор ҳисоблаш тизимидан, яъни координатдан суюкликтини харакатини аниклаймиз (7-расм). Унда ҳар

бир заррачага ўзининг ҳаракат тезлиги и тўғри келади, барча суюқликни эса векторлар майдони шаклида тасаввур қилиш мумкин. Бу майдоннинг ҳар бир нуктада и векторига монанд уринма чизиклар ўтказиш мумкин. Бу чизиклар оқимча чизиклари дейилади.

Ҳаракатланувчи суюқликнинг, оқимча чизиклари билан чегараланган қисми оқимча ёки оқим найи дейилади. Чексиз оқимчалар бирлиги сиздириш, оқимини ташкил килади. Агар сиздириш оқими ўтказиладиган деворлар билан чегараланган бўлса ва озод юзаси бўлмаса, сувнинг ҳаракати босимли, аks ҳолда босимсиз деб аталади. Гидродинамик босимнинг катталиги ва ҳаракат тезлигини векторлари суюқлик заррасининг координатасига боғлиқ бўлса, сув босими муқаррарлашган дейилади. Агар бу микдорлар вакт мобайнида ўзгарса, суюқликнинг ҳаракати муқаррарлашмаган дейилади.



7-расм. Сизиш оқими унсурларининг тарҳи: 1-оқим тезлигининг вектори; 2-оқим чизиги; 3-оқим кўндаланг (ҳақиқий) кесмаси.

Оқим чизигига тик ва сиздириш оқимининг сиртқи чегаралари ўртасида жойлашган майдон оқимининг ҳақиқий кесмаси (ω) ни ифодалайди. Вакт бирлиги ичida оқимнинг ҳақиқий кесмаси орқали ўтган суюқлик ҳажми

суюкликинг сарфланиши Q деб аталади ва қуидаги ифода билан аникланади:

$$Q = \int U \alpha \omega$$

Агар $U = \text{const}$ бўлса, ҳаракат текис бўлади, аммо $U \neq \text{const}$ бўлса, ҳаракат бир текисда ўзгарувчан бўлади.

Фараз қиласизки, оқим найчаси кесманинг ичида суюкликнинг барча заррачалари шу найнинг ичида ҳаракатланади ва унинг ичидан чиқмайди. Шунингдек оқим найнинг ичига ҳам суюкликнинг ҳеч қандай зарраси кирмайди. У ҳолда оқимнинг ҳар бир кесмасидаги суюклик сарфи бир хил бўлади (узилмаслик тенгламаси):


$$Q = U_1 W_1 = U_2 W_2$$

Агар оқимнинг оқимчалари мувозий (параллел) бўлса, оқимчали (ламинар) ҳаракат, агар мувозий бўлмаса - уюрмали (турбулент) ҳаракат дейилади. Суюкликтарнинг бундай ҳаракати ҳаракат тезлигига, оқим найнинг диаметрига, суюкликнинг зичлиги ва қовушшоқлигига боғлик. Бир ҳаракат кўринишидан иккинчисига ўтиш Рейнольдс соянининг катталиги билан аникланади.

3-§. Келтирилган босимлар ҳақида тушунча

Гидростатик босимнинг суюклик заррачасининг фазодаги ўрнидан боғликлиги тинч ҳолатдаги суюкликда бу босимларнинг фарқини олдиндан аниклади.

Сиздириш оқимининг ҳохлаган нуктасида суюклик энергияси энергиялар ҳолати, босими ва ҳаракатининг йигиндиси сифатида аникланади. Бу боғликлик геометрик Бернуlli тенгламаси билан ифодаланади (8-расм):



8-расм. Сизиш оқимининг тўла тазиҳини ташкил қилувчи тарҳ: 1-кудуқлар; 2-ер юзи; 3-суви қатлам; 4-пъезометрик чизик; Т Т-таққослаш текислиги.

$$H = Z + P/\gamma + U^2/2g$$

Тўла босим H унинг геометрик Z , пъезометрик P/γ ва тезлик $U^2/2g$ ташкил этувчиларининг йигиндисига тенг.

Ер ости сувларининг жуда кам тезлигини ҳисобга олинганда $U^2/2g \ll Z + p/\gamma$, тўла босим катталигини ($Z + p/\gamma$) йигиндиси сифатида аниқлаш мумкин. Тўла босимга тўғри келадиган ер ости сими келтирилган босим Фир дейилади.

$$P_{\text{кл}} - H \cdot \gamma = Z \cdot \gamma + P$$

бу ерда, $Z \cdot \gamma$ ва P келтирилган босимнинг ($P_{\text{кл}}$) геометрик ва пъезометрик ташкил қилувчилари.

$P_{\text{кл}}$ - нинг пъезометрик ташкил қилувчиси - бу қатлам босими $P_{\text{кл}}$:

$$P_{\text{кел}} = h \cdot \gamma$$

бу ерда, h - кудуклаги суюқлик устуининг баландлиги,
 γ - кудукдаги суюқлик солиштирма оғирлиги.

$P_{\text{кел}}$ -нинг геометрик ташкил қилувчиси - бу қатlam ётиш чукурлиги ва аниқ шароитда танлаб олинган текислик ўртасидаги сув устуининг босими.

Сувли горизонтлар ҳар хил чукурликда ётадилар, лекин улардаги сувлар турлича минералланиши, ҳарорати ва газга тўйингаэлиги билан ифодаланади.

Ер ости сувларининг йўналишини ва ҳаракат тезлигини баҳолашда Рпр кўрсаткичидан фойдаланиш сувли горизонтнинг ётиш чукурлиги ва сувлар зичлигининг фарқини назарга олиш имкониятини беради. Шундай килиб, келтирилган босим - сувли горизонт ётиш чукурлигининг фазовий ўзгаришини ва ундаги сувларнинг зичлигини ҳисобга олган ҳолда, аниқ таққослаш текислигига олишини ҳисобланган ер ости сувларининг босимидир.

Келтирилган босимнинг умумлаштирилган шаклда А.И.Сулин-Бекчурин ифодаси билан аникланади:

$$P_{\text{кел}} = P_i + \int \gamma(Z) \cdot dz$$

бу ерда P_i - кудукдаги қатlam босими,

$\int \gamma(Z) \cdot dz$ - кудукдаги сувли горизонтнинг ётиш чукурлигидан, таққослаш $\gamma = \gamma(Z)$ сув устуининг босими.

Таққослаш текислигини олишининг мажбурий шарти, у зичлиги бир хил бўлган сув қаватидан ўтиши лозим. Табиий шароитда ҳар хил чукурликда зичлиги ҳар хил бўлган сувлар бўлганда, таққослаш текислигини энг паст мутлақ белгида ётувчи сувли горизонт бўйича олинади.

Сувнинг зичлигини сувли горизонт чукурлигидан боғликлигининг умумий кўриниши $\gamma = \gamma(Z)$ Ягодин ифодаси билан аникланган.

$$\gamma = (Z/a)^{1/n}$$

бу ерда, а ва н- ҳар бир сувли горизонт учун эмпирик коэффициент.

Ҳакикий далиллар етишмаган эмпирик коэффициентни аниклаш учун А.И.Силин - Бекчуриннинг соддалаштирилган ифодаси қўлланилади

$$P_{\text{кл}} = P_i + \sum (Z \cdot \gamma)_i$$

Агар ер ости сувларининг зичлиги ва сувли горизонтнинг ётиш чукурлиги ўртасида тўғри мутаносибликка йўл қўйилса ҳисоблаш ифодаси янада соддалаштирилади:

$$P_{\text{кл}} = P_i + Z_i \gamma_{\text{пр}},$$

бу ерда, $\gamma_{\text{пр}}$ - Z_i майдончасидаги сувнинг ўртача солиштирма оғирлиги.

$P_{\text{кл}}$ катталигини ҳисоблашнинг бир неча соддалаштирилган ифодалари, ҳисоблаш ҳажмини камайтиришни ва ҳисоблашни тезлаштириш имконини берини аник гидрогеологик шароитлар билан боғлик. Мисол учун, қатlam горизонтал ҳолда ётган бўлса, таққослаш текислигига келтирувчи кузатишни ҳисобга олиш зарур эмас ва ер ости сувларининг ҳаракат йўналиши ва тезлигини аниклаш учун қатlam босимининг катта-лигини олиш мумкин. Аксинча сувли горизонтнинг ётиш чукурлиги кескин ўзгарганда, тузатишни келтириш катталиги қатlam босимининг катталиги билан таққослаш мумнин. бўлганда ёки қатlam босимининг катталигидан ортиқ бўлса И.К.Зерчаничов таклиф қилган кўшни кудуклар орасидаги келтирилган босимларни кўш таққослаш усулини қўллаш тавсия килинади. Бу ҳолда кудуклар орасидаги келтирилган босимлар фарқи $\Delta P_{\text{пр}}$ куйидаги ифода ёрдамида аникланади:

$$\Delta P_{\text{кл}} = P_i - P_{i+1} \pm l \gamma_{\text{пр}}$$

бу ерда, P_i ва P_{i+1} - таққосланилаётган қудуклардаги қатlam босимлари, l -таққосланилаётган қудуклардаги сувли.

l - горизонтлар ётишининг мутлок чукурлиги,

$\gamma_{\text{урт}}$ - таққосланилаётган қудуклардаги сувнинг ўртача солиштирма оғирлиги,

Ер ости сувнинг солиштирма оғирлиги нисбий ўзгармаса ($\gamma = \text{const}$) сувли горизонтнинг қисмидаги ўртача солиштирма оғирликни аниклаш ортиқча ҳисобот бўлади ва ҳисобот ифодаси куйидаги кўринишни олади.

$$P_{\text{кел}} = P + z \gamma \quad \text{ёки} \quad P_{\text{кел}} = (h + z) \gamma,$$

Агарда бунинг устига, сувнинг зичлиги бирга яқин бўлса, ҳисобот куйидаги ифода ёрдамида бажарилади:

$$P_{\text{кел}} = h + z.$$

Бундай ҳоллар сувли горизонтда чучук сувлар бўлганида, ҳамда чукурлашган сари сувлар минералланишининг ортиши, қатlam заррачаларининг кўтарилиши билан тўлдирилганда содир бўлади.

Умумий ҳолларда ер ости сувларининг зичлигига уларнинг минералланиши, ҳароратлари, газга тўйинганликлари ва сикилишлари ҳам таъсир кўрсатишни ҳисобга олиш керак. Бундай ўзгартиришлар киритишнинг зарурлиги қатlam босимини ва сувли горизонт ётиш чукурлигини ўлчашдаги кўйилган ҳатоларни, ҳисоблашдаги ва услубий тусдаги ҳатолар билан таққослашда керак бўлади.

4-§. Сиздиришнинг асосий қонуни

1856 йил фаранг муҳандиси А.Дарси тажрибада сувнинг сарфланиши блан унинг кум қатлами орқали сизишидан ҳосил бўлган босимлар фарқига турли

мутаносибдалигини белгилади ва куйидаги инфодани яратди:

$$\sigma = K\phi \cdot [(H_1 - H_2)/L] \omega$$

бу ерда σ - сувнинг сарфи.

H_1 ва $H_2 - L$ масофага бир-биридан узоклашган майдончадаги сув босимининг катталиги, ω - сиздириш оқими кундаланг кесмасининг майдони. Бу формула чучук сув сакловчи горизонтал ётгая сувли катламлар учун хос. Умумий, сувли горизонтнинг чукурлиги ва сувнинг зичлиги ўзгарувчан бўлса, H_1 ва H_2 катталиклари Бернулли формуласи билан аниқланади.

$$H_1 = P_1 / \gamma_1 + Z_1 \cdot \gamma_{\text{жрт}}, \quad H_2 = P_2 / \gamma_2 + Z_2 \cdot \gamma_{\text{жрт}},$$

Бу ҳолда H_1 ва H_2 каттаиклари келтирилган босим $P_{\text{кел}1}$ ва $P_{\text{кел}2}$ каттаикларига тўғри келади, уларнинг L масофадаги фарқи гидравлик градиенти (i) ни таърифлайди;

$$i = \Delta P_{\text{кел}} / (\gamma \cdot L).$$

Шунинг учун Дарси формуласини куйидаги кўринишда ёзиш мумкин.:

$$Q = (K\phi / \gamma) i \omega$$

ёки, сувнинг ҳаракат тезлиги сув сарфи оқим кисмининг бўлинмасига тенглигини кўзда тутиб, кўйидагича ёзилади.

$$v = (K\phi / \gamma) i$$

Дарси формуласидаги мутаносиблик коэффициенти муҳитнинг хоссасини ва сувнинг сизиши хусусиятини таърифлайди. Нефть ва газ геологиясида бу хусусиятларни алоҳида ҳисобга олиш учун жисмларнинг ўтказувчанлик коэффициент катталиги ва сувни иғ

мутлоқ, ковушқоклик μ қиймати йышлатылалы. К ϕ ва К қийматларининг боғликлити қуйидаги нисбатлар билан аникланади.

$$K\phi / \gamma - K / \mu$$

Дарси формуласида $K\phi/\gamma$ қиймати K/μ қиймати билан алмаштирилса күриниши қуйидагича бўлади:

$$v = (K/\mu) i$$

Шуни таъкидлаш керакки, сувнинг сизиш тезлиги (v) унинг ҳақиқий ҳаракати (U) ни таърифламайди, чунки у сиздириш оқимининг барча майдони бўйича ҳаракатланмай фақат жинсларнинг ғовак бўшликлари орқали ўтади. Демак, U қиймати тахминан v қийматни жинсларнинг ғоваклик коэффициентига бўлиш орқали аниклаш мумкин.

$$U = v / m$$

Дарси формуласи бир ўлчамли сиздириш оқими учун, яъни бир томонга йўналган сувнинг ҳаракати учун чиқарилган. Фазовий сиздириш оқимининг ҳақиқий табиий шароитларида келтирилган босим градиентининг микдори $\Delta P_{\text{кен}}$, x ; y ; z координата ўклари бўйича Р pr микдори ҳосилалар бўлинмасининг йигиндиси билан алмаштирилиши лозим, Дарси формуласи эса қуйидаги кўринишда бўлади.

$$v = -K / \mu [(\partial / \partial x)i + (\partial / \partial y)j + (\partial / \partial z)k] \cdot P_{np}$$

ёки, бу ҳосилалар бўлинмасининг йигиндисини Гамельтон оператори ∇ билан белгиланса,

$$v = -(K / \mu) \cdot \nabla P_{np}$$

кўринишда бўлади.

Дарси конуни ер ости сувларининг ламинар ҳаракати учун амал қилинади ва унинг шароити говак мухитда В.Н.Щелкачев формуласи билан аникланади:

$$Re = \left(10 / m^{2.2}\right) \cdot (uk / \mu) \cdot \rho$$

Жинслар говаклик бўшлигининг тузилишидан Рейнольдс сонининг микдори 4-12 ўзгарили.

Сизишниңг ночизикли конуни Краснопольский-Шези ва Прони-Форхгеймер формуласи билан ифодаланади:

$$v = K\phi \sqrt{i} \text{ ва } i = a \cdot v + b \cdot v^2$$

бу ерда, а ва б-эмпирик коэффициентлари.

Бир қатор олимлар таклиф килишларича, Ер бағрида гидравлик градиентнинг кичик микдори бўлгани учун асосий сизиш конунининг бузилиши кузатилади. Аммо Мейнцер ва Фименколарнинг тадқиқотларига асосан бундай тахмин тасдиқлашмаган. Дарси конуни i -нинг микдори 10^{-5} тенг бўлганда ва жинсларнинг ўтказувчанлиги милиларси бирлиги билан ўлчанилганда тўғри келади. Шундай бўлса-да гил жинслари учун сув сиздирилганда бошлангич босим градиентининг i_0 борлиги кузатилади ва Роза формуласида акс эттирилган.

$$v = K_\phi (i - 4 \cdot i_0 / 3),$$

бу сурда i_0 - микдори 1 дан 30 гача ўзгариб туради.

5-§. Сизишни физик-математик усулда ўрганиши

Сизишни тажрибада ўрганиш катта техник кийинчиликлар билан боғлик. Шунинг учун уни ўрганишда математик усуллар ва бошқа физик

жараёнларга киёс килиб. ўхшашлик усуулари күлланилади.

Математик усуулар, чексиз кичик унсур мұхитда ва чексиз қисқа вактда, сиздириш оқим хоссаларининг ўзгаришини таҳлил қилишга асосланған. Сиздириш оқимини ифодаловчи тұла тизим тенгламалари ўз ичига куйидаги тенгламаларни олади:

$$1) \text{Дарси тенгламаси } v = -(K / \mu) \cdot \nabla P_{np} ;$$

$$2) \text{узилмаслик тенгламаси } \nabla(\rho \cdot v) = -[\partial(m\rho) / \partial \tau] ,$$

бу ерда, ρ v - сизишнинг ялпи тезлиги,

$\partial / \partial t$ - қатlam ғоваклик ш хоссасининг ва флюид зичлик ρ ўзгаришининг тезлиги.

3) суюқлик ҳолатининг тенгламаси

$$\rho = \rho_0 \cdot \beta_s(p - p_0) ,$$

бу ерда ρ ва ρ_0 -босимлар ρ ва ρ_0 -га тенг бўлгандаги суюқликнинг зичлиги, β_s - суюқликнинг сикилиши.

4) мұхит ҳолатининг тенгламаси $m = m_0 \cdot \beta_c(p / \rho_0)$,
бу ерда m ва m_0 - босимлар ρ ва ρ_0 -га тенг бўлгандаги мұхитнинг ғоваклиги, β_c - мұхитнинг сикилиши.

Янги функцияни $L = \int \rho \cdot \alpha \cdot P + c$ киритилишидан фойдаланиб, Лейбензон сизишнинг умумий дифференциал тенгламасини куйидаги шаклда аниклади:

$$(K / \mu) \cdot \nabla^2 \cdot L = \partial(m \cdot \rho) / \partial \tau ,$$

бу ерда ∇^2 - координата тизими бўйича иккинчи даражали ҳосилалар бўлинмасининг йиғиндиси каби аникланувчи Лаплас оператори:

$$\nabla^2 = \partial^2 / \partial x^2 + \partial^2 / \partial y^2 + \partial^2 / \partial z^2$$

Бу умумий тенгламанинг куйидаги хусусий ҳоллари бор:

1) барқарорлашган сизиш $\partial m / \partial \tau = 0$ ва $\partial \rho / \partial \tau = 0$
каби ифодаланувчи

$$\nabla^2 L = 0$$

2) сиқилмайдиган қатламда сиқилмайдиган суюкликтиннинг сизиши, яъни $\rho = \text{const}$ ва $m = \text{const}$ бўлгандада.

$$\nabla^2 P = 0$$


3) сиқилувчи қатламда сиқилувчи суюкликтиннинг сизиши

$$\chi \cdot \nabla^2 \cdot P = \partial P / \partial \tau .$$

бу ерда χ - пъезоўтказувчаник коэффиценти.

$$\chi = K / \mu (\beta_{xc} \cdot m + \beta_c)$$

Мисол тариқасида суюклик сизишининг тадқикоти учун математик ашпаратдан фойдаланишни суюкликтиннинг кудуққа текис-радиал оқиб келишини кўриб чиқамиз (9-расм.) Дастребки маълумотларга кудукнинг радиуси- R_c , сувли горизонтнинг қалинлиги- b , суюклик таъминлаш радиуси- R_k ҳамда кудукдаги- P_c ва таъминлаш чегарасидаги- P_k радиуси босимлари киради.



9-расм. Кудукдаги ясси-радиал сизиш оқимининг тархи.

Бу дифференциал тенгламани Р, Рс-дан Rk-гача ва
г, Rc-дан Rk-гача оралиқда бўлганда интеграллаганда

$$P_x - P_c = \Delta P = (\mu Q / 2\pi K_b) \ln(Rk/Rc)$$

Бу ердан Q-ни аникласак Дюпюи формуласи
келиб чиқади:

$$Q = (2\pi K_b / \mu) \ln(Rk/Rc) \Delta P$$


Q-ни ΔP -дан боғлиқлигини чизма тасвири индикатор чизиги дейилади. Дарси қонунига риоя килинганда координата тизимининг бошидан ўтадиган бу чизик тўғри шаклда бўлади (10-расм).

$$Q = C \Delta P,$$

бу ерда, С-қатlam депрессияси бирга тенг бўлганда маҳсул микдорини ифодаловчи қудукнинг маҳсулдорлик коэффициенти.

Қатламларга ҳар хил депрессия ΔP берилганда суюкликларнинг маҳсулдорлиги-(Q)-ни ўлчаш бўйича С-микдорини ҳисоблаш мумкин. С-микдори бўйича эса - қатламнинг ва қудукнинг гидродинамик хоссаларини, жинслар ўтказувчалигини, ҳудудларнинг маҳсулот олиш қобилиятини ва маҳсулдорлигини оқилона ошириш имкониятларини аниклаш мумкин.

Сизишнинг физик тадқиқот усуллари, металларда электр токининг ҳаракати, яхлит муҳитларда иссиқлик ўтказиш, диффузия ва бошқа ҳаракатларига ўхшаш жараёнга асосланган. Дарси қонуни Ом, Фурье ва Фик қонунларига мувофиқдир. Павловский ишлаб чиққан электро-гидродинамик ўхшашлик (ЭГДЛ) усули сизиш ва электр жараёнларнинг ўхшашлигига асосланган. Бу усул ер ости сувларининг электроинтегратор моделларидаги ҳаракатларига баҳо беришда қўлланилади.



10-расм. Индикатор диаграммы

4-боб. ГИДРОГЕОТЕРМИЯ УНСУРЛАРИ

Ер ости сувларининг иссиқлик тизими иссиқлик энергиясининг манбаи ва иссиқлик ташиш шароитларининг тақсимланишига ва жадаллигига боғлиқдир. Иссиқлик энергиясининг ташки ва ички манбалари бўлади. Уларнинг биринчисига куёш радиациясининг энергияси киради. Унинг жадаллиги жойнинг географик кенглигига боғлиқ ва ҳар доим ўзгариб туради. Бу энергиянинг кўп қисми Ер юзида ютилади. Куёш радиациясининг ер бағрига кириб бориши ер юзида ҳарорат тебраниш кенглиги ва даврининг ортиши билан кучаяди.

Иссиқлик энергиясининг ички манбаларига ернинг ўзагида ва мантиясида уран, торий ва бошқа унсурларнинг радиоактив парчаланишида гравитацион сиқилиши ва моддаларнинг табақаланишидан, геокимёвий жараёнлардан ажralган энергиялар киради. Бу энергиянинг микдори Ернинг ҳар хил жойидаги геодинамик хусусиятга боғлиқ ва Ер юзида иссиқлик окимининг нисбат ўзгармаслигини тъминлайди.

Ер бағрида иссиқлик ўтказиш жуда мураккаб жараён. Литосферада иссиқлик ташиш асосан иссиқлик ўтказувчалик ва конвекция ҳисобига амалга ошади. Иссиқликнинг умумий оқими $q_{\text{кд}}$ иссиқлик ташувчини ташкил этувчи кондуктивив $q_{\text{кд}}$ ва конвективив $q_{\text{кв}}$ йигинидан иборат.

Жинсларнинг кондуктив иссиқлик ўтказувчанлиги атом-молекулярли хусусиятга эга бўлиб, ҳарорат градиенти T бўлганда мувозанатсиз тизимда содир бўлади ва Фурье тенгламаси билан ифодаланади :

$$q_{\text{кд}} = -\lambda \operatorname{grad} T,$$

бу ерда λ - мухитнинг иссиқлик ўтказувчанлиги бўлиб, вакт бирлиги ичida, юза бирлиги орқали, узунлик бирлигига ҳароратнинг бир даражага камайганида ўтадиган иссиқлик микдорига тенг.

λ микдори жинсларнинг таркиби, уларнинг петрографик хоссаси, термодинамик шароитларига боғлиқ У зич магматик ва метаморфик жинслар учун, чўкинди жинслари орасида эса ош тузи ва ангидрид учун энг юқоридир. Гил жинслари кам иссиқлик ўтказувчанлиги билан ифодаланса, кумтошлар, алевролитлар, оҳактошлар ва доломитларда эса λ микдори ўртача қийматга эга. Унга жинсларнинг намга тўйинганлиги деярли таъсир кўрсатади ва намлиги ортиши билан λ ортади. Нефтга тўйишган жинслар кам иссиқлик ўтказувчанлиги билан ифодалана-ди.

Конвектив иссиқлик ташиб ер ости сувларининг сизиш оқими томонидан бажарилиб, куйидаги формула билан аниқланилидади:

$$q_{\text{кв}} = c \nu t,$$

бу ерда c - солиштирма иссиқлик сифими,
 ν - сизиш тезлиги,
 t - сувнинг ҳарорати.

$q_{\text{кв}}$ микдори юқори ҳароратларда ва ер ости сувларининг тез ҳаракати натижасида барча иссиқлик оқимининг 20-25% гача олиш мумкин. Ўтказувчан узилмалар ва иссиқ сувларнинг тепага қўтарилиши юқори ҳароратли номеъёликни яратса, ер бағрига кириб бораёттан совук сувлар наст ҳароратли номеъёликни яратади. Бундан ташқари наст ҳароратли иссиқлик номеъёлиги газларнинг тўпланишида ва унинг уломларини ишлашда адиабатик кенгайиш натижасида ҳароратнинг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ер қаърининг асосий геотермик хоссалари геотермик градиент ва геотермик поғоналардан иборат. Геотермик градиент чукурликнинг ўзгариш бирлитига ҳароратнинг ўзгариши, геотермик поғонаси эса - ҳароратнинг 1°C -га ўзгаришига тенг чукурлик бўйича масофаси. Геотермик градиентни 100м.гача даража ҳисобида ифодалаш қабул қилинган.

Ер ости сувларининг ҳарорати кенг миқёсда ўзгариади. Яъни доимий музлокликларда манфий

даражадан, литосферанинг остики кисмидаги юзларча даражаларгача етади. Геотермик градиенттинг микдори турли ёшдаги бурмачанлик вилоятларида ҳар хил: токембрийда - 1.8-2.7, палеозоййизда - 3-5, кайнозоййда - 3-4°C/100м.бўлади.

5-боб. ЕР ОСТИ ГИДРОСФЕРАСИННИГ ТУЗИЛИШИ

Ер ости гидросфера тизимиға Ер бағридаги табиий сувлар киради. Ўқоридан у қітъалар, уммонлар ва денгизлар литосферасининг юзаси билан чегараланды. Унинг остки чегараси сувнинг критик ҳарорати ва босимига түгри келадиган шартли, 12-16км чуқурлик бүйича ўтказилади. Аммо сувлар ундан ҳам чуқуррокда, минераллар таркибида ва фаразий ҳолатда ҳам учраши мүмкін бўлиб, ҳозирги вактда бевосита ўрганиш қийин. Кола ярим оролида ковланган ўта чуқур қудукдан олинган маълумотларга асосан озод сув 11км чуқурликдаги дарзликларда ҳам учрайди. Билвосита маълумотларга асосан табиий сув озод ҳолда 20км гача учрайди. Бу ерда улар якка-якка ҳолда учрамай катта қалинликдаги (4-5км.гача) сув мінтақасининг бўлиши фараз қилинади. Л.А.Абурова табиий сувларнинг тарқалишида марказий симметриклик бўлиши мумкинлиги, яъни атмосфера ва юзаки сувлар, ҳамда Ерни ўраб турган космик сувлар ва ўта чуқурликдаги сувлар орасидаги ўхшашлик ҳақида фикр юритади. Шу билан Ер бағрининг ички қисмida сув плазмалари бўлиши таҳмин қилинади.

Ер ости гидросферасининг ҳар хил қисми бир-биридан термобарик ва геокимёвий шароитлар билан фарқ қиладилар. Шунинг учун ер ости сувларнинг физик ва кимёвий хоссалари, кимёвий таркиби ва ҳаракатланиш шароитлари бир хил бўлмайди.

Ер ости гидросферасининг ҳар хиллиги унинг хоссаларини фазо ва замон бўйича ўзига хос айrim ўзгаришлари билан таърифланади. Фазовий ҳар хиллик тик (вертикаль) ва горизонтал гидрогеологик мінтақаланиш билан ифодаланади. Даврий ҳар хиллик гидрокимёвий ва гидродинамик жараён каби, ер ости сувларнинг ҳосил бўлиши жараёнларининг ривожланишида сайёранинг ва унинг геосферасининг геологик тараққиёти билан боғлик.

1-§. Гидрогеологик зоналаниш

Ер бағрида сувларнинг физик ҳолати дастлаб харорат ва босимга қараб ўзгаради. Сувнинг бир хил физик ҳолатдан иккинчсига ўтиши ва сувли әритмалар тузилишининг ўзгариши қуйидаги гидрофизик зоналарни ажратышта асосланған.

Аэрация зонаси ер устидан сизот сувларининг устигача бўлган китъавий литосферанинг юкори қисмини ўз ичига олади. Бу зонадаги жинсларнинг ғоваклари ҳаво ва бугсимон сув билан тўлдирилган, ва факат вакти-вакти билан суюқ ҳолатдаги (ёмғир, кор, музлик) сув пайдо бўлади. Шу зона орқали инфильтрация ва бугланиш жараёнлари натижасида ер ости сувлари атмосфера сувлари билан боғланадилар. Аэрация зонасининг қалинлиги нолдан бир неча ўн метргача етиб, жинсларнинг литологик таркибига рельефга ва иклимга боғлиқ. Агар сизот сувлар ер юзига яқин (ботқоқ, шурхок ва бошқалар) бўлса бу зона амалда бўлмайди. Аэрация зонаси остки чегарасининг максимал чукурлиги тогларда бўлиб, дарзли массив жинслардан ташкил топган.

Криолитозона китъавий литосфера юкори қисмининг айrim жойларида тарқалган. Бу ерда сув қаттиқ ҳолатда бўлиб, факат ёзнинг айrim вактларида суюқ сув пайдо бўлади. Бу зона музлик билан қопланган, мангу музлоқ ва баланд тоғлик вилоятлар учун хос. Унинг қалинлиги Антарктидада, Евросиёнинг ва Американинг шимолий районларида 2км гача етади.

Т ў и и н и ш зонаси уммоний литосфера тараккий килган барча майдонни ва китъавий литосферанинг кўп қисмини ишғол этади. Бу зона жинсларининг ғоваклари нефть ва газдан ташқари барчаси суюқ сув билан тўлган. Зонанинг устки чегараси аэрация зонасининг ва китъавий литосфера криолитозонасининг остки чегараларига тўгри келади. Устки гидросферанинг остки чегараси суви ҳолатдаги озод сувлар сакланувчи чегарага тўгри келади.

Кўриб чиқилган учта зона кудукларда ўтказилган бевосита кузатишлар натижасида ўрганилган. Тўйиниш

зонасидан пастрокда сув ўта кескин шароитда сакланади деб фараз килинади ва уларга қуйидаги гидрофизик зоналар түгри келади.

Ўта зичланган сув флюиди зонаси тахминан 20-50км чукурликда жойлашган. Ўта кескин шароитда сувнинг ва сув буғининг физик хоссаси яқинлашади, бу зичлиги 1дан $1.74\text{г}/\text{см}^3$ гача ўта зичланган сув флюидини ҳосил қилишга олиб келади.

Тажриба билан аниқланылғанки ўта зичланган сув флюиди алюмосиликатларни ва бошқа магматик жинсларнинг минералларини юкори эрита олишлик қобилятига әгалиги тажриба билан аниқланган. Сув $400\ ^\circ\text{C}$ ҳароратда pH микдори 5.5-га ва $700\ ^\circ\text{C}$ -да - 4.4га тенг бўлган кислотага айланади. Шу шароитда ўта зичланган флюид зонасининг остида алюмосиликатларнинг сувдаги суюқ қайишқоқ эритмасининг зонаси ҳосил бўлиши мумкин. Чукурлашган сари ҳарорат ва босимнинг ортиши билан сув молекуласи парчаланиб сув плазмаси ҳосил бўлади.

Ер ости гидросферасининг ҳар хил қисми минералогик ва кимёвий таркиби билан фарқланади. Ер қобигининг вертикал гидрокимёвий кесмаси учун, устки чучук ва ҳар хил кимёвий таркибли минераллашган сувларнинг хлорид-натрий-кальций таркибли намакоблар билан алмашиниши кузатилади. Литосфера ер ости сувларнинг сизот ва геосферанинг қобиқ ости сувлари билан ўзаро жадал таъсирлари ҳар хил чукурликда содир бўлади. Аммо умумий ҳолларда гидрогеологик кесманинг учта устки гидрофизик зоналарида қуйидаги гидрокимёвий зоналар: гидрокарбонат-сульфат-натрийли ($1\text{г}/\text{л}.1\text{дан кам}$) чучук сувлар зонаси, хлорид-натрийли ($1-50\text{г}/\text{л}$) тур сувлар зонаси, хлорид-кальцийли ($50\ \text{г}/\text{л}$. дан ортик) намакоблар зонаси кузатилади. Сув сифдирувчи жинслар ҳар хил чукурликда етишини ҳисобга олиб, таъкидланган вертикал гидрокимёвий зоналаниш майдон бўйича ҳам зоналанишга таъсир кўрсатади. Бу кўрилган гидрокимёвий зоналанишдан чекланиш гидрокимёвий бузилиш деб баҳоланади. Бундай ҳодисалар кўпинча куруқ (арид) минтақаларда содир бўлиб, сув бўшанишининг ортиши ва аэрация

зонасига жадал ўтиши натижасида ер ости сувларининг минералланиши ортади.

Ер юзи билан боғланмаган остки сувли горизонтда минералларни кам бўлади. Аммо бундай гидрокимёвий ҳодисалар қобиқ ости геосферасидағи тахминий гидрофизик зоналардан литосферанинг пастки қисмiga ўтиши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Ташки ва ички иссиқлик энергия манбаининг ортиқча таъсири натижасида сувлар ҳароратининг ўзгариши геотерма зоналарини ажратишга асос қилинган: гелиотерма зона, гелиогеотермозона ва геотермозона.

Геотермозона - эндоген манбалар ҳисобига иссиқлик энергиясини йигувчи зона. Унинг борлиги 200км.дан ортикроқ чукурликда тахмин қилинади, бу зонадаги ер ости сувларининг ҳарорати 2000°C ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Гелиотермозона - экзоген ва эндоген иссиқлик энергия манбаларининг таъсирида иссиқликнинг оқиб кетиш зонаси. Бу зонанинг остки чегараси геологик ва кўп асрли ҳарорат ўзгаришига куёш радиациясининг таъсири билан аникланилиб, у 10км чукурликкача бўлади. Устки чегараси кўп йиллик ҳарорат ўзгариши қайд этиладиган, (100м чукурликкача) чукурлик иссиқлик оқими деярли таъсир кўрсата олмайдиган чегара билан аникланади. Баъзи бир олимлар (Б. И. Писарский ва бошқалар) гелиогеотермозонанинг устки чегарасини нейтрал қатламнииг ётиш чукурлиги бўйича ўтказишни таклиф киладилар. Нейтрал қатлам деб - Ер устининг ҳар бир қисми учун нисбий ҳарорати бир хил бўлган, иссиқлик алмашин қаватни тушунилади. Бу қатламнинг ётиш чукурлиги 25м.га етадиган ҳароратнинг йиллик ўзгариши билан аникланади. Шундай қилиб, гелиотермозонанинг устки ва гелиотермозонанинг остки чегаралари ҳақидаги фикрларнинг ҳар хиллиги, куёш радиацияси. Ер бағри иссиқлик тизимининг қайси чукурлигигача таъсири билан аникланади, яъни кўп йиллик, ёки бир йиллик ҳарорат ўзгаришининг содир бўлишигача. Шу чукурликдан ер устигача масофа билан гелиотермозона қалинлиги аникланади ва ташки иссиқлик

манбалари таъсирида унинг йиллик, фаслилк, ва кунлик ҳарорати ўзгариб туради.

Ер ости сувларининг ҳаракати уларни жинсларда сув алмашишта олиб келади. Ер ости гидросферасининг ҳар хил қисмида сув алмашиш тезлиги бир хил бўлмайди ва у йиллик сарфланадиган сув ва жинслардаги сув ҳажмининг нисбати билан баҳоланади. Юз йилда сув тўла алмашинса фаол сув алмашиш деб тахмин қилинади, агар миллиард йил ичиди бўлса, амалда сув алмашиш йўқ дейилади. Шунга асосан ер ости гидросферасида сув сифдирувчи жинсларнинг ётиш чукурлиги ортиб бориши билан бир-бирини алмаштирувчи фаол, секин ва турғун тартибли сув алмашиш зоналари майдон ва ер кесмаси бўйича ажратилади.

2-§. Гидрогеологик районлаштириш

Гидрогеологик районлаштириш - ер ости гидросферасидаги ер ости сувларининг ҳар хил шароитда ётuvчи ва ҳаракатланувчи қисмларини ажратишдан иборат. Бу шароитлар ер ости гидросферасининг ўзига хослигини таъминловчи рельеф, иклим, гидрология, тектоник тузилиш, литология ва бошқа омиллар билан аникланилади.

Ер ости сувларининг ётиш шароитлари ер ости сувларининг морфологияси ва тўпланиш кўринишларини ифодалайди. Ер ости сувларининг ётиш шароити бўйича, гидрогеологик районлаштиришнинг асосий унсури ер ости ҳавзаси, яъни ер ости сувларининг ётиш шароитлари умумий бўлган геологик жисм ҳисбланади.

Географик ўрни бўйича ер ости сувларининг китъа (субаэрал), денгиз ва уммон (субмарин) ҳавзалари ажратилади. Биринчисига текисликлар, тоғ олди текисликлари ва тоғлараро ҳавзалар, иккинчисига қирғоқ-шельф, ички денгизлар ва уммон туби ҳавзалари киради (4-жадвал).


Ер ости сувларининг босимини ҳосил қилиш учун етарли қатлам энергиясининг бор ёки йўқ бўлиш аломати

бўйича ер ости сувли ҳавзалар сизот (босимсиз) ва артезиан (босимли)ларга бўлинадилар. Биринчиси китъя литосферасининг юкори қисмida, ер устидан биринчи ўлкавий сувтўсар қатламида тарқалган бўлиб, ер ости сувли озод юзага ("ойнаси") эга бўлганлиги билан ифодаланади. Артезиан ҳавзалар ўлкавий сувтўсар қатламлар орасидаги сувга тўйингаи жинсларга жойлашган. Улар кўпинча китъя литосферасида тарқалган, ҳамда ер ости сувларининг субмарин ҳавзалари учун ҳам хосдир.

Геологик (литологик-тектоник) аломатлари бўйича ер ости сувларининг ҳавзалари қатламли ва дарз-томирли турларга бўлинади. Қатламли сув ҳавзаси деб чўкинди жинслар билан тўлган, йирик ботиқлик (эгиклик, синеклиза) тушунилади. Бу жинсларниң сувни йигиш, ўзидан ўтказиш ва бера олиш қобилиятига қараб - сувли ва сувтўсар жинсларга ажратиш мумкин. Уларниң геологик кесмада тақорланиши гидрогеологик стратиграфия асосида ётади.

4-жадвал

Ер ости сувлар ҳавзаси таснифининг тарҳи
(А.А.Карцевниң ўзгартиши билан).



Стратификацияниң асосий унсурлари: сувли горизонт ва калин катламлар (комплекс), қават ва сувли зоналар ҳисобланадилар.

Сувли горизонти - қалинлиги ва майдон бўйича бир хил ва кимёвий таркиби, минералланиши ва босими яқин бўлган озод сувли, сувга тўйинган жинслар қатлами бўлиб, геологик кесмада у одатда айрим горизонт ёки яруста тўғри келади.

Сувли қалин қатлам (комплекс) - сувтўсарлар орасида жойлашган бир гуруҳ сувли горизонtlар бўлиб, гидрокимёвий ва гидродинамик шароитларининг умумийлиги билан ифодаланадилар. Сувли комплекс таркибига айрим свиталар ва геологик кесманинг бўлимлари киради.

Гидрогеологик қават – ер ости сувларининг ҳосил бўлиши алмасиши ва гидродинамик тараққиёт шароитлари умумий бўлган сувли комплекслар гурухи бўлиб, бир-бираидан ўлкавий қалин сувтўсар қатламлар билан ажралган. Одатда гидрогеологик қават геологик стратификациянинг бўлими ва тизимига тўғри келади.

Сувли зоналар - кўшни майдонлардан ортиқча дарзилиги билан фарқ қиласидиган, сувга тўйинган геологик жисмнинг бир қисмидир. Бундай зоналар ер ости сувларининг қатламли ҳавзалари учун камроқ ҳос бўлиб, одатда оҳакли ётқизикларнинг емирилиш қолдиклари ва риф курилмалари шаклида учрайди.

Ер ости сувларининг дарз-томирли, баъзан гидрогеологик массивлар деб аталувчи, ҳавзалари бурма-чанг вилоятларининг дўнглитига ва кристаллик қалқон (шит)ларга ҳамда магматик ва метаморфик жинслар тузилган платформа пойдеворига жойлашган. Бундай ҳавзалар учун сувли зоналар кўпроқ тарқалган бўлиб, сувли горизонт ва комплекслар камроқ тарқалган.

Баъзи бир олимлар (В.А.Кирюхин, Н.И.Толстыхин ва бошқалар) кўшимча вулконоген ҳавзалар гурухини ажратадилар. Бундай ҳавзаларда устки, ички ва лавалараро сувлар, лава оқимининг эфузив тузилмалида, вулқон конусларида, қотиб қолган лаванинг эфузив тузилмалида, вулқон конусларида, қотиб қолган лаванинг дарзли ва кавакли зоналарида айланаб юради. Бундай ҳавзалар Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Шарқий Сибир ва бошқа ҳавзаларининг

қитъавий литосфераларида ўрганилган. Аслида субмарин вулканик ҳавзалар кам ажратилган, аммо улар жуда оз ўрганилган. Ер қобиги ва устки мантия бўйлаб мингларча км.га чўзилган, вулкан оролларининг тизмасини ҳосил қўлувчи ороллар ёйининг вулканик ҳавзалари ўртacha ўринни эгаллади (Идзу-Мариан, Австралия ва бошقا ороллар ёйининг тизмаси). Кўпинча ороллар ёйининг вулканик ҳавзаси қисман субаэрал ва қисман субмарин бўлади.

Ер ости сувларининг ҳаракатланиш шароитлари бўйича гидрогеологик районлаштиришнинг бош унсурни геологик жисмнинг геогидродинамик тизими бўлиб, босим градиенти таъсирида озод ер ости сувлари ҳаракатининг умумий шароитлари билан ифодаланади.

Ер ости сувларини ҳаракатга келтирувчи тўла тазиикни (келтирилган босимни) ташкил қўлувчи геометрик ёки пъезометрик босимнинг устувлари аломати бўйича гидродинамик тизимларни гравитацион ва элизион (компрессион) тизимларга бўлиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Геогидродинамик тизим таснифининг тарҳи

(А.А. Карцевнинг ўзгартиши билан).

Геогидродинамик тизимлар				
Гравитацион (инфилтрация)	Компрессион (элизион)			
	Геостатик (эксфильтра- ция)	Геодина- мик	Иссик- сувсизлан- тириш	Юве- нил

Гравитацион тизимларда ер ости сувларини ҳаракатлантирувчи асосий манба Ернинг гравитацион майдонидаги ер ости гидросфераси ўрнининг энергияси хисобланади. Бу энергия, ер ости ҳавзасининг ер устига чиқиб қолган томонидан атмосфера ва устки сувларни ер ости гидросферасига сингиб кириши (инфилтрация)

натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун бу тизимлар инфильтрацион тизимлар деб аталиши мумкин. Бу тизимларда қатlam босими шартли "г и д р о с т а т и к" деб аталувчи босимга яқин. Шунинг учун бу тизимлар баъзан гидростатик босимлар деб аталади.

Элизион геогидродинамик тизимлар учун қатlam энергиясининг бош манбай бўлиб, келтирилган тазийкнинг пъезометрик ташкил қилувчиси ҳисобланади.

Уларнинг фарқи ер ости сувларининг йўналишини ва ҳаракат тезлигини кўрсатади. Бу тизимлар асосан компрессион тизимлардир. Бу энергияларнинг пайдо бўлиши - ҳар хил бўлғанилиги учун, элизион тизимларни геостатик, геодинамик ва термогидратацион тизимларга бўлиш мумкин.

Геостатик тизимларда ер ости сувларига тазийк сувга тўйинган жинслар устида ётган тоғ жинсларининг массасини ҳосил қилувчи геостатик босим натижасида содир бўлади. Асосий энергия шакли суюкликлар таранг деформациясининг потенциал энергияси бўлиб, жинсларнинг зичланиши натижасида улардаги ғоваклар ҳажмининг қисқариши билан тўпланадиган энергия. Жинсларнинг зичланиши, қалин қатламлардан ташкил тошган литосфера ботикилигининг энг чўккан қисмида ер ости сувларининг ҳаракати асосан тик (вертикал) ва қисман майдон бўйича йўналишда бўлади. Бу тизимлар учун қатlam босими гидростатик босимдан ортиқ бўлади. Аммо геостатик босимнинг кўп қисмини сув сиёдиручи жинсларнинг қаттиқ зарра асослари ўзига қабул қилганликлари учун, қатlam босимли геостатик босим даражасигача ета олмайди. Бундай тизимлар ер қобигининг эгилган вилоятларидаги ер ости сувларининг қатлами ҳавза турига киради.

Геодинамик тизимлар тектоник сиқилишпар ва геологик қисмларининг чўзилишидан ҳосил бўладиган, геодинамик босимнинг бир қисмини ер ости сувларига ўтиши натижасида пайдо бўлади. Бу тизим геостатик тизимнига ўхшаб асосий қатlam энергиясининг шакли, суюкликлар таранг деформациясининг потенциал энергиясидан иборат.

Геодинамик тизимлар асосан жадал бурмачантлик ва юкори сеймик вилоятлари учун хосдир. Төг жинсларини сикилишига олиб келувчи, тектоник ҳаракатлар ортган мінтақаларда, қатlam босими шартли гидростатик босимдан ошади ва геостатик босимдан ошиши мүмкін. Тектоник чүзилиш тарақкій қылған мінтақаларда, аксингча, қатlam босимлари шартли гидростатик босимдан кам бўлиш ҳолатлари учрайди. Геодинамика тизимларининг бундай ҳар хиллиги депрессион ёки теллоң деб аталади. Уларнинг хосил бўлиш механизми төг жинсларининг ўта парчаланган кисми орқали қатlam энергиясининг сатхи жуда баланд бўлган қўшни мінтақалардан ютиши ("сўриб олиши") билан боғлик.

Термодегидратацион тизимларда ер ости сувларининг энергияси, төг жинсларининг сувга тўйинган ғовакларига қўшимча сув ўтиши билан боғлик. Бу қўшимча сувлар төг жинсларини ташкил қилувчи минералларидаги (гипс, гидрослюда ва бошқалар) физик ва кимёвий боғлик сувларнинг, иссиклик таъсирида сувсизланиши (термик дегидратация) натижасида хосил бўлади. Шунинг учун бундай тизимлар сульфат ва гил жинсларидан ташкил топган литосферанинг чуқур ётган кисми учун хосдир. Термогидратацион тизимларда қатlam ва шартли гидростатик босимларининг нисбати жинслардаги гил ва сульфат массаларининг нисбатига ҳамда жинсларнинг ғоваклик ҳажмига боғлик. Аммо, кўпинча, қатlam босими шартли гидростатик босимдан ортирок.

Элизион гидродинамик тизимларга қобиқ ости геосферасидан флюид ташиш таъсирига йўлиkkан литосферанинг остида жойлашган геологик кисмларни ҳам киритиш мүмкін. Бундай тизимларни ювенил тизими деб аташ мүмкін, аммо улар яхши ўрганилмаган. Рифт мінтақаларининг гидрокимёвий хусусиятлари бўйича кисман маълумот бўлиб, унда асосан ювенил геогидродинамик тизимлар бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

6-боб. ПАЛЕОГИДРОГЕОЛОГИЯ

Замонавий ер ости гидросфераси, барча геосфераларнинг ўзаро таъсирида узоқ давом этган геологик жараёнлар натижасида шаклланган. Бундан ташқари унинг ҳосил бўлиши, қуёш тизимли тараққиётининг кичик бир даврини ташкил қиласди. Замонавий гидрогеологик шароитлар эса Ер тараққиётининг жуда қисқа вақтда содир бўладиган натижаларидир. Инсон томонидан табиатни ўрганиши вақтини геологик вақт билан таққослаш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, ҳозирги вақтгача содир бўлган, ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган геологик жараёнтар ҳакида фараз қилишимиз мумкин. Демак, бу жараёнларнинг нусхасини қайта яратишга уриниб кўрувчи геологик билимнинг бир бўлими - палео-гидрогеология фанидир.

1-§. Гидросферанинг пайдо бўлиши ва тараққиёти

Гидросферанинг пайдо бўлиши қуёш тизими туридаги сайёralар тараққиётининг қонуний натижасидир. XX асрнинг ўртасигача бу сайёralар айланиб турувчи қизиган моддалар массасининг сиқилиши натижасида ундан узилиб чиқсан айрим қуюқ бўлаклардан пайдо бўлганилиги ҳакида тушунча хукм сурар эди. Кейинчалик иссиклик энергиясини коинотга таркалиш жараёнлари натижасида бу қуюқ бўлаклар совиб уларнинг устида қаттиқ пўстлар (литосфералар) пайдо бўлган ва унинг устига сув бугларининг томчилари (конденсация) туша бошлаган. Кейинчалик геосферада сувнинг айланиб туриши ҳозирги вақтда кузатилаётган ер ости гидросферасига олиб келди. Бу жараённинг дастлабки боскичини Зухра ва сўнгти боскичини Мирриҳ сайёralарининг замонавий тараққиёти билан таққослаш мумкин. Аммо бу фаразия бўйича атмосферанинг зич қисмida, литосферанинг магматик жинсларида сув микдори ва атмосферада инерт газлар жуда катта ҳажмда бўлиши керак эди. Геосфера учун бундай ҳол кузатилмайди.

Академик Шмидт фаразиясига асосланган замонавий тушунчалар бўйича "сайёralар куртаги кўшнинг коинотдан тортиб олган айланиб турувчи совуқ газ-чанг булутларининг йиғиндисидир". Гравитацион сиқилиш ва радиоактив парчаланиш натижасида газ-буғ атмосферасини ҳосил қилишга олиб келиши мумкин. Литосфера юзасига эса суюқ сув булларининг томчиланиши натижасида хлоридлар, сульфатлар ва карбонат энгидрид билан тўйинган устки гидросферани ҳосил қиласи. Литосферанинг ҳосил бўлиши гидросферанинг нордон сувлари билан магматик гидросферанинг ўзаро таъсиrlари натижаси бўлса, сўнгги тараккиёти эса - пайдо бўлган геосфераларнинг ўзаро таъсиридир. Кимёвий фаол кислороднинг тог жинсларида боғланиши унинг атмосфера таркибида йўналиши билан боғлик. Шунинг учун озон қавати бўлмаган ва Ер юзига кучли коинот нурланишилари ўтган. Кўёш радиацияси ва электрсизлантириш натижасида устки гидросферада ҳар хил органик бирикмалар ҳосил бўлиб, Ерда ҳаётнинг бошланишига асос солган.

Архей эрасида ҳаётнинг пайдо бўлиши геологик жараёнларда туб ўзгаришларга олиб келди. Фотосинтез жараёнлари кислородни пайдо қиласи. Ҳаводан олинган карбонат ангидрид, чиганок ва организм сукларида боғланиши жараёнлари натижасида карбонатли жинслар ҳосил бўлади. Аммиакнинг ачиш жараёни эса атмосферада азот тўпланишини таъминлайди. Тахминан палеозой эрасининг бошида гидросферанинг массаси ва кимёвий таркиби бир мунча барқарорлашди ва унинг келгусидаги тараккиёти сайёранинг геодинамик ривожланиши билан боғликдир.

Астеносферанинг эриган моддалари оқишининг таъсирида литосферада рифтлар, яъни юзларча километрга чўзилган зовурсимон чукур тузилмалар пайдо бўлган Рифтлар ичida мантия моддалари литосферанинг қаттиқ кисм (плита) ларини қўзгатиб ичига кириб борган. Бу плиталар, Ернинг айланма ҳаракати натижасида марказдан кочиш кучлари таъсирида астеносфера устида сузгандай кўчиб юрганлар. Бунинг натижасида

плиталарнинг ажралган (дивергация) мінтақаларида йирик ботикликлар ва шілтіларнинг тұқнашған (конвергенция) мінтақаларида бурмачантог қурилмалари пайдо бўлғанлар. Шундай қилиб, бир бутун Пангей кітъаси бирин кетин Гондвана, Пацифид, Атлантидага ажралган ва Тинч, Атлантик ва Ҳинд уммонлари, Ҳимолай, Анд, КоҲимолай, Анд, Коилмалари пайдо бўлған. Алп тектогенез фазасида Қизил дengiz, Беринг кўлтиғи, Бойкўл ва Кавказ, Алп, Копетдоғ ёш тоғ қурилмалари пайдо бўлған.

Рифтларнинг марказий қисміга кириб борган мантия моддалар уммон пўстига таъсир қилиб, уни серпентинланишга олиб келди. Субдукция мінтақаларида юқори ҳарорат ва босим таъсирида уммон пўсти қайта эрийди. Бу жараён серпентинитларнинг сувзизланиши ва жуда катта ҳажмда сув массасининг ажралиши билан кузатилади.

Вулқон ва магматик жинслар орқали сурилган плиталарга ўтган сув эритмалари уларни гранитта айлантиради ва сувни геологик айланишга олиб келади Шундай қилиб, замонавий ер ости сувлари - устки гидросферанинг (седиментацион ва инфильтрацион) ва гидротермал магматик эритмаларнинг ўзгарган сувлари.

2-§. Ер ости сувларининг ҳосил бўлиши ва шаклланиши

Геологик айланишда бўлған табиий сувларнинг манбалари турлича бўлишини ҳисобга олиб, барча ер ости сувларини З гурӯхга: эндоген, экзоген ва метаморфоген (6-жадвал) гурӯхга бўлиш мумкин.

Экзоген сувлар магматик учокларда ва мантияда ҳар хил кимёвий реакцияларда молекула ҳисобига ҳосил бўлади, масалан, карбонат-ангидрид ва карбон оксиди водород билан ўзаро таъсирида сув ҳосил қилди. Улар алюмосиликатлар ва ўта зичлашган сув флюиди бўлиб, литосферага кириб бориб вулканоген ва магматик


жинслардан ўтганда газли-суюқ сув эритмасини ҳосил қиласди.

Эндоген (*седиментоген*) сувлари седиментогенез жараёнида тог жинслари билан бирга, ёки ҳосил бўлган тог жинсларига атмосферадан ва устки гидросферадан ўтиб борган (инфилтратация) сувлар киради. Чўкиндиндилар билан кўмилиб кетсан ва тог жинсларининг куруклик ва денизидаги устки сувларнинг ўтишини ҳисобга олсак, экзоген сувларни метеоген ва талассоген турларга бўлиш мумкин.

Литосферанинг устки қисмига сингиб борадиган техник сувлар, яъни нефти и ўломларга сунъий бостирилган сувлар, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ташлама сувлари, экзоген сувларининг мустақил гуруҳини ташкил қиласди.

6-жадвал

Ер ости сувлари генетик таснифининг тархи
(А.А. Карповнинг ўзгартиши билан)



Метаморфоген сувлар таркибида сув бўлган минералларнинг сувсиэзланишидан (дегидратацион), жинслардаги органик моддаларнинг ўзгаришидан (органоген), баъзи бир минералларнинг иссиқлик

таъсирида парчаланишидан (хемоген) ва метаморфизмнинг бошқа жараёнларида ҳосил бўладилар. Уларга газ ва газоконденсат конларини шаклланишида ва ишлашда, ер бағрида термобарик шароитларининг ўзгариши натижасида буғ - углеводород аралашмасидан ажralган конденсацион сувлар ҳам кириши мумкин.

Ер ости сувлари ташки мухит ва биринчи ўринда сув сифдирувчи жинслар билан ўзаро таъсир натижасида тоғ жинсларининг ўзгаришига фаол қатнашадилар ва бир вактда ўzlари литогенетик жараённинг маҳсулоти хисобланади.

Шунинг учун гидрогеологик жараёнларнинг боскичлари ва ер ости сувларининг ўзгаришидаги жараёнлар йўналиши ҳақида гапириш мумкин.

Седиментацион боскичда атмосфера ва устки сувлар мухим аҳамият ўйнайди. Булар метеоген ва талассоген сувлардир. Метеоген сувлар уларнинг кимёвий таркибини чучуклантириш жараёнининг ортишига ёки сувда эриган компонентларнинг куюкланишига ва сув сифдирувчи жинсларнинг кимёвий таркибига боғлик. Талассоген сувларнинг таркиби барқарорроқдир. Умуман, улар хлорид-натрий-магнийли шўр сувлар бўлиб, минералланиши 35г/л ва натрий-хлор коэффициентининг микдори 0.87га яқин.

Диагенез боскичида, юқорида ётган ётқизикларнинг геостатик босими натижасида жинслардаги ғоваклар торайиб озод сувлар сикиб чиқади. Бу боскичда минералларнинг гидратланиш, катион алмасиши, сульфидланиш, суlfатсизланиш ва бошқа жараёнлар кўплаб содир бўлади.

Протокатагенез боскичида элизион ва физик боғлик сувлар алмасиниши хукм суради. Гидрокимёвий жараёнлардан энг кўп кузатиладиган жинсдаги туз комплексининг эриши, сувли эритмаларнинг суюкланиши ва доломитланиши киради. Мезокатагенез боскичда юқорида таъкидланган жараёнлардан ташқари сувсизланиш (дегидратация) ва жинслардаги сув эритмаларидан ҳар хил тузларнинг чўкиш жараёнлари содир бўлади. Бу жараёнлар, айниқса апокатагенез боскичида содир бўлиб,

хлор-натрий-кальций таркибли намакобларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Метагенез босқичида элизион сув алмашининг давом этиши натижасида кимёвий боғлик ва конституцион сувлар ҳам алмашиш жараённада қатнашадилар. Бундан ташқари сув молекуласининг фаоллиги ошиб, кислота ҳоссасини қабул этади ва жинсларнинг минералларига гидролитик таъсир кўрсатади.

Магматизмда элизион сув алмашиш эндоген сувларга геодинамик таъсирни кўрсатади. Магматик эритмаларнинг учувчи унсурлари вулкан отилганда унинг бўғзидан ва магматик жинслар эритмалари орқали литосферага ўтишида флюидларни мантиядан иссиқ масса ташишини таъминлайди.

Табиятда кўриб чиқилган сув алмашishi босқичлари гидрогеологик жараёнларнинг бирин-устун юкланиши натижасида мураккаблашади.

3-§. Геогидродинамик тизимнинг тадрижий ривожланиши (эволюцияси)

Ер тараккиётida геологик жараёнларнинг жадаллиги вақт ва майдон бўйича ўзгариб турган. Бу ўзгаришларда такрорланишлар, даврийликлар кузатилади. Ер ости сувлари геосферанинг энг ҳаракатчан тизими бўлгани учун бу ўзгаришларга аниқ муносабатда бўлади. бу эса нафакат гидрокимёвий жараёнларнинг йўналишини, ҳатто гидродинамик тизимни ҳам ўзгартириб олади. Гидрогеологик жараёнларнинг такрорланиши стратисфера учун мукаммал ўрганилган ва гидрогеологик тарихнинг даврийлигини ажратиш асосига кўйилган. Геогидродинамик тизимнинг (ГДТ) ҳосил бўлиши ва тадрижий ривожланиши (эволюцияси) геодинамик шароитнинг вақт ва майдон бўйича ўзгаришини тасвиrlайдиган бирор геодинамик тараккиётнинг натижасидир. Бу жараёнлар атмосфера, гидросфера ва литосфералар ўртасида флюидларнинг масса алмашини маълум бўлган литосферанинг юкори қисмида мукаммал ўрганилган.

Ундан пастроқдаги геосфераларда ер ости сувларининг ҳаракатланиш шароитлари түғрисидаги маълумотлар тахминийдир.

Атмосфера ва устки гидросфера пайдо бўлиши билан Ернинг "сиздириш" деб номланувчи қобиги ва седиментагенез жараёнлари бошланади.

Алюмосиликат моддалари билан тўйинган юқорига кўтарилиувчи иссиқ флюидлар оқимига, базальтоид қобигининг магний, темир, кальций бошқа унсурларининг бирикмаларига бой минералли устки сувларининг пастга йўналган оқими юклама бўлади. Бунинг натижасида бу қобик устида гранит пўсти ва остида Конрац юзаси деб номланувчи чегара билан ажралган базальт пўсти ҳосил бўлади. Емирилиш жараёнлар билан бир вақтда Ернинг ботикликларида чўқинди жинслар тўплана бошлиади. Шундай қилиб бу жойларда замонавий гидрогеологик массивларга ўхшаш, гравитацион ГДТ, ботикликларда эса элизион геостатик ГДТ ҳосил бўлади.

Литосферанинг пайдо бўлиши билан гидродинамик тараққиёт чукур узилмалар тизими бўйича унинг бўлакларга ажралиши ва чўккан жойларида жадал чўқиндилар ҳосил бўлиш жараёнлари катта аҳамиятга эга. Чукур узилмалар орқали сингиб бораётган мантия моддалари рифтлар тизимини ҳосил қилишга ва Ер қобигининг каттиқ бўлакларини атмосфера юзаси бўйича тангенциал йўналишда суриб, дивергенция ва конвергенция жараёнларига олиб келган. Дивергенция жараёнлари натижасида устки гидросфера билан тўлган уммон ботикликлари ҳосил бўлган.


Уммон ботикликларида ва геосинклинал вилоятларида - элизион, платформаларда -гравитацион, орогенларда эса - қурама (комбинацияланган); тоглараро ботикликларда ва тоголди худудларида гравитацион ГДТ кўпроқ учрайди.

Вақти-вакти билан пасаювчи ва кўтарилиувчи тектоник ҳаракатларнинг ўзгариши натижасида Ер қобигининг айрим жойларида ва стратисфера да қатlam энергияси пъезометрик ва геометрик ташкил қилувчиларнинг нисбатини ўзгаришига сабаб бўлган, яъни геологик

тариҳда геогидрогоеологик тарих жараёнларнинг айрим даврийлигини ўзgartирди. Гидрогоеологик тарих даври, жадал чўкинди ҳосил бўлиш ва жинслардан седиментацион сувларни сиқиб чиқариш билан боғлик пасаювчи тектоник ҳаракатлар босқичини ўз ичига олади. Бу босқич кўтарилиувчи тектоник ҳаракатлар билан тамом бўлиб, унда жинсларга инфильтрацион сувларнинг сингиб кириш жараёни кўпроқ содир бўлади - бу давр гидрогоеологик давр деб аталади. Шундай килиб гидрогоеологик давр элизион ва инфильтрацион босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқичта элизион, геостатик ГДТ, иккинчисига эса - гравитацион, инфильтрацион ГДТ тўғри келади (11-расм).

Умуман стратисфера учун ГДТ-нинг тадрижий ривожланиши (эволюцияси)ла, геологик қесимда флюид тўсар қатламларнинг пайдо бўлиши, ГДТ-ни вужудга келишининг бопланиши деб қараш, литосфера ботикликларида элизион (геостатик ва геодинамик) ГДТни ҳамда тоғли қурилмаларда гравитацион ГДТ ҳосил бўлиши ва кўрсатилган ГДТ-ларнинг ўзаро таъсири натижасида гидрогоеологик даврнинг якуннада гравитацион ГДТ-ортиб бориши мумкин.

Шунинг билан бирга ҳар бир аниқ геологик жисм учун, ГДТ тадрижий ривожланишининг айрим вақтларида тўла гидрогоеологик давр тутамаслиги мумкин. Бу эса замонавий ГДТ турларининг ҳар хиллиги уларнинг тадрижий ривожланиши билан боғликлигининг далилидир.



11-расм. Гидрогеологик даврида пъезометрик чизиклар шакли ўзгаришининг чизма тасвири: А-элизион давр, Б-ўтиш даври, В-инфилтратион даври, 1, 2, 3- ҳар даврнинг бирин-кетин таракқиёти.

7-боб. НЕФТЬ-ГАЗ ҲОСИЛ БҮЛИШИДА ВА НЕФТЬ-ГАЗ ТҮПЛАНИШИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ер бағрида табиий углеводородларнинг ҳосил бўлишида, уломларининг вужудга келишида ва тарқалишида ер ости сувларининг аҳамияти каби муаммо, нефть ва газ пайдо бўлишидаги умумий муаммонинг бир кисмидир.

Ер бағрида нефть ва газнинг ҳосил бўлиши ҳақида ҳар хил фаразлар мавжуд. Уларни 2 катта гурухга, яъни органик ва анорганик фаразияларга бўлиш мумкин. Бу фаразиялар тубдан бир-биридан фарқ килишига қарамай, улар устки геосферадаги асосий флюид тизимини ер ости сувлари ташкил қилишини инкор қилмайдилар. Органик фаразия бўйича ер ости сувлари тоғ жинсларидаги органик моддаларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлган маҳсулотларидан бири деб ҳисобланади. Бундан ташқари ер ости сувлари стратисферадаги углеводородни кўчириб юрувчи омил ва нефть-газни тўпловчи мухит ҳисобланади. Ер ости сувлари иккинчи фаразия тадқиқотлари билан бирга кўпроқ ўрганилган, аммо анорганик фаразияси натижасига ва тахминларга асослангани учун ер ости сувлари бу тадқиқотларда ўрганилмаган. Шундай бўлишига қарамай, углеводород конларини излаш ва қидиришнинг кўп йиллик амалиёти нефть ва газнинг органик фаразияси бўйича ҳосил бўлишига ҳосил бўлишига сўнгти йилларда анорганик фаразиясига эътиқод орта бошлади. Бу эса, аввало мантиядан литосферага ва унинг устки кисми стратисфераага углеводородларни ўтказувчи чукурлик узилмаларининг аҳамияти билан боғланган бўлса, ҳозирги вақтда эса Ер ҳақидаги фаннинг геодинамика йўналишининг тараққиёти билан боғланализади.

1-§. Нефть-газ ҳосил бўлишининг гидрогеологик шароитлари

Нефть ва газнинг органик фаразияси бўйича ҳосил бўлишининг асосий манбаи чўкинди жинслардаги органик моддалар бўлиб, термобарик ва геокимёвий шароитлар ўзгариши натижаларида углеводородларни ва кўмир маҳсулотларини яратади.

Чўкинди жинсларда органик моддаларнинг кайта ўзгариши жараёнларининг йўналишида дастлабки органик моддалар таркиби ва уларнинг метаморфлашганлиги катта аҳамиятга эга.

Жинслардаги органик моддаларнинг дастлабки таркиби, унинг таркибидаги тирик организмларнинг қолдиклари, юксак ва тубан ўсимликларнинг нисбати (яъни улардаги карбон ва водородларнинг нисбати) билан аникланади. Бу нисбатнинг катталиги бўйича органик моддаларда 2 асосий тур ажратилади: сапропелли (C/H 7-9 атрофида) ва гумусли (C/H 10-га яқин).

Нефть-газли углеводородлар сапропелли органик моддаларнинг ўзгаришидан, ўрта мезокатагенезда суюқ ва литогенезнинг сўнгти даврларида газсимон углеводородлар, яъни асосан метан ҳосил қилиши тахмин килинади. Бунда литогенезнинг бошланғич даврларида дастлабки органик моддалардан мерос қилган углеводородларни жинслардан ажратиш (десорбция) жараёнлари, газ ҳосил бўлиши учун катта аҳамиятга эга.

Органик моддаларнинг нефть ёки газ ҳосил қилиши учун чўкиндиларда қайтарувчи геокимёвий шароит ёки оксидловчи муҳитни қайтарувчи муҳит билан алмапиши зарур. Оксидловчи шароитда ҳар қандай органик моддалар бутунлай чириб, карбонат ангидрид, аммиак, олtingугуртводород, метан ва сувга айланади.

Қайтарувчи геокимёвий шароит чўкинди жинсларнинг чукурликка чўкиши ва янги ҳосил бўлган чўкиндилар билан ёпилиб кетиши натижасида содир бўлади. Бу эса органик моддалари бўлган жинсларни гипергенез омиллари (оксидланиш, емирилиш ва бошқалар)дан саклайди. Сувтўсар қатламлар бўлмаганда,

ортиб бораётган геостатик босим седиментацион сувларни сув ҳавзаларига ёки ер устига сикилиб чиқишини таъминлайди. Шу сувлар билан бир қаторда ўзгарган органик моддаларнинг маҳсулотлари ҳамда десорбцияланган углеводородлар сикилиб чиқадилар ва гипергенез минтақасида тарқаладилар. Сувтўсар қатламлар бўймаса худди шу тариқа шитогенезнинг сўнгти даврларида ўзгарган органик моддаларнинг маҳсулотлари ҳам бузилиб кетадилар, органик моддаларнинг ўзгариши эса кўмирга айланishi йўли билан бориб С/Н-нинг нисбати 20гача (тошкўмир) ва ундан ҳам ортиқ бўлиб, антрацитдан тўла графитга айланади.

Ер бағрида гидрогеологик ёпиқ шароит бўлганда, нефть-газ яратса олуви жинслар гиперген зонасидан сувтўсарлар билан гидравлик ажралиб турганлиги учун бир томондан жинсларнинг сувланиши сакланса, иккинчи томондан органик моддаларнинг қайта ўзгарган маҳсулотлари жинсларнинг ғовакларида, кисман озод, кисман сувда эриган ҳолатда тўпланадилар. Жинсларнинг тўла сувланганлиги ва қайтарувчи геокимёвий шароит бўлганлиги учун органик моддаларнинг бошлангич таркибий кисми барқарорлашади. Агарда унинг таркиби сапропел турига кирса С/Н нисбати 5,7-8,5гача камаяди. Бу эса органик моддаларни нефть-газ ҳосил қилиш жараёнларига йўналтиради.

Ер ости сувларининг аҳамияти нефть-газ ҳосил қилиш билан чегараланмайди. Ундаги алюмосиликатли ва магнийли тузлар комплекси ўзларининг таъсирчанлиги билан, гил жинсларидаги алюмосиликатларнинг каталитик таъсиридан кам эмас. Бундан ташқари Ер ости сувларининг органик моддалари ҳам шу йўсинда ўзгариб, нефть-газ углеводородларнинг кўшимча манбаи бўла олади.

Ер ости сувларининг аҳамияти нефть-газ ҳосил бўлишининг баззи бир ноорганик фаразияларда ҳам ҳисобга олинади. Сувнинг углеводородларни ҳосил қилиши тажрибада кўплаб кўрилган. Яъни юкори ҳароратда сув буглари билан металларнинг карбидлари, кўмиглашган марганецли темир, карбонат ангидридининг


иштирокида ишқор ҳосил килувчи металларнинг силикатлари, газсимон карбон оксиди ва бошқалар билан ўзаро таъсири натижасида углеводородлар ҳосил бўлган. Аммо бу тажрибаларни чукурлик тузилиши, термобарик ва геокимёвий хусусиятлари фаразияга кўчириш конунига тўғри келиши кўп саволларни туддиради. Бу йўл билан ҳосил бўлган углеводородларни шундай шароитда сакланиши ҳам катта саволларни туддиради. Шунинг учун қобик ости геосферасининг нефть-газ ҳосил бўлиш жараённида унинг энергетик таъсири жуда катта бўлиб, аммо моддий ва геофлюиддинамик таъсири аниқ эмас. Айрим ҳолларда, яъни "рифтогенезнинг баъзи бир даврларида ва рифт усти стратисферасида, литосфералар плиталарининг сурилишида чукурликдан иссик флюидлар оқими чиқишида, нефть-газ ҳосил бўлиш жараёнлари жадаллашади" деган тахмин қилиш мумкин. Аммо нефть-газ ҳосил бўлишининг бундай нуктаи назари етарли даражада ўрганилмаган.

2-§. Ер бағрида углеводородлар силжиши (миграцияси)нинг гидрогеологик шароитлари

Углеводородларни сувга тўйган тоф жинсларида силжиш жараёни асослидир. Чунки нефть ва газни ер бағридан олиш, кудукларга углеводородларнинг оқиб келиши ҳисобига эришилади. Бундан ташкари табиий саклагичларда флюидларнинг гравитацион омилларига асосан таксимланиши ҳамда туб жинсларининг очилиб қолган жойларида углеводородларнинг ер юзига сизиб чиқиши ҳақиқий далил бўлади. Аммо, углеводород тўпламларини нотекис тарқалишида бундай жараёнларнинг аҳамияти ва бу жараёнларда ер ости сувларининг хизмати ҳар хил баҳоланади.

Нефть ва газ ҳосил бўлишининг органик фаразияси бўйича, углеводородларнинг силжишида ер ости сувларининг аҳамияти углеводородларнинг ҳосил бўлиш давридаёқ аникланган. Тажрибада углеводородларнинг жинслардаги органик моддалардан


чикиш ҳарорат максимумига нисбатан сурىлғанлиги тасдиқланган (12-расм). Бу датиллар жинслардаги органик моддаларда углеводородлар ютилған сув пардалари билан үралғанлигини, улар йўқотилгандан сўнг углеводородлар сувга тўйған жинсларнинг ғовак бўшликларига кўча бошлишини кўрсатади.



12-расм. Кидириш натижасида ҳароратнинг ошили билан боғлик, битумсизлаштирилган органик моддаларнинг газ ҳолатидаги (1), чўкини жинсдаги (2) ва сув бугидаги (3) углеводородлар таркибининг ўзгариши чизма тасвири (О.М.Акромхўжаев бўйича).

Сувга тўйған жинсларнинг ғовак бўшликларида органик моддаларда ажралган углеводородлар озод сувлар билан ўзаро таъсирга киришади. Бунда энг катта аҳамиятга эга бўлган жараён, углеводородларни сувда эришидир, ҳамда сувда эриган углеводородларнинг коллектор қатламига силжиши ва бу қатламлар орқали сувтўсар қатламнинг остига ҳайдалиши ҳисобланади. Бундан ташқари, ер ости сувлари газларни карбонат ангидрид, олгинтугуртводород ва бошқа газлардан тозалайди, бунинг натижасида сувда эриган газларнинг таркибини асосан углеводородли қиласи. Сувда эриган углеводородларнинг таркиби ва микдори гидрогеологик

хоссалар, яъни ер ости сувининг минералланиши, катлам босими ва ҳарорат билан кузатилади. Шу билан углеводородларнинг сувда эриган ҳолатидаги силжиш миқёси ва углеводородларни озод ва оқимли силчишини таъминловчи фазавий ажралиш шароитлари аникланилади. Албатта тоғ бағрида углеводородларнинг силжиш миқёсига ва тезлигига ер ости сувлари, сувтүсар қатламлар, ўтказувчи ва тўусувчи узилмали бузилишлар ва бошқа гидрогеологик омиллар деярли таъсир кўрсатади-лар. Бундан ташқари, ер ости сувларининг харакати бўлмаганида ғоваклар орасида гравитацион ажралишлари содир бўлмас эди. Углеводородларнинг оқимли сизиш шароитлари жинсларнинг фазавий ўтказувчанлиги билан кузатилиб, жинсларнинг сувга тўйинганлиги нефть учун 23% гача, газ учун 10%гача бўлиши мумкин (13-расм). Шу билан бир қаторда, суюқ углеводородларни газсимонилиларга нисбатан сувда камрок эрувчанлиги учун нефтнинг кенг миқёсда силжиши фактат қатъий термобарик шароитларда содир бўлиши мумкин. Шу шароитларда газларнинг ўта эрувчанлиги намоён бўлиб, ер ости гидросферасида газконденсат-сувли тизимлар ҳосил бўлади.



13-расм. Бир-икки ва уч фазали сизиш оқимининг тарқалиши майдони (М.Леверетт бўйича).

Агар нефть-газли углеводородларнинг манбай чукурликда бўлса, суюк углеводородлар билан тўйинган, бир хил газ-сувли флюидлар ҳолатидаги ер ости сувлари углеводородларни қобик ости геосферасидан стратисферага ташпувчилик аҳамиятига эга. Аммо бунда ҳам нефть-газли углеводородларнинг силжиш миқёси ва жадаллиги флюид ўтказувчан тизимларнинг катталиги ва флюид тўсар қатламларнинг майдон бўйича тарқалиши билан аникланилади.

Шундай килиб, Ер бағридаги углеводородлар силжишининг ҳолати, миқёси, жадаллиги ва йўналиши гидрогеологик шароитлари билан аникланади.

3-8. Углеводородлар тўпланишининг гидрогеологик шароитлари

Ер бағрида углеводородларнинг тўпланиши (аккумуляция) углеводород ашёларининг уюмларини пайдо килади. Бу жараёнлар углеводородларни оқиб кетиш ёки тарқалиш шароитлари бўлмаган сувли қатламнинг айrim қисмларида қопқонлар томонига силжувчи углеводородларни ушлаб олиш натижасида содир бўлади Бундай шароитнинг биринчи ва асосий шарти, маҳсулдор қатламнинг устида сувтўсар, конқок бўлиши лозим. Бундан ташқари уюмларни қопқонда тўпланиши учун қопқонлар тектоник қатламларнинг антиклинал шаклини олиши, узилмали бузилишлар билан тўсилиши), литологик (ўтказувчан қатламларнинг кийикланиши ёки фациал ўзгариши), гидрогеологик (газ-сув ёки сув-нефть тулаш юзлари билан) чегараланган бўлиши зарур.

Шундай килиб, нефть ва газ конларининг ҳосил бўлиши тур ўзгарувчан геологик ҳоссалар билан кузатилади. Уларнииг орасида энг асосий ҳосса, дастлаб коллектор қатламишининг антиклинал букилмаси ("антиклинал назария") ва ҳар хил тузилма шаклдаги емирилиш бўртиклари, горстлар, рифлар ва бошқалар ("тузилмали назария"), сўнгра жинсларнинг фациал ва литологик ўзгаришлари ("стратиграфик назария") ҳисобланилар эди.

Хозирги вактда таъкидланган шартлар зарур, аммо углеводородлар ашёсини ҳосил қилиш учун етарли эмас, сабаби шундаки, углеводородларни қопқонлардан сақланиб қолиши учун улом чегараси газ-сув ёки сув-нефть туташ юзаси билан ўралиши зарур. Шунинг учун углеводородларнинг ер бағрида тўпланиши замонавий тушунчалар бўйича "тўсикли назария" ("барьерная теория") дейилади. Углеводородларнинг силжиш йўллари-даги тўсикларга ўлкавий ва маҳаллий тузилмалар, стратиграфик номувофикалар, коллектор - жинслардаги литологик ўзгаришлар киради. Бу омиллар бўлмаган тақдирда қопқонлар ҳам бўлмайди, демак углеводородлар ҳам ер ости гидросферасида уломлар ҳосил қilmайди

Углеводородларнинг тўпланишида гидрогеологик омилларнинг аҳамияти шундан иборатки, аввало қопконда флюидларнинг фазавий тақсимланиши, сувли тоғ жинслари мухитида гравитацион бўлинишларга мувофик содир бўлади. Бундай тақсимланиш фақат гидродинамик фаол шароитларда бўлиши мумкин. Иккинчидан, ер ости сувлари муттасил сувда эриган углеводородларни (айниқса газсимон) пъезометрик минимум минтақасида жойлашган қопқонларга олиб келади ва аниқ гидрогеологик шароитларда углеводородлар озод фазага ажрападилар. Бундай шароит сувларни углеводородларга тўйиниш босими, қатламлар босими, ҳарорати ҳамда сувнинг минералланишидан ортиқча бўлгандагина содир бўлади. Бунда сизиш самараси ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби сувда эриган ҳар хил компонентларнинг сизипидан кўра углеводородларнинг сизиши жадалроқ бўлиб, сувтўсар қатламлар орасидаги ер ости сувларининг углеводородлар билан тўйиниши ортади.

Натижада, ер ости сувлари углеводород уломлари чегараларининг ёпиқлигини таъминлайди. Щу йўсинда, таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай қопкон гидродинамик бўлмаслиги мумкин эмас.

Айниқса таъкидлаш керакки, углеводородларнинг тўпланишида кўриб чиқилган гидрогеологик шароитлар

дэярли даражада нефть ва газ ҳосил бўлиш фаразияларига боғлиқ эмас.

4-§. Углеводород уюмлари сакланишининг гидрогеологик шароитлари

Ер ости сувлари фақат углеводород ашёларининг уюмларини тўплашда қатнашмай, уларнинг бузилишида ҳам қатнашади. Бундай ҳоллар нефть саноатининг яратилишида таъкидланган эди. Яъни, нефть уюмларининг сувланиши натижасида қудуклардан нефть олиш тўхтаб қоларди. Сувнинг нефть-газ углеводородларига нисбатан эритиш хусусияти кўпроқ бўлгани учун нефть ва газ уюмларининг физик-кимёвий емирилиши тўғрисида гапириш мумкин. Бундай қаттиқ термобарик шароитларда емирилишига учраган уюмлардаги углеводородлар ер ости сувларида эритилиб қопқонлардан сизлирилиб олиб чиқилган. Иккинчи томондан, уюмлар таркибида ачиттичлар (сульфат-ион, сувда эриган ва бошқалар) бўлган ер ости сувлари кириб бориши натижасида гипергенез зонасида углеводород уюмларининг кимёвий емирилиши содир бўлади Бундай емирилишлар айниқса "сувда сузувчи" деб номланувчи массив уюмларда, газ-сув ёки нефть-сув туташ юзалари катта бўлгани учун жадал ўтади. Нефть уюмларини кимёвий емирилишининг хусусияти шундан иборатки, микроорганизмлар ва сульфатли ер ости сувлари қатнашими натижасида суюқ углеводородлар кимёвий оксидланадилар ҳамда нефть-сув туташ юзасида оксидланган битум қати ҳосил қиласи. Юқорида нефть ва газ конларининг вужудга келишида гидродинамик омилларнинг катта аҳамияти кўрсатилган эди. Аммо фаол сув алмашиб жараёнида углеводород уюмлари механик бузилишига учрайди. У ер ости суви оқимининг таъсирида сув-газ ёки сув-нефть туташ юзаларининг кияланишидан бошланади.

Бу қияликнинг микдори, гидравлик градиент кўтарилиган сари қатлам флюидларининг зичликлари

орасидаги фарқи камайтган сари ортади. Уни куйидаги формула билан аниклаш мумкин:

$$\operatorname{tg}\theta = (\rho_e / \rho_v - \rho_{yb})^* i,$$

бу ерда, θ - сув-газ ёки сув-нефть туташ юзасининг киялик бурчаги,

ρ_e ва ρ_{yb} - сув ва углеводород уюмининг зичлиги.

Агар сувнинг зичлиги таҳминан $\rho_b=1$ ва нефтнинг зичлиги $\rho_n=0.8$, газнинг зичлиги ρ_r жуда кам микдор деб олинса, киялик бурчакнинг микдори газ уюми учун $\operatorname{tg}\theta=i$ ва нефть уюми учун $\operatorname{tg}\theta=5i$ тенг бўлади. Демак, гидравлик градиент микдори тенг бўлганда сув-нефть юзасининг киялиги, сув-газнига нисбатан 5 марта кўпроқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда нефть уюми, газнига нисбатан кўпроқ, механик емирилишга учрайди.

Шундай қилиб, қопқонларда ер ости сувларининг ҳаракати натижасида углеводород уюмлари ҳаракат йўналиши бўйича сурилади. Агар туташ юза киялиги катлам қиялигидан ортиб кетса улом қопқондан ювилади ва бузилади.

Углеводородларнинг тўпланишида пъезоминимум зоналарининг аҳамияти юкорида кўрсатилган эди. Аммо бундай зоналар, сув тўсар-копқокларнинг тўсиш хосаси бузилган шароитда маҳсулдор горизонтларнинг очик бўшаши натижасида пайдо бўлади. Кўриниб турибдики, бундай шароитда углеводород уюмларининг сакланиб қолиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, углеводород уюмларининг сакланиши учун гидрогеологик шароитлари, уларни ер ости сувларининг механик, физик-кимёвий ва кимёвий бузилиши бўлмагандан қулайлик яратади. Умуман ер ости сувларининг гидрогеологик аҳамияти, нефть-газ ҳосил бўлишининг ва нефть-газ тўпланишнинг ҳар хил даврларида каттадир. Шунинг билан углеводород уюмларининг Ер бағрида тарқалиб жойлашиш хусусиятини аниклади.

АМАЛИЙ НЕФТЬ-ГАЗ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

АМАЛИЙ НЕФТЬ-ГАЗ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

Нефть-газли ўлкалардаги ер ости сувларини ўрганиш, гарчи у билим учун муҳим аҳамиятига эга бўлса ҳам, бирдан-бир мақсад бўлиб ҳисобланади. У инсоният амалий фаолияти билан икки ёқлама яқиндан боғланган. Бир томондан, у ишлаб чиқариш амалиётининг аниқ маълумотларига асосланган бўлса, иккинчи томондан - Ер бағридаги нефть-газ бойликларидан фойдаланиш бўйича инсонларнинг шу мақсадга қаратилган фаолиятлари учун асос бўлиб хизмат қиласи. Амалий нефть-газ гидрогеологиясининг мавзуси ҳисобланган нефть-газ гидрогеологиясининг амалиётлари орасида углеводород ҳом ашёларни излов - қидирув ишларида (нефть-газ излов гидрогеологияси), нефть-газ конларини ишлаш лойихасини тузиш ва уни амалга оширишда (нефть-газ кон гидрогеологияси), ер ости сувларидан углеводород ҳом ашёларга ҳамроҳ бўлмиш гидроминерал ҳом ашёлар конларини излаш, қидириш ва ишлашнинг турли босқичларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда унинг назарий асосларидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

1-боб. НЕФТЬ-ГАЗ ИЗЛАШ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

Нефть-газ излаш гидрогеологияси амалий нефть-газ гидрогеологиясининг бир бўлаги бўлиб, унда углеводород хом ашё конларини излаш қидиришда гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш масаласи ўрганилади. Нефть-газлиликнинг гидрогеологик кўрсаткичларини аниглаш ва муайян геологик объектларнинг нефть-газлигини башорат қилишда улардан фойдаланиш асосида нефть ва газни излаш-қидириш ишларининг энг самарали йўналишларини асослаб бериш бу тадқиқотларнинг жуда муҳим вазифаси ҳисобланади.

1-§. Нефть-газлиликнинг гидрогеологик кўрсаткичлари

Нефть-газлиликнинг гидрогеологик кўрсаткичлари деганда Ер бағрида углеводород хом ашё уюмлари ҳамда ер ости гидросферасининг шаклланиш жараёнларининг ўзаро таъсирини акс эттирувчи гидрогеологик хоссалар тушунилади.

Нефтли туманларда қудукларни бурғилаш пайтида олинган ер ости сувларининг кимёвий таркибидаги бир қатор хусусиятларга ўтган асрдаёқ зътибор қаратилган эди. Бу хусусиятлар қаторига мазкур сувларнинг минералларга жуда бойлиги, уларнинг кам сульфатлилиги уларда органик ("нефтли") кислоталар ва бошқаларнинг борлиги киради. Бу аломатларни умумлаштириш нефть конларининг сувлари учун "туркумланиш" белгиси бўйича ер ости сувларини икки катта гурухга ажратиш имконини берди. Унинг устига, бу аломатларнинг баъзилари (нафтен кислоталар, йод, метан ва унинг гомологларининг борлиги) нефть-газлиликнинг бевосита кўрсаткичлари бўлиб баҳоланадилар. Кейинчалик нефть конларининг сувларига хос бўлган белгилар сони уларда битумлар, аммонийлар, гидросульфидлар, биоген азот, ўзига хос микроорганизмлар биоценози ва бошқаларнинг мавжудлиги билан тўлиб борди. Бунинг барчаси туб

моҳияти билан гидрокимёвий аломатлардир. Ана шу аломатлар қаторига ер ости сувларидағи газнинг микдори ва уларнинг газга түйинганлик даражасига асосланган газгидрокимёвий белгилар ҳам киради. Шу билан бирга нефть-газ излаш ишларининг барча амалиёти ишончли равишда шу нарсаны тасдиқлады, ер ости сувларининг кимёвий таркибиға қараб қопқонларнинг маҳсулдорлигини ишонч билан аниқлаш учун бу аломатлар етарли эмас экан.

Нефть конларининг сувларига хос белгиларининг мавжудлиги ер ости гидросферасида углеводородлар уюmlари таъсириининг акси сифатида геологик узоқ вакт давомида ер ости сувлари ва углеводородларнинг ўзаро таъсирини кўрсатади. Табий шароитларда бу муддат уюmlарнинг шаклланиш вақти ҳамда сув алмашувининг жадаллиги билан белгиланади. Ушбу мулоҳазалар нефть-газлиликнинг гидродинамик кўрсаткичларини ажратиб бериш учун асос қилиниб, уларга сув алмашувининг кийинлашуви, инфильтрация жараёнларининг суст ривожланганини, кичик гидравлик нишоблар, Ер бағрининг айло даражадаги гидрогеологик ёпиклиги, сувли катламларнинг сувдан бўшаниш зоналарининг мавжудлиги ва бошқалар киради Бир томондан, нефть-газ ҳосил бўлиш ва нефть-газ тўпланиш жараёнларини, иккинчи томондан, ер ости гидросфераси ва геогидродинамик тизимларининг шаклланиш жараёнларини ўзаро боғлиқликларининг муҳокамасини, шунингдек тарихий-геологик нукттан назардан ўтказилган ҳозирги замон ҳамда палеогидрогеологик тадқиқотлар мазкур кўрсаткичларнинг муайян геологик унсурлар учун сифат, микдори жиҳатдан ўзига ҳослигини аниқлаш имконини берди. Жумладан, нефть ва газ конларининг тарқалиши билан чўкинди сувлар устунлиги ва элизион геогидродинамик тизимлар, ер ости гидросферасидаги турли гидрогеологик, ғайри-табиийликлар, гидродинамик қопқонлар орасидаги боғланишлар кузатилган, шунингдек сув гардиши самарасининг турли намоёнланиши ҳамда унинг турли гидрогеологик шароитлардаги миқёслари аниқланган.

Хозирги пайтда профессор А.А.Карцев ва унинг шогирлари томонидан яратилган нефть-газлиликнинг гидрогеологик кўрсаткичлари таснифидан кенг кўламда фойдаланилади (1-илова). Бу таснифга биноан барча гидрогеологик кўрсаткичлар белгиларига кўра икки бўлинадилар:

- фойдаланилаётган гидрогеологик маълумотнинг турига ва;
- нефть-газлиликни башорат килиш учун уларнинг ҳақиқий аҳамиятига кўра.

Биринчи белги бўйича гидрокимёвий, гидродинамик, геотермик ва палеогидрогеологик кўрсаткичлар гурухлари, иккинчи белги бўйича эса - углеводородлар мавжудлигининг, углеводород хом ашё уюмларининг шаклланиш ва сакланиб қолиш шароитларининг қопқонлар ва нефть-газ ҳамда газконденсат уюмлари мавжудлигининг кўрсаткичлари ажратиб кўрсатилади.

Углеводородлар мавжудлигининг кўрсаткичларига углеводородларнинг ер ости сувлари билан физик-кимёвий ҳамда кимёвий ўзаро таъсири билан боелик бўлган гидрокимёвий хусусиятлар киради. Бу хусусиятлар ер ости сувларида углеводородлар билан генетик равирида боғланган компонентлар пайдо бўлишида ва органик моддалар, жумладан углеводородлар билан ўзаро таъсир натижасида сувлардаги бошқа компонентларнинг камайиб кетишида намоён бўлади. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими органик - газгидрокимёвий, яъни ер ости сувларида эриган битумоидлар, метан ва унинг гомологлари, бензол, фенол ва бошқа шу каби моддаларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ер ости сувларидаги метаннинг юкори микдори стратисферада газ ҳосил бўлиш жараёнларининг устунлигидан ва литосферанинг куйи кисмларидан, қобиқости геосфераларидан, шунингдек газ уюмларидан стратисферага тушиши мумкинлиги тўғрисида далолат беради. Ер ости сувларининг аквабитумоидлар, наftenли кислоталар ва метаннинг газсимон гомологлари билан тўйинганлиги кўпинча геологик объектнинг нефть-газлилигини, агар уларда фенол ва бензол бўлса - Ер

бағрида газконденсатли тизимлар бўлиши мумкнилитини кўрсатади. Углеводородлар мавжудлигининг органик газ гидрокимёвий кўрсаткичлари орасида яна биоген азот, аммиак, олтингутуртларни эслатиш жоиздур. Булар тоф жинслари ва ер ости сувларидаги органик моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладилар.

Қайд этилган кўрсаткичларнинг кўпчилиги углеводородлар тўпламларининг шаклланишлари учун қулаи бўлган шароитларни ҳам кўрсатади. Улар қаторига яна гидродинамик (сув алмашибининг элизион режими, Ер бағрининг гидрогеологик ёпиқлиги), геотермик (ҳароратнинг нефть-газ ҳосил бўлиши муҳитига мувофиқлиги) ва палеогидрогеологик (чўкинди сувларнинг устиворлиги, элизион сув алмашибининг муддати ва жадаллигининг юқорилиги) кўрсаткичлар кириди.

Аноганик кўрсаткичлар (ер ости сувларининг юқори минералланганлиги на хлор-кальцийли тури, уларнинг кам сульфатланганлиги). газгидрокимёвий (кислороднинг йўқлиги, азот, карбонат ангиридининг олтингутуртнинг кам микдори), гидродинамик (гидравлик градиентлар ва маҳсулдор қатламларнинг қиялик бурчакларининг, сизиш ҳамда углеводородларниң қопқонлардан оқиб чиқиши тезликларининг ўзаро муносабатлар), геотермик ($90-110^{\circ}\text{C}$ дан кам ҳарорат, чунки бундан юқори ҳароратларда углеводород газлар ва суюқ углеводородларнинг ўта эрувчанини кузатилади) ва палеогидрогеологик (инфилтрацион сув алмашиб ва инфильтрацион боскичлар муддатининг паст кўрсаткичлари) ўюмларининг яхши сакланганлигини кўрсатади.

Маҳсулдор қатлам тепасида жойлашган устки сувлардаги гидрокимёвий ва геотермик гайритабиийликлар, пъезоминимум ва қатламнинг гайритабиий юқори босими (КФЮБ) ҳодисалари қопқон мавжудлигини кўрсатади.

Нефть-газ излаш амалиёти учун нефть ва газ ўюмлари мавжудлигининг кўрсаткичлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Уларга органик-газгидрокимёвий ва гидродинамик кўрсаткичлар киради. Биринчилари

углеводородлар уюмларидан чиқадиган сув гардишли самаранинг миқёслари бўйича аникланади. Бу самара одатда углеводород уюмлари компонентларининг чегара олди ва остки сувларга ўтиши билан боғлик бўлиб, уюм томонга қараб сувларда углеводородлар ва аквабитумоидлар миқдорининг кўпайишида намоён бўлади. Лекин сувга нисбатан углеводородларда кўпроқ эрийдиган баъзи компонентлар бўйича бу ҳодисанинг аксини масалан, бензолнинг ер ости сувларидан нефтга ўтишини тажрибалар асосида кузатиш мумкин.

Гардишли самарани баҳолашда ер ости сувлари харакатининг йўналиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда унинг устивор намоёнланишининг йўналиши уюмдан бошланиб "орқа томон" самараси дейилади. Яна шуну назарда тутиш керакки биринчидан, сув гардишли самара бўйича уюм ҳолатини аниглаш учун икки ва ундан ортиқ кудуклардан олинган маълумот зарур; иккинчидан, гардишли самаранинг мавжудлиги тахмин килинаётган углеводородлар тўпламларининг саноат аҳамиятини белгилаш учун ҳамиша ҳам етарли бўлавермайди.

Углеводородлар мавжудлигининг кўрсаткичларига углеводородларнинг ер ости сувлари билан физик-кимёвий ҳамда кимёвий ўзаро таъсири билан боғлик бўлган гидрокимёвий хусусиятлар киради. Бу хусусиятлар ер ости сувларида углеводородлар билан генетик равишда боғланган компонентлар пайдо бўлишида ва органик моддалар, жумладан, углеводородлар билан ўзаро таъсир натижасида сувлардаги бошқа компонентларнинг қамайиб кетишида намоён бўлади. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими органик - газгидрокимёвий, яъни ер ости сувларида эриган битумоидлар, метан ва унинг гомологлари, бензол, фенол ва бошқа шу каби моддаларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ер ости сувларидағи метаннинг юкори миқдори стратосферада газ ҳосил бўлиш жараёнларининг устунлигидан ва литосферанинг кўйи қисмларидан, қобик ости геосфераларидан, шунингдек газ уюмларидан стратосферага тушиши мумкинлиги тўгрисида далолат беради. Ер ости сувларининг аквабитумоидлар, нафтенли

кислоталар ва метаннинг газсимон гомологлари билан тўйинганлиги кўпинча геологик объектнинг нефть ва газлилигини, агар уларда фенол ва бензол бўлса - Ер бағрида газконденсатли тизимлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Углеводородлар мавжудлигининг органик газ гидрокимёвий кўрсаткичлери орасида яна биоген азот, аммиак, олтингугуртларни эслатиш жоиздур. Булар тоғ жинслари ва ер ости сувларидаги органик маддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладилар.

Кайд этилган кўрсаткичларнинг кўпчилиги углеводородлар тўпламларининг шаклланишлари учун кулагай бўлган шароитларни ҳам кўрсатади. Улар қаторига яна гидродинамик (сув алмашибининг элизион режими, Ер бағрининг гидрогеологик ёпиқлиги), геотермик (ҳароратнинг нефть ва газ ҳосил бўлиши мухитига мувофиқлиги) ва палеогидрогеологик (чўкинди сувларнинг устуворлиги, элизион сув алмашибининг муддати ва жадаллигининг юкорилиги) кўрсаткичлари киради.

Анораник кўрсаткичлар (ер ости сувларининг юкори минералланганлиги на хлор-кальцийли тури, уларнинг кам сульфатланганлиги) газгидрокимёвий (кислороднинг йўклиги, азот, карбонат антидридининг олтингугуртнинг кам микдори), гидродинамик (гидравлик градиентлар ва маҳсулдор қатламларнинг қиялик бурчакларининг, сизиш ҳамда углеводородларниң қонқонлардан оқиб чиқиши тезликларининг ўзаро муносабатлар), геотермик ($90-110^{\circ}\text{C}$ дан кам ҳарорат, чунки бундан юкори ҳароратларда углеводород газлар ва суюқ углеводородларнинг ўта эрувчанини кузатилади) ва палеогидрогеологик (инфилтрацион сув алмашиб ва инфильтрацион босқичлар муддатининг паст кўрсаткичлари) уюмларининг яхши сакланганлигини кўрсатади.

Маҳсулдор қатлам тепасида жойлашган устки сувлардаги гидрокимёвий ва геотермик гайритабиийликлар, пъезоминимум ва қатламнинг гайритабиий юкори босими (КФЮБ) ҳодисалари қопқон мавжудлигини кўрсатади.

Нефть ва газ излаш амалиёти учун уюмлари мавжудлигининг кўрсаткичлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Уларга органик-газидроқимёвий ва гидродинамик кўрсаткичлар киради. Биринчилари углеводородлар уюмларидан чиқадиган сув гардишили самаранинг миқёслари бўйича аникланади. Бу самара одатда углеводород уюмлари компонентларининг чегара олди ва ости сувларга ўтиши билан боғлик бўлиб, уюм томонга қараб сувларда углеводородлар ва аквабитумоидлар микдорининг кўпайишида намоён бўлади. Лекин сувга нисбатан углеводородларда кўпроқ эрийдиган баъзи компонентлар бўйича бу ҳодисанинг аксини масалан, бензолнинг ер ости сувларидан нефтга ўтишини тажрибалар асосида кузатиш мумкин.

Гардишили самарани баҳолашда ер ости сувлари ҳаракатининг йўналиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда унинг устувор намоёнланишининг йўналиши уюмдан бошланиб "орқа томон" самараси дейилади. Яна шуни назарда тутиш керакки биринчидан, сув гардишили самара бўйича уюм ҳолатини аниқлаш учун икки ва ундан ортиқ қудуклардан олинган маълумот зарур; иккинчидан гардишили самаранинг мавжудлиги тахмин қилинаётган углеводородлар тўпламлари саноат аҳамиятини белгилаш учун ҳамиша ҳам етарли бўлавермайди.

Углеводород хом ашё уюмлари мавжудлигининг гидродинамик кўрсаткичлари бўлиб "уюм" туридаги геофизик гайритабиийлик майдонида гидродинамик қопқоннинг борлиги ҳисобланади.

Нефть ва газлиникнинг турли гидрогеологик кўрсаткичларининг муҳокамаси шуни кўрсатадики, улар алоҳида, бошқа кўрсаткичлар билан бирга кўрилмас экан, саноат аҳамиятидаги нефть ва газлиникни ишончли тарзда башпорат қилиб бўлмайди, аммо улар бошқа геологик-геокимёвий ва геофизик кўрсаткичлар билан мужассамлантирилса нефть ва газ излаш ишларининг самарадорлигини оширишга зришиш мумкин.

2-§. Гидрогеологик маълумотлар асосида нефть-газлиликни башоратлаш

Углеводород хом ашё тўпламларини излаш ва қидириш ишларининг ҳажмини тўғри тақсимлаш учун Ер бағрининг қаърида ҳамда бу хом ашёнинг қанча микдори борлигини билиш зарур. Бу саволларга нефть-газлиликнинг башорати жавоб беради. Бу башорат углеводород хом ашё конларини очиш мақсадида маълум бир геологик унсурни излашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги илмий ва назарий жиҳатдан асосланган хуносадан иборатdir. Бу геологик унсурнинг ўлчамлари ва излов-қидириув ишларининг босқиччилигидан келиб чикиб, нефть-газлиликни башорат қилишда турли: ўлкавий, минтақавий ва маҳаллий босқичлар ажратилади. Ана шу босқичларнинг ҳар бирида башоратнинг ишонччилигини ошириш учун гидрогеологик маълумотлардан кенг миқёсда фойдаланилади.

Ўлкавий башорат кам ўрганилган кенг майдонлардаги йирик стратиграфик бўлинмаларнинг нефть-газлилик истиқболларини баҳолашдир. Бундай башорат учун ер ости сувлари ҳавзаси ва геогидродинамик тизимлар турлари, уларнинг ҳозирги гидрогеологик тузилиши ва тадрижий ривожланиши, нефть-газ ҳосил бўлиши ва тўпланишининг гидрогеологик шароитлари ҳакидаги тасаввурлардан сифатли фойдаланилади. Бундай башоратни микдорий жиҳатдан баҳолаш углеводород хом ашёнинг башорат қилинган заҳиралари бўйича нефть ва газнинг органик йўл билан ҳосил бўлиши тўғрисидаги фаразлар доирасидагина мумкиндир.


Углеводород хом ашёнинг башорат қилинган заҳиралари потенциал бойликлар билан очилиб улгурган конлардаги углеводородлар заҳираларининг айримасидир. Потенциал бойликлар геологик-статистик ва геологик-генетик усуllар ёрдамида ҳисобланади. Геологик-статистик усуllар нефть-газлилик миқёслари билан стратосферадаги жинслар ҳажмлари орасидаги статистик барқарор боғланишларга, майдонлардаги қопқонларнинг

тақсимланиш зичлиги ва гидрогеологик хоссаларга асосланадилар. Хоссалар комплексини таққослаш натижаси бўйича эталон объектлар учун углеводородларнинг тўпланиш коэффициенти аниқланади ва у турли тузатмалар киритиш йўли билан башорат қилинаётган объект учун ишлатилади. Тузатиш коэффициентларининг шартлилиги ва тўпланиш коэффициентининг ўрганилаётган майдоннинг текширилгани даражасига жуда боғлиқ бўлгани учун бу усул ёрдамида олинган баҳолар тахминий бўлиб, нефть-газни излаш ва қидириш ишларини ўтказиш жараёнида муҳим ўзгаришларга дучор бўлиши мумкин. Шунинг учун гарчи уларда ҳам маълумот танқислиги билан боғлиқ бўлган бир мунча шартлиликлар бор бўлсада, углеводородларнинг потенциал бойликларини геологик-генетик усуллар ёрдамида баҳолаш анчагина ишончлидир.

О.М.Акрамхўжаев ва унинг шогирдлари томонидан яратилган геологик-генетик усулларнинг бир тури - углеводород ҳом ашё бойликларининг башорат қилинадиган захирасини генерация қилинган углеводород микдори билан улар уюмлари шаклланишида йўқотилган микдорлари орасидаги тафовут бўйича аниқлаш тавсия этилади. Углеводородлар йўқотилишининг муҳим кўри-нишларидан бири - уларнинг ер ости сувларида эриб кетиши билан боғликдир. Бу эриш геологик объектдаги ер ости сувларининг ҳажмига ва уларнинг минералланишига ва термобарик шароитларига боғлиқ (14-расм). Литогенезнинг турли босқичларида углеводородлар ҳосил бўлиш жараёнларини ва бунда гидрогеологик шароитларни мантиций тиклаш углеводородларнинг йўқотилган микдорини ҳамда уларнинг озод ва сувда эриган ҳолатда кўчиш миқёсларини баҳолашиб имконини беради. Углеводородлар йўқотилишининг бошқа турларини ҳисоблашда ҳам гидрогеологик хоссалар назарда тугилади. Бу турларга жинсларнинг қолдик нефтга тўйинганлиги, сув тўскичлар орқали диффузия, углеводородларнинг кислородланиши, углеводородларни гипергенез зоналарига ва маҳсулдор горизонтларнинг бўшаниш вилоятларига чиқариш киради. Шу билан бундай ҳисоб нефть-газлилик

ўлкавий башпоратининг ишончлилигини ошириш имконини беради.

Нефть-газлиликнинг минтақавий башорати геологик объектнинг айрим қисмларининг нефть-газлилик истиқболларини баҳолашдан иборат бўлиб, бу жойлар олдинроқ юқори истиқболли деб топилган бўлади. Башоратнинг ана шу даражасида ҳам углеводород хом ашёнинг потенциал бойликларини ҳисоблашнинг геологик - статистик ва геологик - генетик усуспари қўлланилади. Лекин бу энг кенг тарқалган усул бўлиб, турли хоссалар, жумладан гидрогеологик хоссалар бўйича тузилган башорат хариталарини бирга қўшиш йўли билан истиқболли ерларни чегаралаш ҳисобланади. Чунончи, ҳар бир гидрогеологик хоссанинг (сувларнинг минералланишилиги, натрий-хлор коэффициент, гидравлик градиент ва бошқалар) нефть-газлилик билан боғлиқлик коэффициентларининг йигиндиси хариталарини тузиш йўли билан нефть-газлиликнинг турли гидрогеологик кўрсаткичларини мужассамлаштириш усули маълум.



14-расм. Метаннинг сувда эрувчанлигини аниқлайдиган чизма.

Минтақавий башорат харитасида тайёрланган, аникланган ва башорат қилинган қопқонларнинг жойлашишини кўрсатиш гурхий маҳаллий башорат сифатида баҳоланади. Мезонлар йигиндиси бўйича истиқболли майдонларда жойлашган қопқонларнинг ҳар бир туркуми учун текширишнинг у ёки бу тури, ўлкавий геофизик ишлардан бошлиб, излов-қидиришга бурғилаш ишларини бошлишгача тавсия этиш мумкини.

Ишлаб чиқариш амалиёти учун нефть-газлиликнинг маҳаллий башорати муҳимроқдир, чунки бунда аник бир тузоқнинг маҳсулдорлиги башорат қилинади. Маҳаллий башорат қилишда асосий гидрогеологик кўрсаткичлар бўлиб қопқон ва углеводород хом ашё уломларининг мавжудлик кўрсаткичлари хисобланади. Гидрогеологик маълумотлар бўйича нефть-газлиликни маҳаллий башорат қилиш учун маҳсус компьютерда маҳаллий тузилманинг маҳсулдорлигини аниклаш дастури ишланган ва амалга оширилган. Унга биноан қопқонда углеводород тўпламларининг мавжудлиги "овоз бериш натижалари" сифатида микдори аникланади.

Шундай қилиб, нефть-газлилик истиқболларини гидрогеологик асослаш нефть-газлиликни башорат қилишнинг барча босқичларида зарурый қисм бўлиб хисобланади.

2-боб. НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

Нефть-газ конлари гидрогеологияси амалий нефть-газ гидрогеологиясининг бир бўлими бўлиб, унда бурғилаш кудукларининг қурилишида, углеводород хом ашёнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини ҳисоблашда, нефть-газ конларини ишлашни лойиҳалаш ва амалга оширишда гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш масалалари ўрганилади. Шуни таъкидлаш керакки, худди ана шу бурғилаш кудукларининг қурилишида ва қатлам суюқликлари намуналарини кимёвий таҳдил қилишда, нефть-газ гидрогеологиясида фойдаланиладиган бошлангич гидрогеологик маълумот олинади. Бу маълумот қудукларда сувларнинг динамик ва статистик сатҳларини, қатлам босимлари ва ҳароратини, суюқликларнинг оқибчиқиши маҳсулот микдорини (дебити), сувли ва маҳсулдор қатламларнинг мутлоқ белгиларини (тизометриясини) ўлчашни, қатлам суюқликлари намуналарини кимёвий таҳдилини, шунингдек гидрогеологик ҳисоблар ва қурилмалар учун зарур бўлган турли геологик ахборотни ўз ичига олади.

1-§. Кудуклар қурилишида гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш

Бурғилаш лойиҳасини тузишдан бошлаб, тизометрик кудукларни кузатишгача бўлган қудук қурилишининг барча боскичларида Ер бағрининг гидрогеологик шароитларини назарда тутиш мухимдир.

Юувучи суюқликларни танлашда тахмин қилинадиган қатлам босимлари ва ҳарорати, қазиб очиладиган сувли горизонтларнинг сувга бойлигида, қатлам сувларининг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар зарурдир. Бу маълумотлар кўшни қудуклардан, агар улар бўлса, ашёвий далиллар асосида ёки геогидродинамик тизим тузилишидаги аникланган

хусусиятлари, унинг гидрокимёвий минтақаланиши ва гидродинамик тарзи асосида олинади.

Биринчи навбатдаги вазифалардан бири - юувучи суюқликнинг зичлигини танлаш ҳисобланади, чунки у фавворали фалокат ёки юувучи суюқлик айланиши йўқолишининг олдини олиш максадида қатламга зарур тазийк билан қудукни бурғилашни таъминлайди. Қатламга бериладиган тазийк қатлам ва қудук тубидаги босимлар тафовути бўйича белгиланади. Агар тазийк етарли бўлмаса фавворали фалокат рўй бериши мумкин ва ундан кутилиш учун катта моддий харажатлар керак бўлади. Фалокатдан кутилиш чораси топилмаса, қудукни қазиш ишлари тўхтатилади. Аксинча, қатламга берилган тазийк юқори бўлса, юувучи суюқликнинг фалокатли ютилиши кузатилибгина қолмай, балки қудук туби атрофининг ифлосланиши ва уни синаш ишлари ўтказишни мураккаблаштириши мумкин.

Тахмин қилинаётган қатлам босимлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиб, қудук туби босимини танлаш йўли билан қатламга бориладиган тазийкни бошқариш мумкин. Қудук туби босими насослар ёрдамида ҳосил қилинадиган қудук оғзи босими ва юувучи суюқлик устунининг гидростатик босими йиғиндисидан таркиб топади. Гидростатик босим, ўз навбатида юувучи суюқлик устунининг (яъни қудук чукурлигини) шу суюқлик зичлиги кўпайтмасига тенг бўлади. Юувучи суюқлик зичлигини унга оғирлаштирувчи барит, гематит ва бошқа моддалар кўшиш йўли билан ёки юувучи суюқлик таркибида гил микдорини камайтириш билан ўзгартириш мумкин. Бунда фақат сув билан бурғилашгача етиб бориш мумкин.

Қатламларни бурғилаб очиша гайритабиий юқори босим кутилса юувучи суюқлик оғирлаштирилиши, агар юувучи зоналар очилса суюқлик енгиллаштирилиши зарур. Ютувчи зоналарга айниқса, юувучи суюқликка ғовакларни беркитиш учун турли моддалар (янчилган кум, чигит қипиғи ва бошқалар) кўшилади. Агар зарурат туғилса, асорат зоналарини ажратиб қўйиш учун қўшимча цемент кўприклар ўрнатишни мўлжаллаб қўйиш керак.

Юувчи суюкликин танлашда кудук бургиланаётган майдоннинг гидрокимёвий хусусиятларини ҳам назарда тутиш зарур. Гидрокимёвий миңтақаланиш маълумотларига қараб кесимдаги намакоб (рапа)ли оралиқларни, яъни хлор-кальцийли намакобларни, олтингутурт ва бошқа моддалардан иборат қатламларнинг очилиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Юувчи суюкликларнинг бундай қатлам сувлари билан қўшилиши уларнинг технологик хоссаларини ёмонлаштириши, сув берса олишлик шлам олиб чиқишга ва бошқаларга таъсир этувчи қўшимчалар таъсирини пасайтириши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда юувчи суюкликларни тайёрлашда барқарорлаштирувчи моддалардан фойдаланишини назарда тутмок лозим. Масалан, хлор-кальцийли зоналарни ўтаётганда КМЦ - 85-700дан фойдаланиш мумкин.

Қайд қилинган гидродинамик ва гидрокимёвий маълумотлар тампонаж эритмаларни танлашда ҳам зарурдир. Кесимнинг сув чиқарадиган оралиқлари очилганда тампонаж қориshmанинг қатлам сувлари билан суюкланиши натижасида сифатсиз цементланаш юз бериши ва кориshmанинг цементланадиган оралиқдан ташқарига сиқиб чиқарилиши мумкин. Бунинг акси ўлароқ, агар тампонаж эритмаси қатлам томонидан ютилса, цементли ҳалқанинг баландлиги мўлжалдагидан анча паст бўлиб қолиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам тез қотувчи цементни ишлатиш ҳамда тампонаж қориshmасини кудукقا ҳайдаш жараёнини тезлатиш тадбирларини назарда тутиш лозим. Тампонаж қориshmаларини танлашда геотермик шароитларни башорат қилиш муҳим аҳамиятга эга, чунки цементнинг қотиш тезлиги қатлам ҳароратига жуда боғлиқдир. Ундан ташқари, гидрокимёвий кесимда хлорид тузлар, олтингутуртводород, карбонат ангирид ва баъзи шу каби моддаларнинг юқори концентрациясига эга бўлган сувлар бўлса, цемент емирилиши мумкин. Шунинг учун фаол емирувчи қатлам сувларининг очилиши олдиндан маълум бўлса, тампонаж қориshmаларга махсус қўшимчалар қўшиш лозим. Масалан, кислоталар ва сульфатларнинг тажовузкор

таъсирига цементларнинг чидамлилигини ошириш учун күмтупроқли қўшимчалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Юқорида қайд этилган гидрогеологик хусусиятлар кудукларни синашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир ва улар кесимлар оралиқларини текширишнинг технологик жараёнларида эътиборга олиниши лозим. Жумладан қатламнинг ғайритабии юқори босим (КФЮБ)ли зоналар текширилаётганда тешиш (перфорация) ишларини оғирлаштирилган қоришмалар билан бажариш ва кудук оғзини юқори босимга мўлжалланган превенторлар билан жиҳозлаш лозим, тажовузкор қатлам сувлари бўлган оралиқлар очилиши кутилса, зангламас ускуналар кўллашни назарда тутиш, қатлам сувга унчалик бой бўлмаса ва кудукдаги сувнинг сатҳи паст бўлса, кудукдаги сувни ёки қоришмани босқичли ҳаволантириш усулидан фойдаланиш, оралиқни текшириш муддатларини узайтириш керак.

Гидрогеологик маълумотлар ёрдамида ечиладиган муҳим амалий масалалардан бири - кудукнинг техник ҳолатини назорат қилиш, жумладан, қудукка сувнинг фалокатли оқиб келишини ва унинг жойини аниқлашдан иборат. Бу вазифани ечмай туриб, кудукка беркитиш ишларини лойиҳалаш ва уларни амалга ошириш мумкин бўлмайди. Сувнинг фалокатли оқиб келишини ва кудук кесимидағи ўрнини шу сувнинг ва кесимнинг турли қатламларидағи сувларнинг кимёвий таркибларини таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Уларни шу сувлар ҳароратлари ва минералланишлари орасидаги фарқига асосланиб ишлайдиган резистивиметрлар ва электр иссиқлик ўлчагичлар ёрдамида ҳам билиш мумкин. Бироқ бу масала гидрогеологик кесимда қатлам сувларининг физик-кимёвий хоссаларининг ўзгарувчанлигига мувваффакиятли ечилади. Бу масалани ечиш учун кесимда сувтусар қатлам ўрни, турли сувли горизонтлардаги қатлам босимлари тўғрисидаги гидрогеологик маълумотлар ва бошқалар ҳам жалб қилинади.

2-§. Углеводород хом ашёнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини ҳисоблашида гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш

Гидрогеология бўлими углеводород хом ашёнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини ҳисоблаш бўйича тузилган ҳисоботларнинг таркибий қисмидир. Чунки худди шу гидрогеологик маълумотлар ўюмларнинг геометрик тузилишини, маҳсулдор қатламнинг сиздириш хусусиятларини, қудукнинг ва коннинг ишлаш тартибини, ўюндаги заҳираларнинг олинадиган қисмини таърифлаб бериши мумкин.

Углеводородлар билан тўлган қопқоннинг ҳажмини аниқлаш учун муҳим масала бўлиб, сув-нефть (СНТЮ) ёки сув-газ (СГТЮ) туташ юзасининг ўринини аниқлаш ҳисобланади. Бу масалани фақат қопқоннинг ҳам маҳсулдор, ҳам сувли қисмларини бир вақтда очилган қудуклардагина аниқ ечиш мумкин. Аммо қопқоннинг бу икки қисмини айрим-айрим очган қудукда қатлам босимлари бўйича гидрогеологик маълумотлар йигилган бўлса, бу масалани тахлилий ва чизма усуслар билан тахминан ечиш мумкин. Сув-нефть туташ юзасининг (СНТЮ) мутлақ белгиси М.А.Ждановнинг куйидаги ифодасига биноан аниқланади:

$$H_{\text{санто}} = [10(P_c - P_n) + h_n \cdot \gamma_n - h_c \cdot \gamma_c] / (\gamma_c - \gamma_n),$$

бу ерда, $h_{\text{санто}}$ - сув-нефть туташ юзасининг мутлақ белгиси, м;

P_c ва P_n - қатламнинг сувли ва нефтли қисмларини очган қудуклардаги қатлам босимлари, атм;


h_c ва h_n - қатламнинг сувли ва нефтли қисмларининг мутлоқ белгилари, м;

γ_c ва γ_n - қатлам суви ва нефтнинг солиштирма оғирликлари, г/см³.

Шунга ўхшаш формуладан сув-газ туташ юзасини аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда газнинг

солиширма оғирлігін сувга нисбатан таққослаб бўлмайдиган даражада кам деб фараз қилинади.

А.В.Готтильф ва Э.Б.Чекалюклар томонидан тавсия этилган сув-нефть ва сув-газ туташ юзаларини аниқлашнинг чизма усули катлам босими ва шу босим ўлчанганд ораликларнинг мутлоқ белгиси орасидаги боғланишини координаталар тизимида пъезограммалар кўринишида ифода этишдан иборатdir (15-расм). Бу чизмада ўлчовлар ўтказилган нукталарни бирлаштирувчи чизиклар киялик бурчакларининг тангенслари катлам флоидларининг солиширма оғирликларига, газ-сув ва сув-нефть туташ юзаларининг мутлоқ белгилари эса кўрсатилган чизикларнинг, кесишган нуктасига тўғри келади.



15-расм. Пъезограмма: 1-сув қудуғи; 2-газ қудуғи.

Углеводород хом ашёларининг саноат аҳамиятига эга бўлган заҳираларини аниқлашда жинсларнинг ўтказувчанлиги муҳим хосса бўлиб ҳисобланади. Одатда, бу хосса тажрибахоналарда аникланиб, шартли равища катлам шароитларига кўчирилади. Гидрогеологик

маълумотлар бўйича жинслар ўтказувчанлигини ва бир қатор кон-гидродинамик хоссаларини ҳақиқий табиий шароитларда аниқлаш мумкин. Бунинг учун таҳлилий - чизма усул кўлланилиб, унга биноан қудукдаги сувнинг динамик сатҳини ўлчаш вактининг логарифми билан динамик сатҳнинг ўсиши ўртасидаги боғланишни тасвирловчи чизма чизилади (16-расм). Сатҳни кузатиш чизигига уринма йўналтирилган чизикнинг қиялик бурчаги α -нинг тангенси жинсларнинг ўтказувчанлиги "K"-ни аниқлаш формуласига киради:


$$K = 0,183 \frac{Q_y \cdot \mu}{\operatorname{tg} \alpha \cdot h_{\text{зф.}}}$$

бу ерда, Q_y - динамик сатҳни кузатиш бошланишидаги қудукдаги барқарорлашган дебит, $\text{см}^3/\text{с}$,

μ - қатлам сувининг қовушқоқлиги, сПз ,
 $h_{\text{зф.}}$ - қатламнинг самарали қалинлиги, см.

Углеводородларнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини ҳисоблаш, нефть-газ олиш имкониятларини баҳолаш ва қудукларнинг оқилона маҳсулдорлигини асослаш учун зарур бўлган коллектор жинсларнинг колдик сувга тўйинганлиги, қатлам сувларининг қовушқоқлиги, қатламларнинг пъезо- ва сувўтказувчанлиги каби ҳам гидрогеологик хосса бўлиб ҳисобланади.

Углеводород ашёларнинг олинадиган заҳираларини аниқлаш ва бу заҳиралардан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган конларни ишлашнинг башорат қилинадиган тартиби ҳам гидрогеологик тадқиқотлар маълумотларига таянади. Ер ости сувларининг тазиики углеводородларни қудук тубига оқиб келишини таъминлайдиган асосий энергия турларидан биридир. У айниқса, ер ости сувлари билан углеводород ўюмлари орасида фаол гидродинамик боғланиш бўлса яққол кўринади.



16 - расм. Кудукдаги сув сатхини ўлчаш вактининг логарифми билан динамик сатхнинг ўсиши ўртасидаги боғланишлик чизмаси.

Маълумки, фаол сув тазиқли тартибда ер бағридан углеводородларнинг заҳираларини энг кўп микдорда қазиб чиқаришга эришилади. Бундай тартибда газ заҳираларини олиш коэффициенти 0.9-0.95га, нефтники эса - 0.6 - 0.8га етади. Бу тартиб уюмлар билан қатлам энергияси шакланадиган вилоятлар орасида гидродинамик боғланиш мавжудлиги, уюмнинг бу вилоятларга яъни жойлашганлиги, маҳсулдор қатламларнинг яхши ўтказувчалиги ва изчилиги, уюмлар олинган углеводородлар ўрнига ер ости сувларининг кириши билан ажралиб туради. Буларнинг барчаси бошланғич қатлам босимларининг узоқ муддат сакланишини ва углеводородларни олишнинг юкори суръатларини, натижада уларнинг ер бағридан тўлароқ қазиб олинишини таъминлайди. Шуни таъкидлаш жоизки, суюқ углеводородларнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини хисоблашда ишлаш тартибини башорат қилиш, алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир, чунки уларнинг қазиб чиқариш коэффициенти кенг миқёсда ўзгариб, эриган газ тартибида 0.2-0.3гача пасайди. Қазиб олиш

коэффициентини ҳисоблаш усуларидан бири коэффициентли деб атaluвчи усулдир. У нефтни сув билан сиқиб чиқариш, қатlamни сув билан бостириш ва камраш коэффициентларининг кўпайтмасига тенг. Бу коэффициентларни аниклашда ҳам тажрибахоналарда, ҳам кон-гидро-динамик йўллар билан ўтказилган гидрогеологик тадқиқотлар натижаларига таянилади. Бундай гидрогеологик маълумотлар углеводород хом ашёларнинг олинадиган захираларини ҳисоблашда жуда зарурдир.

3-§. Углеводород хом ашё конларини ишлашда гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш

Даставвал шуни назарда тутиш керакки, углеводород хом ашёларининг конларини ишлаш уларга техноген таъсир этиб, амалда уларни бузиш демакдир. Кўп ҳолларда бу бузилиш углеводородлар уюмига ер ости сувларининг кириб бориши билан белгиланади. Углеводородлар уюмлари билан ер ости сувларининг ўзаро таъсирини ўрганиш бу кириб боришнинг бир текисда содир бўлишини назорат қилиш ва сувланиш "тиллари"нинг ҳамда уюмда углеводородлар "қолдик"ларининг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик имконини беради. Бундай ўрганиш асосида ишлатиш кудукларини оқилона жойлаштириш, кудукларнинг энг маъкул дебитлари, ишлатиш кудукларидан углеводородларни олишнинг ўзаро таъсири (кудукларнинг ўзаро таъсири), қатlam босимлари ва бошқа шартларни кўллаб туриш зарурати аникланади. Оқибатда буларнинг ҳаммаси конларни ишлашнинг оқилона тизимини таъминлайди.

Гидрогеологик маълумотлар қатlam босимини саклаш учун сув бостириш усулини кўллаш шароитларида айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда гидрогеологик маълумотларсиз ечилиши мумкин бўлмаган бир қатор масалалар: сув билан таъминлашни лойихалаш, сув бостиришни назорат қилиш ва уни бошқариш,

кудуклардан суюқликларни жадаллаштирилган тарзда олиш шароитлари ва шу кабилар туғилади.

Ишлашнинг табиий тартибида қатлам сувларининг кириб бориши натижасида уломнинг сувланиши юз беради. Бунда сунъий сув бостиришга нисбатан табиий гидрогеологик шароитлар камрок бузилади, чунки сунъий сув бостириш вақтида қатлам сувларидан кимёвий таркиби билан фарқ қилмайдиган сувлар ишлатилади.

Сув бостиришда ер ости ва сизот сувлари, шунингдек саноатнинг оқава сувлари ҳам ишлатилади. Бунда қатлам сувларига ўхшаш бўлган ер ости сувларидан фойдаланишни энг оқилонаси ҳисобланади. Аммо амалиётда бундай шароит доимо учрайвермайди. Бунда сув таъминлаш учун маҳсулдор бўлмаган қопқонлардаги сувлардан фойдаланиш мақсадида ҳайдовчи кудуклар қазиш тақазо этилади, чунки кўшни конлардаги қатлам сувлари ишлатилса, улардаги қатлам энергиясига путур етади. Кудуклар қазилаётган районда ҳамма вакт ҳам саноат корхоналари учрайвермайди, саноат оқава сувлари ҳам бўлмайди. Шунинг учун сув бостиришда сизот сувлари ва устки унумсиз горизонтлар сувларидан фойдаланилади.

Маҳсулдор қатламга кимёвий таркиби бошқача бўлган сувларнинг кириши ўринисиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, қатлам сувларига денгиз сувлари кўшилса кальцит ажралиб чиқиши, сизот (юзаки) сувлари кўшилса олтингугуртводород ҳосил бўлиши ва олтингугуртнинг чўкиши, ишқорий сувларнинг коллектор жинслардаги гилли минералларга таъсиридан гиллар кўпчиши (бўкиши) мумкин. Булар қатламлар ва кудукларнинг ишлатиш хусусиятларининг ёмонлашишига, мустаҳкамловчи қувурлар, ҳамда ер усти ускуналари - металларининг занглашишига кудукдаги цементли ҳалқанинг бузилишига ва ҳоказоларга сабаб бўлади. Шу сабабли гидрокимёвий жараёндаги бундай ноxуш оқибатларнинг олдини олиш учун қатламларга ҳайдаладиган сувларни танлаб олиш тавсия этилади. Агар қатлам сувлари хлор-кальцийли турга мансуб бўлса, сульфатлари нинг микдори кам бўлган техник сувлар ёки улар

сульфат-кальцийли турда бўлса, гидрокарбонатлари кам бўлган сувлар танланади.

Фойдаланиш учун танлаб олинган техник сувлар таҳлил қилиниб, улардаги эримаган майда заррачалар, каллоидлар ва суст эрийдиган моддаларнинг микдори аниқланади. Техник ва қатлам сувларининг аралашиш жараёнларини тажриба йўли билан мувофиқлаштириш энг мақбул усул ҳисобланади, чунки у туз ҳосил бўлиш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради. Агар техник сувлар танлови чекланган бўлса, мавжуд бўлган уларнинг турлари сифат жиҳатидан қониктирмаса, қатламга ҳайдаш олдидан сувларни тайёрлаш бўйича тадбирлар ўтказиш лозим. Бундай тадбирларга сувларни тиндириш ва сузиш, тозалаш, уларга максус танлаб олинган ингибиторлар, сирт фаол моддалар кўшиш ва шу кабилар киради. Агар техник сувларни ана шундай ишлаш ҳам кийин кечса, зарарли оқибатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш керак. Бундай тадбирларга қудукдаги тузли тикинларни ювиш, зангламас асбоб-ускуналарни кўллаш ва шу кабилар киради.

Гидрогеологик маълумотлардан фойдаланмасдан туриб қудуклар ва уюмларни сув босиши устидан назорат қилишни, ҳамда хоҳ табиий, хоҳ сунъий сув бостириш жараёнининг назоратини бошқариш мумкин эмас. Гидрокимёвий маълумотлардан фойдаланиш кон чегараларидан ташқаридаги остки ва қатлам сувлари ёки техник сувлар кимёвий таркибларининг фарқини аниқлаш демакдир. Одатда нефть уюмларидаги сувлар юкори даражада минераллашган ва кам сульфатлашган бўлса, газконденсат уюмларининг сувлари эса, кам даражада минераллашган ва хлоридлашган бўлади. Қудукдардан углеводородлар билан бирга олинаётган сувлар кимёвий таркибларининг ўзгариши бўйича уюмларнинг сувланиш ёки сув босиши тезликлари ҳамда йўналишлари тўғрисида фикр юритиши мумкин. Бунинг учун аралашаётган сувларнинг мутаносиблигини ҳисоблашга асосланган турли услублар ишлаб чиқилган. Ишлаш жараённада қатлам босимларининг ўзгаришига ва ер ости сувларининг келтирилгай босимларига, қатламнинг ўтказувчанлиги,

суюқлик ва пъезоўтказувчанлиги түгрисидаги маълумотларга қараб кудукларнинг ўзаро таъсир этиши миқёслари, фаоллиги ҳамда сувланиш ёки сув босиши зоналарининг тарқалғанлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Гидрогеологик назорат маълумотлари ишлатиш кудукларининг жадаллигини бошқаришда асос бўлиб хизмат қиласди.

Гидрогеологик маълумотлар асосида кудуклардан суюқлик олишнинг жадаллаштирилган усулини қўллаш шароитлари ва имкониятлари аникланади. Юқорида қайд этилганидек, конларни ишлашнинг сўнгти натижаси бўлиб, уларнинг сув босиши ҳисобланади. Натижада қолдик захираларини, айниқса нефтни қазиб олиш вазифаси туғилади. Нефтни сув билан бирга олишнинг жадаллаштирилган усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган гидродинамик шароитларни, яъни кудукларда баланд динамик сатҳлар, ишлашнинг сув тазийикли тартиби, кудукнинг юқори (90%дан ортик) сувланганлиги, маҳсулдор қатлам жинсларининг сиздириши ҳар хиллиги ва бошқаларни, биринчи бўлиб профессор В.Н.Щелкачев аниклаб берди. Ҳозирги вақтда коннинг гидрогеологик хусусиятларини ҳисобга олишда бу шароитларни чеклаш (торайтириш) чоралари кўрилмокда. Жумладан, Ф.Собировнинг фикрича, маълум бир гидрогеологик шароитларда нефть уюмларини ишлашнинг дастлабки босқичларидаёқ қудукдан суюқлик олишнинг жадаллаштирилган усулини қўллаш мумкин экан. Бунда кудукларнинг сувланганлиги 60-70% га етаркан.

3-бөб. ЙҮЛДОШ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ГИДРОМИНЕРАЛ ХОМ АШЁ СИФАТИДА

Табиий сувлар инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, энг зарур фойдали қазилмалардан бири бўлиб ҳисобланади. Улар ичиш, майший эҳтиёжлар, далаларни сугориш ва саноат ишлаб чиқариш, энергия ва қымматли кимёвий моддалар олиш, даволаш учун ва бошқа мақсадларга ишлатилади. Шунинг учун табиий сувлар, улар қатори ер ости сувлари гидроминерал хом ашёнинг мустақил тури бўлиб ҳисобланади.

Углеводород хом ашё конларини излаш, қидириш ва ишлашда ер ости сувларига одатда қўшимча кераксиз маҳсулот сифатида қаралади. Излов кудукларидан уларнинг олиниши қопқоннинг маҳсулдорсизлигидан дарак беради, нефть-газли қатламларнинг сувга тўйиниши жинсларнинг фазовий ўтказувчанигини пасайтиради, сувнинг углеводородлар уюмига кириши кудукларнинг сувланишига ҳамда углеводород хом ашё олишнинг пасайшишига олиб келади. Лекин ер бағридаги фойдали қазилмаларнинг барча мажмуудан оқилона фойдаланиш учун ер ости сувлари гидроминерал хом ашё сифатига эга бўлиб, улар углеводородларга ҳамроҳ бўлади.

Фойдаланиш нуқтаи назаридан ер ости сувлари чучук ва минералли гурухларга бўлинади. Минерал сувлар ўз навбатида даволаш, саноат ва термал турларига ажралади.

1-§. Чучук сувлар

Минералланиш даражаси 1г/лдан кам бўлган сувлар шартли равишда чучук ҳисобланадилар. Чучук сувнинг кўпроқ қисмини одамлар ер юзидағи сув ҳавзаларидан - дарёлар ва қўллардан оладилар. Аммо бу сувлар ер юзида жуда хотекис тарқалган. Табиий сувларнинг ҳамма массасининг 1,9%-ини ташкил қилган чучук сувлар кўпроқ музликларда (84% ёки 24млн.куб.км) тўпланган. Куруқликнинг 60%-ини ташкил қилган чўл ва

саҳроларда чучук сувнинг танқислиги доимо сезилиб туради. Бу камчилик нафақат сайёрамиз аҳолисининг кўпайиши, балки саноат ва сугориладиган дехкончиликнинг йил сайин жадал ривожланиши билан боғицидир. Бир одамнинг бир йиллик ҳаёт фаолиятига қарийб 2700 m^3 сув талаб қилинади. 1 тонна қофоз ишлаб чиқариш учун эса - 1000 m^3 , 1 тонна пахта етиштириш учун 7500 m^3 , 1 тонна гўшт учун - 20000 m^3 сув керак. Бунинг устига чучук сувлар, саноат корхоналарининг оқава сувлари, қишлоқ хўжалик ерларини ювиш сувлари, шаҳарларнинг маиший - хўжалик сувлари билан тобора кўпроқ ифлослангаётганини кўриш лозим. Оқава сувларнинг бир m^3 эса $40\text{-}60\text{ m}^3$ -гача бўлган тоза сувни ифлослантиради. Чучук сувларнинг бу қадар ифлосланишига ГФР дарёларга ҳар йили 17 млн m^3 чиқиндилар ва зарарли кимёвий моддалар ташланишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чучук сувлардан ҳаддан ортиқ жадал фойдаланиш қандай экологик фалокатларга олиб келишини Орол денгизи мисолида кўриш мумкин.

Кайд этилгланларнинг барчаси ер ости чучук сувларидан фойдаланишнинг канчалик аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Яқин вақтларгача бу сувлар истеъмолдаги сувлар умумий ҳажмининг атиги 5%-ини ташкил қилас эди. Ҳозирги вақтда у 25%-га етди. Ўзбекистон Республикасини сув билан таъминлаш балансида эса 50%-га етди. Аммо углеводород конларида ҳамроҳ сифатида учрайдиган ер ости чучук сувларининг аҳамияти жуда паст даражададир. Бунинг сабаби йўлдош сувлар орасида намакобларнинг устуворлигига эмас, балки йўлдош чучук сувлардан фойдаланиш имкониятларига эътиборсизлик билан қарашдир. Чунки бу фойдаланишга зарур бўладиган кўшимича харажатлар углеводородлар конларини излаш, қидириш ва ишлаш учун режалаштириладиган маблағлар таркибиға кирмайди.

2.§ Саноат сувлари

Таркибида етарли микдорда фойдали компонентлари бўлган, олиш ва қайта ишлаш натижасида зиён келтирмайдиган минерал сувлар *саноат сувлари* деб аталади. Ҳозирда ер ости сувларидан йод, бром, бор, магний, ош тузи, калий ва натрий сульфатлари ва бошқа моддалар олинади. Бу моддаларнинг микдори, агар уларни олиш фойдали ҳисобланса, кондицион дейилади. У шартли равишда қўйидаги микдорларда аниқланади (мг/л ҳисобида): йод-10, бром-200, бор оксиdi-250, магний-100, стронций-300, литий-10, рубидий-3, цезий-0,5, германий-0 05. Бу микдорларнинг шартлилиги қазиб чиқаришдаги техник имкониятлар ва иқтисодиётнинг уларга бўлган эҳтиёжи билан боғликдир. Ер ости сувларини йўлдош саноат сувлари сифатида баҳолашда улардаги фойдали компонентлар микдорининг кондиционлигини аниқлаш билангина чегараланиш керак эмас. Бу сувлардан фойдаланишни техник иқтисодий асослаш учун уларнинг саноат аҳамиятидаги заҳираларини ҳамда уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашга кетадиган ҳаражатларни баҳолаш кам аҳамиятга эга эмас. Ҳозирги вақтда фақатгина нефть ва газ билан бирга олинадиган сувлар шундай баҳоланади. Бунинг сабаби шуки, углеводород хом ашёни қазиб чиқариш вазифаси ўта муҳим ҳисобланади ва уни ечиш учун уюмлар сунъий равишда сув билан бостирилади. Бундай қатламдан сув олиш ўрнига унга сув ҳайдалади. Бундан ташқари ер ости сувларининг саноат заҳираларини ҳисоблаш учун гидрогеологик жараёнларни ўз ичига оладиган узоқ муддат давом этувчи маҳсус гидрогеологик тадқиқотлар ўтказиши талаб этилади. Бундай ишлар ер ости сувлари ҳамроҳ сифатида эмас балки фақат асосий гидроминерал хом ашё сифатида қидирилганда гина бажарилади.

3-§. Иссик сувлар

Ҳарорати 35 °C дан юқори бўлган минерал сувлар *термал сувлар* деб аталади. Амалиётда фойдаланиш

хусусиятларига қараб бу сувлар иссилик-энергетик (электр энергиясини ишлаб чиқариш учун) иссилик-техник (иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун), хўжалик-маиший (технологик, майший ва тозалик эҳтиёжлари учун), шифобахш (даволаш ва спорт-согламлаштириш мақсадлари учун) турларга бўлинади.

Геотермал ва гидротермал электр станцияларида ишлатиладигай иссилик-энергетик сувлари ЭНГ муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай станциялар АҚШ, Италия, Япония, Исландия, Янги Зеландия, Руссия ва бошқа мамлакатларда ишлаб турибди. Бунда сувларнинг ҳарорати 100°C ва ундан ортиқ бўлса, етарли ҳисобланади. Иссиклиги ундан камроқ бўлган сувлардан одатда шаҳарларни (Париж, Тбилиси, Нальчик, Рейкьявик ва бошқалар) ҳамда иссиқхона, гулхоналар, кишлоқ хўжалик фермаларини (Тошкент, Магадан ва бошқа шаҳарлар) иситишида, шунингдек баъзи шаҳарларнинг ҳамомларида фойдаланилади.

Аммо саноат сувлари учун юқорида кўрсатилган сабабларга кўра термал сувлардан фойдаланиш ҳам уларнинг асосий фойдали қазилгма деб баҳоланмаслиги билан чекланган.

4-§. Даволаш сувлари

Ўзларининг физик ва кимёвий хусусиятлари жиҳатидан инсон организмига фойдали таъсир этувчи ва биологик фаол моддалари бўлган минерал сувлар *д а в о л а ш* сувлари деб аталади.

Кўлтаниш усулига қараб даволаш сувлари ичиладиган ва чўмиладиган турларга ажralади. Минералланиши 15г/л гача бўлган, шифобахшлик меъёрларга мос микдорда, таркибида биологик фаол компонентлари бўлган сувлар ичимлик сувлар туркумига киради. Масалан, фторнинг микдори 5мг/л гача, органик моддалар 10г/л гача бўлган ва шу каби сувлар. Чўмиладиган сувларнинг минераллашганлиги 15г/л дан ошади ва улар терига қичиштирувчи таъсир кўрсатади.

Биологик фаол моддаларнинг микдорига қараб *темирли* (темир ионинг микдори 20мг/л дан ортиқ), *йодли* (5мг/л дан ортиқ), *бромли* (25мг/л дан кўпроқ) ва шу каби сувлар ажратилади. Устувор газ компоненти бўйича эса карбонат ангидридли (CO_2 -нинг микдори 0.5г/л дан кўпроқ), олtingутуртводородли (H_2S -нинг микдори 10мг/л дан ортиқ), *радонли* (Rn -нинг микдори 50дан кўпроқ). Улар совук (10°C дан кам), илиқ ($20\text{-}35^{\circ}\text{C}$) ва *термал* (35°C дан кўпроқ) бўлиши мумкин.

Умуман олганда, ер ости сувларидан ҳамроҳ гидроминерал ҳом ашё сифатида фойдаланиш масалалари ҳали тўлиқ очилмаган. Баъзи хорижий мамлакатларда сувда эриган углеводород газларидан фойдаланиш борасида кўпроқ тараққиётта эришилган. Бундай тажриба Италияда, Непалда ва Японияда бўлиб, у ерда газ микдори 1.1-2л/л бўлган миоцен ётқизикларидағи сувли горизонтлар ишлатилади. АҚШда газ омили 7л/л ва маҳсул микдори кунига 3 минг куб.м. га етган ер ости сувларидан углеводород газларни ажратиб олиш фойдали деб хисобланади. Бунда асосий щарт қилиб шу нарса таъкидланадики, коллекторда ҳарорати 150°C дан ортиқ ва минераллашганилиги 60г/л дан камроқ бўлган 12куб.км. сув бўлиши керак. Собиқ СССР худудининг ер бағирларида сувда эриган углеводород газларнинг заҳиралари 4 минг km^3 га тенг деб баҳоланади, аммо бу улкан заҳиралардан фойдаланиш масалаларига амалда тегишли даражада эътибор берилмайди.

4-боб. НЕФТЬ ВА ГАЗ ГИДРОГЕОЭКОЛОГИЯСИ

Нефть ва газ гидрогоээкологияси, нефть-газ гидрогоээкологиясининг бир бўлими бўлиб, унда ер ости сувларининг атроф-мухитга таъсири натижасида рўй берадиган кераксиз оқибатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари қўрилади. Бу оқибатларга икки нуқтаи назардан қараш керак. Биринчиси кудуклардан ер ости сувларини олиш натижасида атроф-мухит ифлосланишида акс этса, иккинчиси техноген жараёнлар таъсирида ер ости сувларининг ифлосланиши ва нефть-газ-сувли қатламларни ишлатиш хусусиятларининг ёмонлашишида намоён бўлади.

Табиий сувлар атроф-мухитнинг бир қисмидир. Инсон фаолияти натижасида юкори геосфераларга салбий техноген таъсиrlар борган сари кучаймокда, атроф-мухитнинг табиий ҳолатини бузмокда. Бу бузилишда углеводород конларини излаш-қидириш ва айниқса, излаш бўйича ўтказиладиган ишлар сезиларли аҳамиятга эгадир. Бу ишларни ўтказишида атроф-мухит муҳофазаси муаммолари ҳозирги вактда умумий тус олмокда.

Ер ости сувларининг муҳофазаси деганда инсонлар фаолиятида фойдаланиш имконини берадиган, уларнинг сифат ва микдорий ҳолатларини саклаш тадбирларининг мажмую тушунилади. Соддороқ қилиб айтганда, ер ости сувларини ифлосланишдан ва қуриб қолишдан саклаш лозим.

Ер ости сувларининг камая бошлиши уларнинг маҳсулдорлиги ва қатлам босимларининг пасайишида акс этади. Ер ости сувларидан асосий фойдали қазилма сифатида фойдаланилганда бу жараёнларнинг содир бўлиши мукаррардир. Углеводород конларини ишлашда ер ости сувларининг камайиши камроқ дараражада содир бўлади. Кудукда сувли қатламларни сифатсиз беркитиш жуда катта зарар келтиради. Чунки бунинг оқибатида назорат қилиб бўлмайдиган қатламларро оқиб ўтишлар, айниқса қудукларда сувларининг очик, узоқ давом этадиган фаввораланиши содир бўлади. Шунинг учун қудукда

сувли қатламларни бир-биридан ишончли ажратиб қўйиш ва қудуклардан сувнинг узок вақт оқиб чиқишига йўл қўймаслик ер ости сувларини камайиб кетишидан сақлаб қолишнинг асосий тадбирлари бўлиб ҳисобланади.

Ер ости сувларининг ифлосланиши улар сифатларининг фойдаланиш учун яроксиз ҳолга қолишида акс этади. Нефть-газли вилоятларда ер ости сувларининг ифлосланиши учун асосий манбалар бўлиб қудуклар ва ер усти иншоотлари ҳисобланадилар. Ер ости сувларининг ифлосланиши қудукларни сифатсиз қазища, ҳаддан ортиқ тазиик натижасида қатламга юувчи суюқлик кирганда, сувли қатламлар сифатсиз ажратилиб қатламларо оқиб ўтишлар содир бўлгандага ва қатлам энергиясини сақлаш маҳсадида қатламларга техник сув ҳайдалгандага рўй беради. Саноат оқавалари, юувчи суюқликларни тўпловчи ва нефть омборларидан иборат бўлган ер усти иншоотларидан, агар улар ер ост гидросфераларидан сифатли ажратилмаган бўлса, ер ости сувларига турли туман моддалар ва кимёвий бирикмалар сизиб ўтиб, ҳаттоқи бу иншоотлардан анча узоқ масофаларда ҳам ер ости сувларини ифлослантириши мумкин. Бу жараён айниқса нуқсонли ва ташландик қудукларда ҳамда бартараф қилинган қудуклардаги мустаҳкамловчи кувурлар чиқариб олинганда кескин кечади.

Ёр ости сувларининг ифлосланишида микдорий кўрсаткич бўлиб уларнинг кимёвий таркибларидаги маълум компонентларнинг йўл қўйиладиган имконий жоиз тўйинганлик (ИЖТ) меъёрлари ҳисобланади. Нефть-газли туманлардаги ер ости сувларидан фойдаланиш шартлари учун бундай меъёрлар ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли тахминий баҳолаш учун санитария - майший сувдан фойдаланиш ҳавзаларидаги сувларда йўл қўйиладиган зарарли моддаларнинг ИЖТ меъёрлари кўлланади. Мисол сифатида йўл қўйилиши мумкин бўлган ИЖТ меъёрларини келтириш мумкин (мг/л ҳисобида): нефть-0.3 (агар нефть олтингугуртга бой бўлса-0.1), ароматик углеводородлар-0.5, нафтенли кислоталар-0.3, кўргоншин, мис, никел-0.1, симоб-0.005,

феноллар-0.001, сульфидлар, озод хлор, тетраэтилкүрғошин бўлмаслиги шарт.

Ер ости сувларини ифлосланишдан сақлаш учун кураш, уларнинг олдини олиш тадбирларидан бошланиши лозим. Бу тадбирларга ифлослантириш имкониятлари бўлган манбаларни ўрганиш, кузатиш жойларини ташкил қилиш, оқава ва чиқиндишларни тозалаш ҳамда улардан фойдаланиш, қудуклардаги ва ер усти иншоотларидағи ажратиш ишларининг сифатини назорат қилиш ва шу кабилар киради. Ер ости сувларининг ифлосланиш босқичида уларни муҳофаза қилишнинг асосий усуллари бўлиб, қудуклардаги сувли қатламларни, ифлосланган сувлар ҳамда нефть маҳсулотларининг ер усти омборларини қўшимча ажратиш, нефть уюмларини сув бостиришда, сувлардан ёпиқ цикл бўйича фойдаланиш, ифлосланиш манбалари атрофида ҳайдовчи қудуклардан иборат юкори босимли тўсиқ (барраж)ларни яратиш ёки унинг акси ўлароқ, - сув олгич билан ифлосланиш манбаси орасида қазилган маҳсус қудукларда ифлосланган сувни чиқариб ташлаш (дренаж) ва бошқалар ҳисобланади. Ер ости сувларида ифлослантирувчи моддалар микдори кўрсатилган меъёrlардан анча ошик бўлса, ўта заҳарли моддалар микдори эса бу меъёrlар чегарасида бўлса, бу сувлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Охирги вактларда геологик мухитни ер ости сувларидан муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Маълумки, майдонларни бурғилаш учун тайёрлашда асосий усул сейсмик усул бўлиб, бунда кўпинча ер юзида портлатиш ишларини ўтказиш тақозо этилади. Қудук сейсмо-қидириув усули қудукларни тадқиқот қилиш усули бўлиб ҳисобланади. Бурғилаш-портлатиш ишлари натижасида сейсмик қидириув ишлари олиб борилаётган ҳудудда сувтўсар қатламларнинг мустаҳкамлик хусусияти ҳамда қудукдаги сувли қатламларнинг бир-биридан ажратилганилиги бузилиши мумкин. Булар турли кимёвии таркибдаги ер ости сувларининг ўзаро таъсирига ҳамда 2-бобнинг 3-ғда қайд этилган нохуш ҳолларга, шунингдек тоғ жинсларининг ва юза сувларининг ифлосланишига олиб келади.

Бунда атроф-мухитни мухофаза килишининг усууларидан бири портламас сейсмик қидирув ишлариниң кўллаш хисобланади ва у, айниқса, аҳоли яшайдиган ва сугориладиган ерларда кўл келади. Литосферанинг юқори қисми ва юза гидросферасининг кенг миқёсда геологик ўзгаришлари углеводородларнинг конларини қидириш ва айниқса, ишлаш босқичларида рўй беради. Буларга қудукларнинг очиқ фаввораланиши қудукни қазиша юувучи суюкликлар ва тампонаж қоришмаларнинг ошиб кетиши, рельефнинг ўзгариши (ер сатҳининг чўкиши), углеводородларнинг конларини ишлашда ўюмларга ер ости сувларининг бостириб киришидан ҳосил бўладиган зилзилалар киради,

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда нефть-газ гидрогеоэкологияси масалаларни ўрганишни ўзи бошланғич босқичдадир. Шунинг учун номаъкул ҳодисаларнинг олдини олиш ўрнига улар билан қурашишга тўғри келмоқда. Бу аҳвол, айниқса, давлатлараро мувофиқлаштирилган гидрогеологик тадқиқотларнинг бузилиши ёки умуман йўқлиги шароитларида янада чукурлашади, зоро бу муаммолар барча геологик муаммолар каби қамрови кенг хусусията эгадир.

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ ВА ГАЗ ГИДРОГЕОЛОГИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ БҮЙИЧА ОЧЕРКЛАР

Геология билимларининг пайдо бўлиши, жумладан, шу соҳа илмларининг ҳам инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари билан боғлангандир. Ўзбекистоннинг куруқ иқлим миңтақасида жойлашганлиги, унинг худудида жуда қадим замонлардан бошлаб ер ости сувларини кўшимча сув манбаи сифатида фойдаланганликларидан далолат - сувни ичишга, ҳайвонотни сугоришга ва экинларга ишлатганлар. Бу соҳада биринчи илмий геологик ишлар бошланиши ўрта асрлар буюк олим Абу Райхон Беруний (XI аср)га бориб тақалади. Унинг асарларида Фарбий Ўзбекистон, Устюрт миңтақаси сувларидаги мавжуд харакатлар, босимларнинг тақсимланиши ҳамда сувли қатламларнинг тарқалиши хусусида маълумотлар берилади.

Ўзбекистон худудида гидрогеологик тадқиқотларнинг бошланиши XX-аср бошларига тўғри келади. Жойдан-жойга кўчиш (Переселенческий) болқармаси қошидаги ер бўлими экспедицияларининг фаолияти ер ости сувларини ўрганиш билан чегараланмаган. Республикаизда гидрогеологик фанга асос солган рус олими О.К.Ланге ҳисобланади. У киши раҳбарлигига тадқиқотлар олиб борилиши билан бирга 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Тошкент Миллий Университети қошида гидрогеолог мутахассислар тайёрлаш билан ҳам шуғулланганлар. Ўзбекистонда гидрогеологик тадқиқотларнинг жадал ривожланиши республика худудида чўл миңтақаларини ўзлаштириш билан чамбарчас боялик. Бунда Қизилкум ўлкаси, Мирзачўл, Карши чўллари ва Фарғонадаги Ёзёвон чўлларини ўзлаштирилишини кўзда тутмокдамиз. Бу ишлар асосан республикада пахтациликнинг ривожланиши билан боғланиб кетади. Бу ишларни амалга оширишда мутахассислар М.М.Крылов, Н.А.Кецесарин, В.А.Гейтц, Н.А.Ҳожибоев ва Х.Т.Тўлагановларнинг хизматлари бекиёсdir.

Фарғона водийсидаги Чимён ва Салъсаҳро худудларида қазилган кудукларда нефтдан ташқари қатлам сувларининг мавжудлиги XX аср бошларида ёқ маълум эди. Ундан нефть билан бирга чиқсан сувларни гарчи баъзи ҳолларда улардан аҳоли томонидан соғломлаштириш мақсадларида фойдаланишган бўлсалар ҳам, кераксиз маҳсулот сифатида ташлаб юборилар эди. Фарғона водийсидаги Шўрсув ва Андижон туманларидағи конларида нефть билан бирга чиқадиган сувларга кераксиз маҳсулот сифатида қараваш кўп йиллар мобайнида давом этди. Бундай ҳолат Сурхондарё худудларида ҳам давом этар эди. Лекин XX- асрнинг 20-40 йилларда дунё нефть саноати тажрибасида нефть конлари сувларининг кимёвий тахлиллари натижасида нефть қидириш ишларида фойдаланиш амалга оширилмоқда эди. Ўзбекистонда нефть конларидағи сувларнинг кимёвий таркиби ва кудуклардаги сувларнинг заҳираси хусусидаги унча тўлик, бўлмаган маълумотлар И.Т.Литроннинг ва С.М.Кисилев ва бошқаларнинг ишларида кузатилади. Ундан ташқари В.А. Сулиннинг 1935 йилда эълон қилинган машҳур монографиясида бундай маълумотлар ҳам мавжуд эди. Нефть саноати гидрогеологиясиға ҳакиқатдан ҳам ўша асар асос бўлиб киёсланади.

1950-60 йилларда Фарғона водийси ва Сурхондарёда нефть чиқаришнинг жадаллашуви ва бу ишларни "ЎртаОсиёнефть" (СредАзнефть) бирлашмасининг бошқаруви ўша жойлардан нефть конлари сувларининг кимёвий таркибини ўрганиш тизимли равишда олиб боришга эришиди. Бу ишларнинг натижаси Кўкондаги марказий илмий тадқиқот лабораторияси ҳисобларида ўз аксини топади. Шу ишларга асосланган ҳамда Е.А.Равикович нефть конлари сувларини "типик ёки нотипик" эканликларини аниқлашга имкон бўлади. Бунда сувлар ўзининг таркибida эриган тузлар микдорига (минирамализацияси), уларнинг полимер кўрсаткичларига мослиги, Сулиннинг генетик турларига мослиги, улар таркибida йод, бром, олтингурут водородининг мавжудлиги ва бошқа кўрсаткичларига қараб туркумланади. Яна Фарғона

водийсидаги нефть конлари ва нефть-газли қатламлар сувларининг гидрокимёвий маълумотлари бўйича ҳам туркмланади ва бу ишда горизонтларнинг гидрокимёвий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон нефть конлари сувлари ва умуман Ўрта Осиё региони бўйича қатлам сувларининг маҳсус илмий тадқиқотига бағишланган ва чоп қилинган иш В.А.Бедернинг иши бўлиб, у 1949 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг геология ва гидрофизика институтининг тўпламларида ўз аксини топган.

Ўша муаллифнинг асари ва бундан кейин эълон қилинган ишларда Фаргона водийси, Сурхондарё ҳамда Бухоро-Хива ўлкалари нефть конлари сувларини тадқиқ қилишда ва улардан нефть-газлилик хусусидаги башпоратлашларда фойдаланишган. Е.А.Равикович ва В.А.Бедер ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон нефть-газ гидрогеологияси фанининг асосчилари ҳисобланадилар.

1960-1970 йиллар мобайнида республика миқёсида нефть-газ конларини кидириш ишлари ривожланиши натижасида Бухоро-Хива ўлкаси худудида янги нефть-газли худудлар топилиши гидрогеология бўйича маълумотларнинг такомиллашувига олиб келди, сувларнинг гидрокимёси ва гидродинамикаси хусусидаги маълумотлар ўрганилади. Бу С.П. Курсаков, Е.В.Иванов, С.А.Пак, Л.М.Саловъева ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топади. Натижада Ўзбекистон нефтли худудларининг фильтрацион хусусиятлари чуқур ўрганилади. Сувларнинг ҳаракатланиш эҳтимоли мавжуд йўналишларнинг аниқланиши ва уларда углеводородларнинг тўпланиш имкониятларига боғликлигини белгилаш катта аҳамият касб этади. Гидрогеологик маълумотларни умумлаштириш ва улардан нефть ва газли худудларни кидириш ишларида фойдаланиш соҳасида россиялик олимлар катта ёрдам кўрсатадилар. Фаргона водийси бўйича С.И.Симаков, В.Г. Клейнберг ва бошқалар Бухоро-Хива нефть-газли ўлкаси бўйича В.И.Корценштейн, Л.Е.Михайлов ва бошқаларнинг қилган ишларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Ўша мутахассислар сувлардаги органик моддаларнинг мавжудлигига эътиборни қаратганликлари натижасида янги технологияни ишга солиб Фарғона водийси ва Фарбий Ўзбекистон бўйича сувлар таркибида эриган органик моддаларга қараб ўлканинг нефть-газлилигини аниқлаш мумкинлигини исботладилар. Бу ишларни Е.М.Шварц, Б.Б.Митгарц ва В.А.Корценштейн ва бошқалар бажаргандирлар.

1988 йилда ИГИРНИГ институтининг ташкил қилинishi унинг қошида гидрогеологик лабораторияларни очиш имконини яратди. 1959-1961 йиллардаёқ ишнинг биринчи босқичи амалга оширилиб Когон гуруҳ конлари, Газли ва Муборак гурухи конлари бўйича янги маълумотлар асосида пьезометрик минимумларни ва гидродинамик аномалияларни аниқлаш ишлари бажарилади (В.А.Готтильф, В.А.Кудряков, С.Т.Толипов, Т.Н.Авазов, С.Ходдоров ва бошқалар) 1970-80 йилларда лабораторияда Ўзбекистоннинг бутун нефть-газли ўлкалари бўйича органик гидрокимё ва намогидрогеология тадқиқотлари мужассамлаштирадилар. Шу билан биргаликда "Ўрта Осиёнефтгаз" (СредАзнефтгаз) лабораториясида сувларда эриган газларни ўрганиш, геотермик хусусиятлари, конларнинг гидрогеологик режими хусусида тадқиқотлар олиб борилар эди. (В.Н.Пашковский, М.Г.Лубянская, Э.Г.Кудашев, Ю.Н.Зуев, Н.Рахимов ва бошқалар). Ўзбекистон нефть-газ гидрогеологияси тадқиқотларига куйидаги жамоалари ҳам жалб қилинган эди: ВНИГНИ (М.Г.Суббота, С.И.Ларинова ва бошқалар). ИГИРГИ (Е.А.Барс, В.В.Печерников ва б.) ВНИИгаз (П.П.Иванчук, Ю.А.Спевак ва бошқалар). Москва нефть-газ институти (А.А.Карцев, С.В.Вагин ва бошқалар). Чуқурликдаги жинслар гидрогеологиясини ўрганишда умумий гидрогеология соҳасининг мутахассислари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшидилар. Булар А.А.Султонхўжаев, А.С.Балашов, А.С.Ҳасанов, Г.С.Куликов, Д.С.Иброҳимов, Р.Ишонкулов ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ 90-йилларда Ўзбекистон нефть-газли регионларида

углеводород хом ашёсини гидрогеологик модел асосида чамалаш имкони пайдо бўлди.

Бунда ҳажмий генетик усулнинг гидрогеологик варианти билан нефть ва газ захираларини алоҳида чамалаш имконияти туғилди, локал тузилмаларнинг (структуралар) нефть-газлилигини аниқлаш методикаси, углеводородлар заҳирасини саноат микёсида ҳисоблаш ва нефть-газ гидрогеологиясининг амалиётдаги ҳамда назарий масалаларини ҳал қилиш имконияти туғилди.

Ўзбекистондаги нефть-газ гидрогеологияси фанинг ҳозирги ҳолати шундан иборатки, нефть-газ ўлкаларидағи нефть-газли жинсларни (литосфера) флюиддинамик тадқиқотлар қилишга киришилди, республикадаги йирик конларнинг гидрогеологик мониторинги, углеводород хом-ашёсини чамалашнинг ҳажмий генетик усул билан ҳисоблашда маълумотларни компьютерга йиғиш, гидрогеологик маълумотлар асосида локал тузилмаларни нефть-газлилигини чамалаш ва геолого-қидирав ишларини шу асосда олиб бориш имкониятларини яратгандир.

1-БОБ. НЕФТЬ ВА ГАЗЛИ РЕГИОНЛАР ГИДРОГЕОЛОГИЯСИ

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси худудидаги нефть-газли ўлкаларни бешта йирик қисмларга бўлиш мумкин. Улар Ўрта Осиёning йирик сув ҳавзаларини ифодалайдилар. Устюргт ўлкаси Қорақалпогистон ҳудудида бўлиб, шу ўлқанинг текисликларининг бир қисмини эгаллайди. Бухоро-Хива ва Жанубий-Ғарбий Ҳисор Амударё ҳавзасининг Шимолий-Шарқ қисмини эгаллаган бўлиб, тоғ олди текисликларидан иборатdir. Сурхондарё ҳавзаси эса Афғон-Тожик ботикилигининг бир қисми бўлиб, у тоғ оралиқ ҳавзалар турига мансуб. Ғарфона ҳавзаси ҳам Республика ҳудудида шу ном билан аталувчи тоғ оралиқ артезиан бассейнидан иборат.

Ўрта Осиёning литосферасидаги мавжуд моделига риоя қиласак, Ўзбекистон ҳудудида тўргта гидрогеологик қават (этаж) мавжудлигини кўрамиз. Юқори қават мезазой ва кайназой ётқизикларидан ташкил топган бўлиб, улар юқори палеозой ётқизикларидан иборат ва чўкинди-вулканоген жинсларидан ташкил топган. Буларда қатлам туридаги гидродинамик система мавжудлиги кузатилади. Бу ерда регионал сув тўсар қатламлар ҳосил қилган сув босимли мажмуалар, ҳамда ер ости сувлари, аэрация минтақасининг субартезиан сувли қатламлар мавжуддир (17-расм).

Ўрта гидрогеологик қават жинслари пастки палеозой даврига мансуб бўлган ва ундан ҳам қадимги жинслардан ташкил топган ва метафорфикс ва магматик жинслардан иборатdir. Улар юқори мантия жинслари асосли ва ультра асосли жинслар устида бўлиб, гидрогеологик қават ҳосил қилади ва у литосферанинг глобал ҳажмдаги флюид тўскинини ҳосил қилади, деб тахмин қилинади.

Куйи гидрогеологик қават астеносфера қатларига мансуб бўлиб, бунда ўта зичланган буғ-газ флюиди мавжуд деб тахмин қилинади. Чукур узилмалар тизими глобал флюид тўскичи бўлиши натижасида чукурлиқдаги

флюидлар юқори гидрогеологик қаватларга күтарилиши эҳтимолдан холи эмас.



17-расм. 1. Устюорт ўлкаси. 2. Бухоро-Хива ўлкаси. 3. Жанубий-Фарбий Хисор. 4. Сурхондарё ўлкаси 5. Фаргона водийси.


Юқори гидрогеологик қаватнинг тузилиш хусусияти шундан иборатки, у гидрогеологик шароитни белгилайди ундаги углеводород уюмларининг тақсиланишини таъминлайди, гидрогеологик мажмуани тузиш имконини беради. Нефть-газли худудларда ушбу хусусиятларнинг мавжудлиги ва уларнинг бирин кетин алмашиниши ва бу ҳолатнинг текисликдан төғ ўлкалари томон ҳаракатланиши Ўзбекистоннинг регионал нефть-газ гидрогеологиясига асос қилиб олингандир.

1-§. Устюорт ўлкаси

Бу ўлка асосан Қорақалпогистон худудида жойлашган бўлиб, қисман Хоразм вилояти ва Сирдарё вилоятининг бир қисмини эгаллайди. Унинг худудида Шимолий Устюорт артезиан ҳавзаси жойлашган ва

Амударё ҳавзасининг жанубий қисми Орол буи ҳавзасининг шарқий қисми ҳам ўлка худудига киради (18-расм).

Геологические индексы		Бассейны			
		I	II	III	IV
К ₂	Q				
	N	N ₂	Bat		
		N ₁	meg		
		E ₃			
	P	P ₂			
		P ₂			
		P ₁			
		P ₁			
	K	en			
	K ₂	t			
М ₂	см				
	K ₁	арб			
		арс			
		ис			
	J	км - t			
		кс - ах			
		J ₂			
		J ₁			
	T				
P ₂	P				
	C				
	D				
	S				
	O				
	см				



18-расм. Ўзбекистон нефтб-газили ҳавзаларнинг гидрогеологик тузилиши. 1 - сув босимли мажмуалар; 2- регионал сув тўскичлар; 3- локал сув тўскичлар; 4- аэризация зонаси.

Устюорт худудининг катта қисми алоҳида плато (ясси тоғлик)дан иборат бўлиб, улар юзаси оҳактошлар ва юпқа тўртламчи давр ётқизиклари, ҳамда делювиал ётқизиклар билан қопланган.

Худуднинг марказий қисмida геоморфологик жиҳатдан аниқ шаклланган Марказий Устюорт тепалиги

жойлашган. У ҳудудни шимолий ва жанубий Устюрт ботиқликлариға булиб юборади. Бу жойда саноат аҳамиятига молик ётқизиклар юра ва юқори палеозой ётқизиклари ҳисобланади. Йирик конлари - Шахпахти, Куаниш, Оқчелак ва Ургадир. Гидрогеологик қаватининг юқори қисмида аэрация минтақаси ажралади (18-расм). У тўйинган минтақадан юқори қисмида жойлашган гиллимергелли регионал ҳолатда тарқалган сув тутқич билан ажралади. Бу тўсик палеогенниң миоцен бўлимидаги хамда юқори бўр бўлимидаги сенон ётқизиклари мансубдир. Аэрация минтақасида гилли ётқизиклар кам учрайди, лекин шундай бўлса ҳам улар сув тўскич вазифасини бажариб, бутун минтақада ер ости сувларини мавжуд қиласди.

Аэрация минтақасида гидрокимёвий ҳолат асосан литологик, орографик ва иклиний омиллар билан белгиланади. Хусусан, юқори даражадаги куруклик (аридность) гидрокимёвий инверсия (тескари йўналиш) ҳолатини келтириб чиқаради.

Сувларнинг энг юқори минерализацияси (70-80 г/л гача) 10 метрдан кам бўлган чуқурликда аксарият тўртламчи ётқизикларда учрайди. Уларнинг таркиби асосан хлорид-натрий таркибига эгадир. Истисно тариқасида чекка қисмларида учрайдиган, таркиби хлорид-сульфат натрий таркибли ва минераллик даражаси 1,0-1,5 дан 5-7 г/л бўлган сувларни келтириш мумкин.

Сармат ва тартон яруси оҳактошларида сувли горизонтлар гипсометрик юқори участкаларида ер ости сувларининг сатҳи пастлиги билан ажралади (30-90 метргача), уларнинг минераллиги юқори эмас (10 г/л гача) ва таркиби сульфат-натрий-кальцийлидир. Ер ости сувларнинг сатҳи ботган жойларда 10 метр ва ундан камга кўтарилидади, уларнинг минераллик даражаси 30-35 г/л гача боради. Сувнинг таркиби кўпроқ хлорид натрий турига мансуб.

Турон сув сиқуви мажмуасида кум тош горизонтлари кўп учрайди. Улардаги сув микдори паст даражада (2 л/с гача), статик даражада ҳам паст (30-60 м-кудук оғзидан паст). Сувлар минераллиги марказий


Устюрт тепалигига аксарият 10 г/л атрофида бўлиб, бу кўрсаткич чукурлашган сари ортиб боради. Бу ортишлиқ биринчи ўнликкача давом этади, шунинг билан бирга унинг кимёвий таркиби ҳам ўзгариб боради. Ўзгариши сульфат натрий туридан хлорид натрий турига айланади. Мажмуанинг гъезометрик даражаси марказий Устюрт тепалигидан Орол-Кизилқум тепалиги томон регионал даражада пасайиб боради.

Сенон-алп сув сикуви мажмуаси юқорида талқин қилинган гидрогеологик шароитларни қайтаради. Лекин бу мажмуа сувларининг босими бироз юқорилиги билан ажралади. Кудукларнинг аксарияти оғзидан сувнинг тошиб чиқиши билан ажралади. Улар оғзидаги босим кўпинча 0,7-1,1 мПа даражасига этади.

Неоком-алп сув сикуви мажмуаси учун характерли ҳолат шундан иборатки, унда хлор кальцийли шўр сувлар (рассоллар) таркалган. Уларнинг минераллик даражаси 10 г/л дан ортади ва ботиқроқ жойларида 170-180 г/лга етиб боради, натрий хлорид коэффициенти эса 0,75дан ортмайди, лекин Марказий Устюрт тепалигига сувларнинг минераллашуви бироз пасаяди (45-50 г/лгача) ва натрий хлорид коэффициенти 0,84гача ортади. Кудуклар оғзидаги босим 2 МПагача боради, лекин қатлам босими гидростатик босимга teng. Гъезометрик нишаблик юқоридаги ҳолатни такрорлаб, Марказий Устюрт тепалигидан Орол-Кизилқум тепалиги томон пасаяди. Бўр сув сикуви мажмуасида углеводород тўпланиши кузатилмаган бунинг асосий сабаби бўр нефть яратувчи жинслардаги органик моддаларнинг сувларга тўйинтириш даражасига камлик қилганилигидир.

Юра сув сикуви мажмуасида 120-180 г/л минерализацияга эга бўлган хлор-кальций рассолларини асосий қисмини ташкил этади (19-расм). Натрий хлор коэффициентининг микдори 0,6-0,7 атрофида ўзгариб қатлам сувларининг юқори метоморфизацийини ифода этади. Ўта кучли рассоллар (200 г/л ва ундан ортик) ва кичик микдордаги натрий хлор коэффициенти (0,4 гача) мавжудлиги Борса келмас ботиқлиги минтақаси ва Куаниш-Коскола тепалигига (вал) кузатилади. Марказий

Устюрг тепалиги регионал пъезоминимум сифатида сакланади. Ўта кучли намокоблар тарқалган ҳудудларда регионал пъезоминимум аниқ ажралади. Қатлам босимининг аномаллик коэффициенти аксарият 1 дан анча юқори (1,07-1,17) ва факат регионал пъезомаксимум минтақасидагина 1,24 га етади (МЮОFT минтақаси). Юра сув сиқуви мажмуаси қатламлари очилгандан күпинча газ мавжудлиги аниқланган, углеводород уломлари эса Куаниш, Оқчелак, Урга ва бошқа конларда мавжудлиги аниқланган.



19-расм. Устюрг регионин юра сув босими комплексини гидрогеологик схемаси. 1- регионал разлом; 2- келтирилган гидроизопьезалар; 3- минерал сувларнинг гидрокимёвий чегараси; 4-50 дан ортиқ; 5-100дан ортиқ 6- 150дан ортиқ; 7- 200дан ортиқ.

Пермо-Триас мажмуасини яратилишининг сабаби, улар ётган жинслар тепа қисмida гилли материалларнинг кўплиги (50-70%гача) ва юра мажмуасидагидан қатлам

сувларидағи минералларнинг ҳамда метаморфизациясини ортиқроқлигидан. Үшбу мажмұа худудида ўта юқори рассолларнинг (900 г/л дан ортиқ) ва натрий хлор коэффициентининг (0,56-0,65) мавжудлиги күзатылади. Энг юқори рассол (412 г/л гача) ва метаморфизация ($2\text{Na}/2\text{Cl}=0,33$) бўлган ҳолат Коктем майдонида олинган. Энг кам кўрсаткичлар (100 г/л гача) эса Теринкудук майдонида олинган. Шу билан бирга Пермо-Триас сув сикуви мажмұаси пъзометрик юзанинг текислиги ҳамда амалда қатлам босимининг гидростатик босимга тенглиги күзатылади. Фақат Коктем майдонида аномаллик коэффициенти 1,2 тенгдир. Пермо-Триас мажмұасида углеводород үюмлари мавжуд эмас, улар топилмаган.

Устюртнинг палеозой мажмұаси кўп вақтгача артезиан бассейнининг туби деб ҳисобланган. Бунга асосий сабаб терриген-вулканоген қатлам жинсларининг юқори метаморфизацияга дучор бўлганилиги ҳамда улар таркибидаги флюидларнинг мавжуд эмаслигидир. Палеозой ётқизикларининг кудукларда очилган юқори қисмини ўрганиш шу холосани беради. Чунончи, юқори палеозой жинслари метаморфлашган оҳактошлардан иборат бўлиб, улар Бойтерак, Кўкбахти, Ойсуяр майдонида учрайдилар ва Коскала майдонидаги сланецлар. Курлоқ майдонидаги порферитлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда 1971 йилда Коракудук параметрик қудуғини бурғиланганда куйи карбон жинсларини ташкил қилган оз метаморфизациялашган оҳактошлардан нефть оқими олинган эди. Кейинрок марказий Кушқайир майдонида палеозой ётқизикларидан газ оқими олинади. Бундай ҳолат Мурун, Шимолий Кораумбет ва бошқа майдонларда ҳам содир бўлган. Ундан ташқари шарқий Борсакелмас майдонида сув билан нефть оқими олинганилиги маълум.

Кўпгина худудларда нисбатан бўш метаморфизмга учраган карбонат жинслари куйи карбон бўлимига мансуб ва терриген-вулканоген тоғ жинслари карбондан кейинги ва пермнинг дастлабки жинслари эканлигини кўрсатади.

Хозирги кунда Устюрт худудида палеозой жинслари 27 майдонда кудуклар билан очилгандырылган мәйлүм. Улардан күйидагиларида жинслар газ билан шимилгандыр: Оқчелак, Күкчелак, Қорачелак, Бердах, Чибини майдонлари шулар жумласидандыр. Сувли горизонтларнинг мавжудлиги, баъзан маҳсулдор катламларнинг учраши, юқори палеозой кесимини ва терриген-вулканоген қатламларидаги гилл-аргеллит қатламларининг мавжудлиги юқори карбон ва қўйи перм ётқизикларини алоҳида мустақил сув сиқуви мажмуаси деб қарашга имкон беради.

Ушбу мажмуанинг юқори қисмини синаб кўришлар натижаси шуни кўрсатадики, Устюрт худудидаги 49 майдонда уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги мәйлүм бўлади. Юқори палеозой ётқизикларининг нураш пўсти учун ер ости сувларининг аномаллиги қайд этилади. Бу ётқизиклардан олинадиган сув микдорининг катта оралиқда ўзгариши билан ифодаланади. Чунончи, баъзи қатламлар синаланганда уларнинг “куруқ” эканлиги мәйлум бўлса (Коскала, Киндинсой, Абадан ва бошқалар) баъзиларида олинган суюқлик микдори бир неча юз метр кубни ташкил этади (Оқчелак, Фарбий Борсакелмас, Кублачинк ва бошқалар).

Бу ҳолат жинслар ҳажмий фильтрацион хусусиятларининг ўта хилма-хиллигидан далолат беради. Бундай ҳолат кудукларнинг энергетик хусусиятларининг хилма хиллигини ҳам тасдиқлайди. Аксарият кудукларда статистик даражага кудук оғзидан 1,5 -2 км пастда бўлган ҳолда, баъзи майдонларда (Фарбий Борсакелмас, Оқчелак ва бошқалар) қатлам босими гидростатик даражадан 1,2 марта юқорилиги қайд этилади.

Емирилиш юзасида аникланган нефть-газ белгилари эҳтимол эпигенетик характерга эга, лекин сингенетик углеводород тўпламларининг сакланиш эҳтимоли бор ва у юқори палеозой мажмуасининг ички қисмida сакланади. Устюрт худудида излов-қидирав ишларини олиб бориш учун объект юра ётқизиклари ҳамда девоннинг охирги ҳамда карбоннинг дастлабки

ётқизиклари бўлиши мумкин. Бу фикр Борсакелмас тепалиги ва Судоч ботиқлигига тааллуклидир.

2-§. Бухоро-Хива ва Жанубий-Гарбий Ҳисор вилоятлари

Бу худудлар Ўзбекистоннинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига мансубдир. Буларнинг бирлаштиришига асос бўлиб, улар Амударё артезиан бассейнининг шимолий-шарқ қисмидаги тоғ олди-текислик туридаги жойлашганигидир (18-расм).

Худуднинг аксарият қисми текисликдан иборат бўлиб, шимолий-гарб йўналиши бўйича нишабликка эгадир. Ер юзасида улар тўртламчи аллювиал, пролювиал ва деллювиал ётқизиклардан иборат, баъзи жойларда қадимги жинслар ҳам юзага чиқиб қолиши кузатилади. (Альб ярусигача). Жанубий-шарқ йўналишида текислик тоғ олди минтақаси билан алмашинади, Ҳисор тоғларининг жанубий-гарб тармоқлари намоён бўлади ва улар бағрида палеоген, бўр ҳамда юра системаси жинслари кўринади. Худуднинг асосий тектоник элементи бўлиб жанубий-гарб Ҳисорнинг мегантиклинали хизмат қиласи ва у пароград узилма билан Бухоро ва Чоржўй минтақаларидан ажралади.

Бўр ва юра ётқизиклари саноат миқёсида нефть-газлилликка эга бўлган энг катта ҳажмли конлар текислик қисмидаги жойлашган (Газли, Шўртан, Кўкдумалок, Ўртабулок, Зеварди ва бошқалар).

Жанубий-гарб Ҳисор тармогининг юкори тоғлик қисми аэрация минтақасига мансубдир. Бу ерда чучук ер ости сувлари тарқалган ($0,5$ г/лдан озрок). Улар гидрокарбонат натрий-кальций таркибиага мансубдир. Фақат баъзи қудуклардагина кимериж титоннинг гипсли ётқизикларга мансуб бўлган ва минерализация даражаси $3\text{г}/\text{л}$ гача борадиган ва сульфат-калций-натрий таркибиага мансуб сувларни учратиш мумкин. Артезиан бассейнининг ушбу қисми инфильтрацион турдаги ер ости сувларидан иборатдир.

Шимолий-гарб йўналишида жинслар ётишининг чукурлашуви натижасида گрунт сувлари сув тўскич билан қопланган, улар субартезиан сувларига айланади. Фақат тўртламчи ётқизикларнинг аллювиал ва проловиал жинсларида 1-3 метр чукурликда, дарё ва сой ўзанларида эса 20 метргача ва ундан ортиқ чукурликда тоғ олди текисликларида گрунт сувлари сакланади. Ўша сувларнинг минераллашув даражаси 15-35 г/лгача кўпаяди ва сув таркиби сульфат-хлорид-натрий турига айланади.

Тоғ олди текислигидаги неоген, олигоцен жинслар таркибидаги сувлар даражаси пастдир (ер юзасидан 20-40 метр чукурликда). Уларнинг минераллашганилиги 0,5 дан 5-10 г/л гача ўзгаради ва улар таркиби сульфат-калций-натрий туридан сульфат-хлорид-натрий туригача ўзгаради.


Палеогеннинг оҳактошларида ва юқори бўр ётқизиклари қумтошларида субартезиан туридаги шўр сувлар (30 г/лгача) сульфат-хлорид-натрий таркибли бўлиб, уларнинг дебити оз (1 л/с дан оз) ва улар даражаси пастдир (ер юзасидан ўнлаб метрда). Фақат бавзи бир қудукларда сеноман қумтошларида кам минерализацияга эга бўлган (6-10 г/л) оз дебитли сувлар олинган. Уларнинг таркиби сульфат-гидрокарбонат-натрий таркибига эгадир.

Неоком ўёшидаги қумтош ва аллевролитларда шўр сувлар (8-10 г/л гача) хлорид-сульфат-натрий таркибига эгадир. Уларнинг босими қудук оғзидан оқиб чиқишига етади. Айниқса юқори босимли сувлар узилмалар (разлом) минтақасида учрайди, уларнинг минералланиш даражаси 150 г/л гача ортади, сувларнинг таркиби эса хлорид натрий турига айланади. Гидрогеологик аномалия юқори босимли хлор кальций рассолларининг ёриқлар орқали қатламларга кириб келиши билан боғлиkdir.

Кимеридж титон ўёшидаги туз-гипс қатламларида Гаурдак майдонидаги қудукларда ўта юқори даражадаги рассол (400 г/лгача)лар учрайди. Улар қудук оғзидан оқиб чиқади. Ундан пастроқ даражадаги (5-110 г/л) рассоллар пасайган натрий хлор коэффициентига эга. Бундай сувлар келловей-оксфорд оҳактошларидан олингандир.

Фарбий Ўзбекистоннинг белоён текислик ўлкаларида гидрогеологик кесимнинг юқори қисми регионал

масштабда эоцендаги гил-мергелли сув түсқичларо жойлашгандир ва аэрация минтақасини ташкил килади (20-расм). Ушбу минтақага локал гили сув түсқичлар киради. Улар турли минераллашга сувларга эга (1-35г/л) ва уларнинг кимёвий таркиби ўта хилма-хил, улар тўртламчи даврдаги плиоцен бўлими аллювиал ва пролювиал жинслардан иборат, субартезиан шўр сувлар (25 г/л гача) эса асосан сульфат-хлорид-натрий таркибдаги сувлар олигоцен-миоцен қумтош қатламлари дадир.



20-расм. Бухоро-Хива региони юра сув босими комплексини гидрогеологик схемаси. 1- палеозой даври тог жинсларининг кўриниши; 2- регионал разлом; 3- келтирилган гидроизоптьезалар; 4- минерал сувларнинг гидрокимёвий чегараси; 5-50 дан ортиқ; 6-100дан ортиқ; 7- 150дан ортиқ; 8- 200дан ортиқ.

Тўйинганлик минтақасини палеоцен-турон, сеноман-альб ва юра сув сикуви мажмуаси сувли горизонтлари ташкил этади, улар қуий турон ва қуий альб гиллари ва кимериж титоннинг тузли ангидиридли сув тўсқич билан бўлинган, шунингдек пермо-триас ва юқори

палеозой сув сикуви мажмуаси кўрсатилган локал сув тўскич билан уларнинг юкорисидадир. Палеоцен турон сув сикуви мажмуаси текислик худудининг жанубий-шарқ қисмида тарқалгандир. Сув сикуви горизонтлари палеоценнинг оҳактош ва кумтошлари ҳамда сенон-туроннинг оҳактошларида жойлашгандир. Сувларнинг минераллашуви гарбий йўналишда ортади ва у 1-3 г/l ва ундан ортик кўрсаткичга эга ҳамда уларнинг таркиби сульфат-хлорид-натрийдан иборат. Сувларнинг пъезометрик даражаси ҳам шу йўналишда ўзгаради ва у рельеф даражасидан юкори, шунинг учун ҳам қудуклар оғзидан 0,1-15 л/с гача сув чиқади.

Шимолий-гарб йўналишда палеоцен ётқизикларининг карбонатлардан кумтошларга, кейинчалик гилларга фациал ўзгариши кузатилади. Юкори сенон ётқизиклари эса карбонатлардан кумтошларга ўтади. Бу ҳолат кенгликларнинг марказий қисмида палеоцен сув мажмуасининг ўзига мустақил мажмуа ташкил бўлишига олиб келади. Бу горизонтларнинг ер ости сувлари юкори босимли Чоржуй мінтакасида эса қудуклар фаввора ҳолатда ишлайди. Сувларнинг менераллиги унча юкори эмас, уларнинг микдори регионал пасайиш томонга кўтарилиб боради ва 8-18г/l лар орасида ўсади, таркиби эса сульфат-хлорид-натрий кўринишидадир.

Текисликнинг шимолий-гарб қисмининг энг четида эоцен-палеоцен гилли сув тўскич устида сенон-турон сувли мажмуаси ётади, улар гил ва кумтошлар билан аралашдир ва алмашиниб туради. Катламларнинг сувлилиги паст (0,2-0,3 л/с). Сувларнинг минераллиги гарбдан жанубий-гарб томонга ортиб боради ва у 3-10г/l атрофидадир. Пъезометрик даражасининг кўрсаткичи 800 метр жанубий шаркда, 150 метргача шимолий-гарбда ўзгаради. Сувнинг таркиби аксарият сульфат-хлорид-натрий кўринишидадир. Гидрогеологик мажмуа ҳудудида углеводород йигималари учрамайди.

Сеноман-альб сувли мажмуа кумтошлардан ташкил бўлган ва яхши коллекторлик хусусиятларига эга, шунинг учун сувлилик жинсларда юкори. Минераллик даражаси ва кимёвий таркиби сувларда жуда ўзгарувчан, лекин

икки гидрокимёвий минтақанинг аниқ ажралиши кузатилади, уларнинг чегараси Бухоро узилмаси билан чегараланади. Бухоро поғонасидаги сувлар чучук ва озрок шўр сувлардир (1-3 г/л). Уларнинг таркиби аксарият гидрокарбонат-натрий турига ҳамда сульфат-натрий турига мансубдир. Лекин истисно тариқасида локал участкаларида гидрокимёвий аномалиларни келтириш мумкин. Бундай ҳолат Когон тепалигининг шимолий қисми ва газли тепалигининг марказий қисмida учрайди ва сувлар минерализацияси 20г/лга етади. Уларнинг таркибида натрий-хлорид ва кальцийлар салмоқли рол ўйнайди. Чоржуй минтақасида сувлар хлор-кальцийли рассоллардан иборат. Уларнинг минераллиги 40-60 г/л ни ташкил этади. Энг юқори шўрли сувлар (100-150 г/л) Бешкент ботиқлигига ва Денгизкўл кўтарилилмасига мансуб, 20-40 г/л тузли сувлар Бухоро узилмаси буйлаб кузатилади. Пъезометрик юза қиялиги сеноман альб сувли мажмуасида шимолий-гарб йўналишида кузатилади, улар гидрокимёвий аномалиялар мавжуд жойларда гидроизопъезоларнинг сийраклашгани кузатилади.

Сеноман альб сувли мажмуанинг текислик минтақадаги энг кўзга ташланадиган хусусияти улардаги гидрокимёвий ва гидродинамик хусусиятларнинг бир-бирига мос келмаслигидир, бунга асосий сабаб Бухоро узилмасининг мавжудлиги ва унинг инфильтрацион босим ҳосил қилишидир. Бу ҳолат жанубий-гарб Ҳисор тизмасида ва кўшимча ҳолда Улусжам ботиқлигига кузатилади. Бухоро поғонасида гидродинамик ва гидрокимёвий аномалияларнинг мавжудлиги куйида жойлашган қатламларидан рассолларнинг гидрогеологик “окно” (сувларнинг ўтиш жойи) орқали ўтганлигидир. Бу ҳолат куйи альб ва юқори юра сув тўсқичлари туфайли содир бўлади. Сеноман қумтош коллекторлари Бухоро поғонасида маҳсулдор ҳисобланадилар ва у ерда Газли, Тошкудуқ ва бошқа конлари очилгандир.

Куйи альп сувли мажмуада текислик минтақада аниқ субкенглик минтақадаги гидрокимёвий минтақавийлик (зональность) кузатилади. Бухоро поғонасида 20г/л дан кам бўлган минерализацияга эга сувлар учрайди. Уларнинг

тури сульфат-натрий ва гидрокарбонат усуллариға мансубдир.

Когон тепалигининг шимолий-шарқ қисмida ва Газли тепалигининг марказий қисмida гидрокимёвий аномалияниң пайдо бўлиши кузатилади. Улардаги сувлар минераллашган ва метаморфизациялашган бўлиб, натрий-хлор коэффициенти 1 дан камроқдир. Бухоро поғонаси-нинг жанубий-гарб қисмida шўр сувлар хлоркальций турдаги сувлар билан алмасиниб, уларнинг минераллиги 100г/лгача боради ва натрий хлор коэффициенти 0,7-0,85 атрофидадир.

Чоржўй поғонасида эса ушбу мажмууда хлор каљций туридаги рассоллар мавжуд, сувларнинг минераллиги жанубий гарб йўналишида ортиб боради ва 80-200г/л ва ундан ортикни ташкил этади, натрий хлор коэффициенти эса 0,7 ва ундан камни ташкил қиласди. Сувларнинг шўрлиги анчагина камайиши (40-80 г/лгача) ва натрий хлор коэффициентининг 0,85гача ортиши Чоржўй поғонасининг шимолий-шарқ қисмida кузатилади. Улар Бухоро узилмаси чегараларида Бухоро поғонаси минтақаси шўр сувларига ўтадилар.

Неоком-алт сувли мажмууанинг пъезометрик юзаси шимолий-шарқ йўналишида кўтарилиб боради ва бу ҳолат жанубий-гарбий Ҳисор тизмаларигача боради. Когон ва Муборак тепаликларида сувларнинг локал минтақаларда пъезоминимум ҳосил қилиши кузатилади, лекин бу ҳолат Газли тепалигига томон текисланади. Гидрокимёвий маълумотлар билан биргаликда кейинги икки тепаликда сув сикувнинг локал пасайиши кузатилади ва ер ости оқимининг Муборак тепалигига бориб тўсилганлигини кузатамиз. Бунда сувлар минераллигининг ҳамда унинг босимининг сезиларли ортиши кузатилади, бу ҳолат Бухоро поғонасига мансуб Карим майдонида кузатилади ва бу ҳолат юра сувли мажмуудан сизиб ўтганлиги тахмин қилинади. Сувнинг таркиби хлор каљцийли шўр сувлардир.

Худуднинг неоком-алт ётқизикларида Жарқоқ, Жанубий Муборак, Қорабайир, Янгиқазган, Чамбар,

Муллахол ва бошқа углеводород йигилмалари мавжуд конларнинг топилганилиги маълумдир.

Юра сувли мажмуа текислик худудида гидрокимёвий жиҳатдан юқори метаморфлашган хлоркальций туридаги рассоллардан иборат бўлиб минераллиги 100 г/л ва ундан ортиқ, натрий хлор коэффициенти эса 0,75 дан камроқдир. Ўша сувлар седиментацион сувларининг ўзгинасиdir, фақатгина 15-35км кенгликка эга бўлган ва Бухоро погонасининг шимолий-шарқ кисмida жойлашган минтақада сувлар минераллиги 40-100 г/л га тушади ва натрий хлор коэффициенти 0,85 гача ортади (20-расм).

Мажмуанинг пъезометрик юзаси Бухоро погонаси худудида шимолий-гарб йўналишидаги қиялик билан таснифланади ва катта худудда пъезомаксимумга эга бўлиб, МЮҚБ минтақасини ташкил этади. У жойларда қатлам босимининг гидростатик босимга нисбати 1,6-1,8 га teng. Бу ҳолат Бешкент ботиқлиги ва Денгизкўл тепаликларида кузатилади. МЮҚБ минтақаси юра мажмуаси учун эллизион босим манбаи бўлиб хизмат килади.

Шимолий-гарб томондан аввал анча юқори кўринишда, кейинроқ эса бироз пасайган босим кузатилиб, бу кўрсаткич гидростатик босимга яқинлашиб боради ва 1,7-1,1 даражасигача етади. Эллизион ва инфильтрацион минтақалар орасида торгина шимолий-шарқ йўналишидаги минтақа мавжуд бўлиб, фронтал турдаги пъезоминимумни ҳосил қиласди. Бундай минтақанинг ҳосил бўлиши қатлам босимининг тақсимилиниши бекарор бўлганлигидан далолатдир. Бу ҳолат юра сувли мажмуасида жанубий-гарбий Ҳисор тизмаларининг неоген тўртламчи даврида ҳосил бўлгандан сўнг содир бўлгандир.

Текислик ўлқадаги углеводород тўпламларининг энг катталари келловой-оксфорд карбонат жинсларига мансуб бўлиб, улар Шўртан, Кўкдумалок, Зеварди, Ўртабулок, Денгизкўл ва бошқа конлар ҳисобланади. Ундан ташқари кичикроқ уюмлари кўйи-ўрта юра ётқизикларида терриген жинсларда учрайди, улар

Сеталантепа, Оқжар, Шүрчи, Дояхотин, Дивалқоқ, Шимолий Сизма ва бошқа конлардир. Ундан ташқари келловей-оксфоорд оқактошларида қуидаги конлар мавжуд: Одамтош, Гумбулоқ, Жанубий Қызилбайрок. АВПД минтақасида газоконденсат ва нефть уюmlари учрайди.

Пермо-триаснинг вулқоноген пластик ётқизиклари яхши ҳолда тарқалган ва юзадан аввалги ётқизиклар рельефнинг паст ҳолатларда жанубий-гарбий Хисор текисликларининг жанубий-гарб томонида қисман намоён бўлади.

Кесимда баъзан аргеллит ва алевролитлар учрайди (Петняк тепалиги, Кулбешкак майдони ва бошқалар), улар сув тўсқич сифатида хизмат қилиши мумкин. Чоржуй поғонасининг анчагина қисмида бу ётқизиклар баъзи жойларда карбон системаси ётқизиклари билан биргаликда аргиллитлар, алевролитлар, гиллар ҳамда кумтошлар билан қўшилиб кетадилар, баъзан улар орасида оқактошларни ҳам учратиш мумкин. Бухоро поғонасида бу жинслар баъзан учрамайди, баъзида эса интрузив ва эффузив жинслар билан аралашиб қетадилар. Уларга якка жойларнинг кучли метаморфизацияга учраганилиги кузатилади. Баъзи қудукларда девон оқактошлари учрайди, баъзан улар метаморфлашган, қуидаги ётувчи жинслар сланецлардан ташкил топган бўлиб, улар эрта палеозойга мансубдирлар (Ранеे Палеозой).

Текислик минтақадаги палеозой мажмуси 168 майдондаги 430 қудукда очилган. Уларнинг аксарият кўпчилиги фақат ётқизикларнинг тела қисмини 8-15 метрга қадар очишган. Фақат 1-Бештепа майдонидаги №11 қудукда бу ётқизиклар 1582 метр очилгандир. Палеозой ётқизиклари 55 майдон бўйича 61 ораликлар синааб кўрилган. Шуларда 30% синалганда куруқ эканлиги қайд этилади, 60% қудуклардан сув олинган фақат 8 та қудукда нефть ва газ борлигининг белгилари мавжудлиги аникланган. Булар Оқжар, Тошли Жанубий Кулбешқоқ ва бошқа майдонларидаги қудуклар эди. Келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, юқори

палеозой ётқизиклари кесимида сувли мажмуда ҳам йўқ, сув тўсқичлар ҳам йўқ экан.

Ўрганилган сувлар асосан хлор-кальцийли турга мансуб бўлиб, уларнинг минераллiği 100 г/л ва ундан ортиkdir. Ундан камроқ шўрликка эга сувлар (80 г/л гача) тор гидрокимёвий минтақа ҳосил қиласди. Бу ҳолат Бухоро погонасининг шимолий-шарқ қисмига мансубдир. Бу сувларниң энг аҳамиятли кўрсаткичи улардаги натрий-хлор коэффициентининг 0,75дан юқорилиги эди. Бу ҳолат ўша сувларни метаморфлашган эски инфильтрацион сувларга мансуб қиласа бўлади.

Пъезометрик юзанинг нишаби озлиги ҳамда ушбу шароитларда гидродинамик босимнинг унчалик юқори эмаслиги (0,94-1,08) бўшаниш минтақасининг кам кўрсаткичга эгалиги, бу жойларда гидродинамик ҳолатда регионал фильтрациянинг мавжуд бўлмаганидигидан далолат беради. Шунинг натижасида гидродинамик инверсия юра ётқизиклари мажмусидан палеозой мажмусига қараб йўналган нефть-газнинг мавжудлиги (чикиши) эпигенетик характерга эга эканлигини кўрсатади. Булар эски емирилиш қобигига мансубдир.


Ушбу худудда энг аҳамиятли объект сифатида Бешкент погонасидаги ва Денгизкўл тепалигидаги юқори юра оҳактошларини ҳисоблаш мумкин.

3-§. Сурхондарё ўлкаси

Бу нефть-газ ўлкаси Ўзбекистон Республикасининг шу ном билан аталган вилоятида жойлашган бўлиб Афғон-Тожик артезиан ҳавзасининг шимолий-гарбида жойлашган (21-расм) ўлка худуди тоф оралигидан иборат текислик бўлиб, жануб томонда жойлашган Амударё ўзанига қараб нишабдир. Текислик худудида паст тўйинган даражага эга Келиф-Шеробод ва Сарикамиш тизмасида ажралади. Узилмалар тизими бўйича Сурхондарё ҳавзаси тангасимон тузилмага эга бўлган жойларга ажралади ва улар субкенглик узилмалар билан бўлинади ва бу ҳолат жуда мураккаб бўлакли тузилмалар ҳосил қиласди. Нефть-газлилик палеоген, неоком ва юқори

юра ётқизиқлари билан боғлиқ. Энг иирик нефть конлари Каудаг, Коштар, Шўрчи, газ эса Боянгара ва Гаджак тузилмаларидир.

Юкори регионал сув тўсқич Сурхондарё артезиан хавзасида гил-алевролит қатламларидан (қизил гиллар сивитаси) ташкил топган бўлиб, плиоцен бўлимига мансуб (24-расм). Тўртламчи ётқизиқларда чучук тупроқ ости сувлари кўпроқ учрайди, уларниг минераллашганилиги 0,5-3 г/л атрофида бўлиб, сульфат-натрий-кальций турига мансубдир, лекин минералланиш даражаси 5-10 г/лга борадиган ҳамда таркиби хлорид-сульфат-натрий-магнийдан иборат сувлар ҳам учрайди. Шу билан бирга тўртламчи ётқизиқлар кесимида локал ҳолатда ривожланган созтуропрек(суглинок) қатламлар кумтош линзалари орасида учрагани туфайли субартезиан чучук сувлар (0,5 г/лдан кам) учрайди. Уларниг таркиби гидрокарбонат-натрий турига мансубдир.



21-расм. Сурхондарье региони юра сув босими комплексини гидрогеологик схемаси. 1- келтирилган гидроизопьезалар; 2- минерал сувларниг гидрокимсвий чегараси; 3-50 дан кам; 4- 50дан ортик; 5- 100дан ортик.

Юқори регионал сув түсқичи остида ютувчи құмтош, гравилит ва конгломератлардан иборат бұлған плиоцен ва миоценге мансуб бұлған сувли қатламлар минераллары 1-10 г/л орасида бұлған артезиан сувларига әгадирлар, сувларнинг таркиби сульфат-натрий-кальций турига мансуб. Улар плиоцен-миоцен сув сиқуви мажмуасини ҳосил қыладылар. Пастдан эса улар олиоцен-юқори иоцен ёшидаги гиллик ётқизиклар билан түсилгандыр.

Эоцен сув сиқуви мажмуаси Туркестон ва Алай ярусларидаги құмтошлар ва яна Алай ярусидаги оқактошлардан ташкил топған. Алай ярусидаги сувлар минерализацияси 10-30 г/л атрофида ўзгарады, уларнинг метоморфизацияси паст ($t\text{Na}/t\text{Cl} > 1$). Минерализацияси юқориорок сувлар ҳавзасига жануб ва жанубий-шарқ томонға қараб ортады. Сувлар юқори босимли, уларнинг күрсаткичи қудуклар оғзіда 2,6 мПага етади. Эоцен сув сиқуви мажмуасининг пъезометрик юзаси жанубий-шарқ томонға нишаби бор ва у Амударё ўзанига қараб боради. Буни минерализация билан кимёвий таркибининг қатлам сувлари мажмуасининг чүкүрліги ортиши билан бир-бираға мөс келмаслиги тасдиқлаши мүмкін. Эхтимол, Амударё ўзани эоцен сувли горизонтларнинг фақат маҳаллій бүшениш худуди сифатида қаралиши даржор.

Сузак яруси гиллари (юқорида) ва сенон ярус усти ва Турон яруси (пастда) оралиғида палеоцен сенон сувли мажмуа жойлашған. Бу мажмуанинг шур сувлари хлор-кальцийли турига мансуб бўлиб, уларнинг минерализацияси 120 г/л ва ундан ортиқ күрсаткичга эга эди. Бу ҳолат артезиан ҳавзасининг марказий қисмига тегишлидир (21-расм).

Палеоцен сенон сувли мажмуасининг гидродинамик шароитлари эоцен сувлариникига ўхшашдир. Худуддаги ҳамма маълум нефть уюмлари палеоцен ётқизикларига мансубдир (Хаудаг, Учқизил, Кокайти, Амударё, Шўрчи ва бошқа шу кабилар).

Куйи турон ва куйи альп гилли сув түсқичлари орасида ёткиси сувли құмтошлар катламлари сеноман альп сув сиқуви мажмуасига бирлаштирилдилар. Амалда

бутун худудда тарқалган сувлар хлор-кальций турига мансуб бўлиб, ўта шўр сувлардан иборатдир. Шўр сувларнинг минерализацияси 100г/л дан ортади, ҳавзанинг жануб қисмида эса 100 г/лга боради (Учқизил майдонида эса бу кўрсаткич 284 г/лга етади). Натрий-хлор коэффициентининг паст кўрсаткичи (0,68-0,72) шўр сувларнинг юқори метаморфизациясига мансублигидан далолатдир. Шўр сувли горизонтлар юқори даражадаги сувлиликдан далолат ва уларда катлам босими аномал кўрсаткичга эга бўлиб, кудукларнинг фаввора ҳолатида ишлашини таъминлайди ва кудуклар оғзидағи босим 5 мПагача ва ундан ортиқгача боради.

Келтирилган босимнинг сув сақлагич жинслардаги кўрсаткичи ҳавзанинг чет қисми (переферия) томонга қараб пасайи ш ҳолати кузатилади. Бу барча белгилар сув алмашинувининг элизион режими мавжудлигини кўрсатади, бунда юқори метаморфизацияга эга седиментацион рассоллар иштирок этади. Лекин, юқорида ётувчи сувли мажмуалардагидек, регионал ҳолатда сув алмашинувининг содир бўлиши эҳтимоли кам.


Сеноман альп сувли мажмуа эҳтимол гидрогеологик шароитлари билан неоком-алт ва юра сувли мажмуалар билан ўхшашдир. Уларни катта қалинликдаги галит ва антидридлар ажратади, кейингилари кемириж-титон ёшидадирлар. Ер ости сувлари хусусидаги маълумотлар бу сувли мажмуаларда ва улардан пастдаги палеозой ётқизиклари сувлари хусусидаги маълумотлар артезиан ҳавzasининг чет қисмида жойлашган манбалардан олинган бўлиб, улар юқори гидрогеологик қаватнинг пастки қисми учун характерли бўла олмайдилар.

Кўйи бўр ва юқори юра ётқизикларидан Гаджак ва Боянгара майдонларидан газ фавораси олинишини шундай хулоса қиласа бўладики, нефть ва газ бўйича истиқболлик худди шу ётқизиклар билан боғликдир. Лекин ўша ётқизикларнинг анчагина чуқурликда ётиши ва бу ҳолат бурғилашнинг техник чегараларида эканлиги, туз ости туткичларини хариталаш усулларининг мавжуд эмаслиги ва уларни ўтиш вақтидаги техник қийинчиликлар сеноман-альп юқори босимли горизонтлардаги

бойликларни ўзлаштириш муаммолари юқори гидрогеологик ҳавзанинг пастки қисмини ўзлаштириш имконини орқага суради, улардан куйирокдаги қатламлар эса узок келажакка қолади.

4-§. Фарғона водийси

Худуд Ўзбекистон Республикасининг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини ўз бағрига олиб, төр оралиги ҳавзасига мансуб ҳамда Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларининг бир қисмини ўз ичига камрайди (22-расм). Төр оралиги ботиклиги рельефи унинг четки қисмларидаги тепаликлар-адирлар билан уралади.



22-расм. Фарғона региони эоцен-палеоцен сув босими комплексини гидрогеологик схемаси. 1- палеозой ётқизикларининг намунаси; 2-келтирилган гидроизопьезалар; 3- минерал сувларнинг гидрокимёвий чегараси; 4-50 дан кам; 5- 50дан ортиқ; 6- 100дан ортиқ; 7- 150дан ортиқ.

Худуднинг асосий структура элементлари унинг шимол ва жануб қисмидаги тектоник поғона бўлиб, ўрта қисмида (улар орасида) марказий грабен жойлашган.

Амалда барча ётқизиклар кесими махсулдор, улар плиоцендан то юқори палеозой ётқизикларигачадир. Углеводород хом-ашёсининг асосий иирик конлари Андижон, Польвонтош, Гумхона, Наманган, Жанубий Оламушук, Шимолий Сўх ва бешк. 1992 йилда миоцен бўлимининг Кирпично-Красний свитасидан Мингбулоқ майдонидан кучли фаввора олинган.

Юқори гидрогеологик қаватда регионал ҳажмдаги сув ҳавзалари мажмуаси бор: миоцен, эоцен-плиоцен, юқори бўр, куйи бўр ва юра мажмуалари. Улар куйи плиоцен, олигоцен-юқори эоцен, палеоцен-ант алт-алти ва юқори юра (22-расм) сув тўскичлари билан ахралгандирлар.

Юқори регионал сув тўскичи сифатида бактрий ётқизиклари настида ҳамда массагет ярусининг юқорисида ётувчи таган ва бледно-розовая свиталарига мансуб гиллар қатлами хизмат килади. Шимолий-Фарбий Фаргона ҳудудида эса миоцен кесимида туз-гипс қатлами мавжуд. Мазкур сув тўскич тепасида қумтошлар, гравилитлар ва конгломератлар мавжуд бўлиб, улар плиоцен ва тўртламчи ёшдаги жинслардир ва улар таркибида ер ости ҳам субартезиан сувлар мавжуд. Чучук сувлар билан бир қаторда (1г/лдан кам тузлар) гидрокарбонат-сульфат-натрий-кальцийли таркибли сувлар улар, 5-80 г/л тузли жуда ўзгарувчан таркибли, асосан хлор ва магнийли шур сувлар ҳам учрайди. Ер ости сувларининг юзаси ва субартезиан сувларининг пъезометрик юзаси Сирдарёнинг емирилган кирғоклари томон қиялика ётади. Бу ҳолат кичик ва куруқ сойларга ҳам тегишилдир.

Бактрий ярусига мансуб "шальной" қатлам аэрация минтақасининг қумтошлари онда-сонда учрайдиган ҳолатда тарқалган ва уларда кичик нефть уюмлари учрайди. Бу ҳолат Андижон, Польвонтош, Жанубий Оламушук, Бўстон ва бошқа конларда кузатилади. Ушбу уюмларнинг эпигенетик келиб чиқиши шубҳасиздир. Миоцен бўлимининг бледнорозовый ва кирпично-красный свиталарига мансуб моллас қатламларининг чақиқ чўкиндилари майдони ва қалинлиги бўйича барқарор бўлмаган дағал чақиқ жинслар миоцен сув сикуви

мажмуасини ташкил қиласы. Сувларнинг минераллiği 110-300 г/л орасида бўлиб, уларнинг таркиби асосан натрий ва кальцийлар кўпроқ учрайди. Сувларнинг юқори босими аксарият қудукларда сувнинг отилиб чиқшини таъминлайди. Аксарият ҳолларда "рапопроваления" ҳамда қудук деворида тузларнинг ўтириб қолиши кузатилади. Туз-гипс қатламлари мавжуд бўлган жойларга томон сувларнинг таркиби ўзгариб, натрий хлор коэффициенти ўса боради. Шўр сувларнинг регионал ҳаракати марказий грабен томондан сувли қатламларнинг юқори қисмига ҳаракат қилиши, яъни сув алмашувининг эллизион режими тахмин қилинади. Миоцен ётқизикларида нефть уюmlари Гумхона, Жанубий Оламушук, Бўстон, Мингбулоқ ва бошقا майдонларда учрайди. Лекин уларнинг келиб чиқши (генезиси) ҳали узул-кесил аникланмаган. Олигоцен ва юқори иоценга мансуб қалин гиллар қатламлари юкорида иккинчи регионал сув тўскичини ҳосил қиласы. Унинг юқори қисмидаги (Сумсар яруси) кирпично-красная свита гиллари остида II (ёки III) қумли қатлам учрайди. Улар таркибида ҳам шўр сувлар мавжуд бўлиб, миоцен сувларига ўхшаш, лекин шўрлик даражаси (минерализацияси) пастроқдир. Кўрсатилган сув тўскич билан полиоцен-дат гипсли-гилли ётқизиклар орасида бир нечта қумтош ва оҳактош ётқизиклари мавжуд (IV- X қатламлар). Булар эоцен-палеоцен сув босимли мажмуасини ташкил қиласы. Бу мажмуага ҳалқали гидрокимёвий минтақаланиш (зональность) ҳосдир (22-расм).

Бу ҳолат чучук сувларнинг шўр сувлар билан алмашуви билан ифодаланади. Чучук сувлар (50 г/лгача) шўр сувлар (200 г/л ва ундан ортиқ) билан артезиан ҳавзасининг четки қисмидан унинг марказий грабенига қараб йўналишда алмашиниб боради. Шу йўналишда сувларнинг метаморфизацияси ортиб боради, натижада сувларнинг тури ҳам сульфат-натрий ва гидрокарбонат-натрий туридан хлор-магний ва хлор-кальций турига алмашиниб боради. Сувнинг энг кескин ўзгариши жанубий Фарғона флексуралари узилма минтақасида кузатилади ва бу жойда пъезоминимум жойлашган. Бу минтақа эҳтимол эллизион оким учун марказий грабендан

сувларнинг инфильтрацион оқими учун ботиқликнинг жанубий төғ бурамаси томонига сувларни силжитиш минтақаси роль ўйнаши мумкин. Лекин ёнидаги комплексларда сувларнинг бу ҳолатда бўшанишини кўрсатувчи белгиларнинг йўқлиги кўрсатилиган пъезоминимум фронтал характеристерга эга эканлиги имконини тахмин қиласа бўлади. Шундай минтақанинг мавжудлиги шимолий тектоник погонада ҳам тахмин қилинади.

Фаргона ўлкасида кўпгина нефть ва газ уюмлари эоцен ётқизиклари билан боғлиқ (Андижон, Польвонтош, жанубий Оламушук, шимолий Сўх, Наманган, Шўрбулоқ ва бошк.).

Бўр катламларидаги гидрогеологик кесим қумтош ва оҳактошлардан ташкил топган бир гурӯҳ сувли қатламлардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири унча қалин бўлмаган гиллардан ташкил топган сув тўскичларига эга. Гидрокимёвий ҳолат ва гидродинамик режим бўйича бу кесимда юқори бўр ётқизикларни (XI ва XVIII бошк.) ҳамда альб ярусини (XVIII) сенон алти сувли мажмуа деб номланувчи сув сикуви мажмуасига бирлаштириш мумкин. Ўрта ва кўйи Муян свитасининг йирик чақиқ жинслардан иборат сув олди қатламлари (XIX-XII)ни неоком сувли мажмууга бирлаштириш мумкин. Сув сикуви мажмуаларини регионал микёсида бирбиридан ажратувчи сув тўскичи сифатида шартли равишда альб ярусининг пастки қисмидаги гилли қатламлар (XVIII горизонт остида) ва Муян свитасининг юқори қисмидаги (XIX горизонт тепасида) гилларни кўриш мумкин.

Сенон-альб сувли мажмуанинг сувли горизонтларида ҳалқали гидрокимёвий минтақаланиш сақланади, бу ҳолат эоцен-палеоцен сув сикуви мажмуасидаги аҳволга ўхшашлиги кузатилади. Лекин кейингиларидан фарқли ўлароқ, гидрокимёвий минтақанинг марказий грабен томонга сурилиши кузатилади. Бу сурилиш ўта кучли шўрсувлар майдонининг камайиши ҳисобига содир бўлади ҳамда шўр сувлар тарқалган майдонининг кенгайиши ҳисобига содир бўлади. Ўрганилган минтақада сувларнинг пъезометрик юзаси қиялиги марказий грабен томонга қараб

нишаблиги сақланади. Лекин сув алмашинишнинг инфильтрацион режими сувли мажмуаларнинг энг чукур жойларида сақланиши кузатилади.

Буларнинг ҳаммаси инфильтрацион сув алмашиниш режимига сенон-альб сувли мажмуасининг жалб қилингандигини далолатидир. Эоцен-палеоцен сувли мажмуа бу алмашинувда унча қатнашмайди. Сенон-альб сувли мажмуада пъезоминимумнинг йўклиги жанубий Фарғона флексурали узилма минтақасининг сув босими мажмуасидаги сувнинг бўшаниш ўлкаси Фарғона артезиан ҳавзаси эканлигини шубҳа остига кўяди. Юқори бўр ва альб ётқизиклари ўлкада газ уюмларига кўпроқ бой эканлигини кўрсатади. (Шимолий Сўх, Шимолий Риштон, Сарикамиш ва бошк.).

Неоком сувли мажмуанинг минтақада шўр сувларнинг (50 г/дан камрок) кенг майдони мавжудлиги кузатилади ва ўта шўр сувлар майдони камлиги тахмин қилинади, чунки марказий грабенининг ички қисмида бўр ётқизиклари жуда чукурда жойлашганлиги туфайли уларни излов қудуклари билан очиш имконияти йўқдир. Ўрганилаётган худудда элипзион сув алмашинуви белгилари кузатилмайди (учрамаган). Неоком ётқизикларида нефть ва газ уюмлари қуидаги конларда очилган: Шахриён-Хўжаобод, Бўстон, Жанубий Оламушук, шимолий Сўх ва бошк.).

Неоком ва юра сув сикуви мажмуаларини бирбиридан ажратувчи сув тўскичи сифатида юқори юра бўлимидаги қизил ранг свитаси (красно светная свита-ККС)да мавжуд гил-алевролит қатламларини хисоблаш мумкин. Юра сув сикуви мажмуасини юқори палеозой сувларидан ажратувчи жинслар триас системадаги турли рангли гиллар ҳисобланади.

Юра сув сикуви мажмуасининг ўрганилган жанубий қисми ва қисман шимолий тектоник погонаси шуни кўрсатадики, гидрокимёвий алмашиниш бу ётқизикларда бўр ётқизикларига нисбатан тезроқ содир бўлар экан. Бу ердаги сувлар оз минераллиги (50 г/лгача) ҳамда ($t\text{Na}/t\text{Cl}$ 0,85 дан ортиқ) кучсиз метаморфизациялиги билан ажралади. Ундан ташқари хлор-кальцийли шўр

сувлар турли генетик келиб чиқишига мансублиги, уларнинг минераллиги 100г/л дан ортиқ ва натрий-хлор кўрсаткичи 0,7 дан камроқ эканлиги кузатилади. Ўрганилаётган мажмууда сувларнинг пъезометрик минимуми марказий грабен томонга йўналғанлиги кузатилади. Ўша жойда сувнинг менераллиги 200г/лдан ортиқ ҳамда $r\text{Na}/r\text{Cl}$ 0,85 дан камроқ эканлиги кузатилади. Бу жойларда эллизион сув алмашиниш кузатилади. Юра ётқизиклари билан бу жойларда асосан газ ётқизиклари боғлиқ. Газ уюmlари шимолий Сўх, шимолий Риштон, Фарбий Риштон, Шахрихон-Хўжаобод ва бошқа конларда кузатилади.

Тоғ олди худудларида палеозой ётқизиклари унча калин бўлмаган тўртламчи система ётқизиклари остида келади. Улар таркибида ер ости сувлари ҳамда субартезиан сувлари учрайди, уларнинг минераллик даражаси кам (5 г/лдан кам), тури эса сульфат-натрий-хлорид таркибига эга. Ушбу минтақасида бу жинслар 58та қудук билан очилган бўлиб, ундан 17 тасидан маҳсулот олинмаган. Палеозой ётқизиклари синалганда нефть ва газ белгилари (нефтегазопроявление) жанубий Оламушук, Фарбий Полвонтощ, Андижон, Хўжаобод ва бошк.) кузатилган. Палеозой ётқизикларининг сувлилиги паст, сувлар таркиби хлор-калийли шўр сувлардир. Қатлам босимининг аномаллик коэффициенти 1га яқин пъезометрик юза деярлик текисланган. Палеозой сув мажмуасининг тена қисми эҳтимол гидрогеологик жиҳатдан кўмилган массив бўлиб уларда минтақавий ривожланган шўр сувлар мавжуд ва улар юқори босимли юра ётқизиклари сувларидан таъминланади. Баъзи майдонларда гидродинамик боғлиқлик мавжудлиги кузатилади. Палеозой ётқизикларининг емирилиш юзасида нефть-газ белгилар мавжудлиги эпигенетик характерга эга.

Фарғона ўлкасининг нефть-газлилигининг келажаги асосан марказий грабенинг палеоген ётқизиклари, эҳтимол неоген ётқизиклари билан боғлиқ ҳамда юқори палеозой мажмуасидаги ички тутқичлар жанубий тектоник поғонада маҳсулдор бўлишлик эҳтимоли бор.

II - боб. РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Нефть-газ гидрологияси бўйича ашёвий далиллар ва ҳосил килинган хуносалар Ўзбекистон нефть-газ соҳаси бўйича кент ва муваффақиятли фойдаланилмокда, бу ишлар айниқса нефть-газлиликни башорат қилишда, уюмларни излаш учун объектларни танлашда, саноат миқёсидаги заҳираларни ҳисоблашда ва уюмларни ишлатиш жараённада муҳим аҳамиятга эга.

Изланишлар натижасида олинган маълумотлар асосида республика нефть-газли туманларининг турли даражада гидрологик шароитлари ва қатор янги ҳолатларини ишлаб чиқиши (пъезоминимум назарияси, нефть-газ йигилишининг гидрологик модели, объектларнинг нефть-газлилигини эътироф этиш-билиш режалари ва шу кабилар) амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон худудларининг нефть-газлилигини башорат қилишининг гидрологик маълумотлари асосида тузилган ҳаритаси 1964 йилда биринчи марта тузилган ва 1970 йилда яна анчагина мукаммаллаштирилган. Умуман олганда башорат самарадорлигини баҳолаш борасида ретроспектив таҳлил бундай фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлади ва шулар натижаси ўлароқ шу давр мобайнида 100 га яқин конларнинг юра ётқизикларида Бухоро-Хива нефть-газли ўлкасида ҳамда жанубий гарбий Ҳисор туманида очилганилиги, Фарғона водийсининг мезозой ва кайназой ётқизикларида 15 га яқин конларнинг очилиши, Устюрт ўлкасида юра ётқизикларида 7 та коннинг очилиши ва Сурхондарё ўлкасида палеоген ва юра ётқизикларида 4 та коннинг очилиши бу фикрларнинг тўғрилигининг тасдиғидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, гидрологик тадқиқотлар натижасида баъзи бир ётқизикларнинг республикамиз худудларининг баъзиларида истиқболи йўқ эканлиги ҳам тасдиқланади. Чунончи, Чоржўй поғонасидаги бўр қатламларининг нефть-газга эга эмаслиги, баъзи жойларда палеозой мажмусининг ҳам маҳсулдор эмаслиги тасдиқланади. Бу ишларга кетган харажатлар ўзини қопламаган эсада, олинган хуносалар кейинги ишларни

тўғри йўналтиришга ёрдам беради. Ва гидрогеологик гадқиқотлар республика ҳудудида ўз олдига кўйган вазифаларни мувоффакиятли бажарган ва республика ёқилги энергетика ресурсларини баҳолашда ижобий роль йўнагандир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудлари нефть-газлилик хусусида турли муфассаллик даражада ўрганилгандир. Шунинг учун ҳам туманлардаги башпорат қидирув вазифалари турлича долзарбликка моликдир.

Қидирилганлик даражаси юкори бўлган туман ва ўлкаларида (Бухоро-Хива ва Фаргона водийси) углеводород хом ащёларини регионал башпорат қилишда углеводород маҳсулотини башпорат қилишни аниқлаш вазифаларининг долзарблиги сакланиб қолади. Айниқса бу вазифа регионал масштабдаги саноат миқёсида нефть-газлилик ётқизикларига тааллуклидир (Бухоро-Хива ўлкасида юра ётқизиклари, Фаргона водийсида палеоген ётқизиклари). Ундан ташқари излаш учун янги геологик объектларни танлашда ҳам (Бухоро-Хива ўлкасида ва Фаргона водийсида юрадаги аввалги ётқизиклар, неоген ётқизиклари Фаргона водийсида шулар жумласидандир) аҳамиятга моликлигини кўрсатади. У вазифаларни ҳал қилиш ва регионал миқёсда кам ўрганилган геологик объектларни (Сурхондарё вилояти, Оролбўйи ҳудудлари) ўрганиш долзарбилигича қолмокда, чунки гидродинамик системаларнинг углеводородлар билан шималиши натижасида углеводородларнинг йўқолиши (йўлда қолиши)ни баҳолаш ушбу вазифалар билан боғлиқдир.

Яхши ўрганилган геологик объектлар учун энг актуал масала минтақа (минтақавий) ва локал (алоҳида) башпорат қилинади. Бу вазифаларнинг ҳал қилиниши кенг кўламдаги гидрогеологик мезонлар (критерий) мажмуасини кўллаш такозо этилади, яъни уюмларнинг ҳосил бўлиш ва шаклланишидан тортиб, улар уюмининг мавжудлигини ва уларнинг кўрсаткичларини билишгacha ўз ичига олади. Бу борада нефть-газлиликнинг гидрогеологик модели бўйича қилинган илмий изланишлар ҳамда локал структураларнинг нефть-газлилигини органо-гидро-кимёвий кўрсаткичлар бўйича билиш программаси анча

мувоффақият қозонди. Бу кўрсаткичлар Бухоро-Хива ўлкасида энг тўлиқ ўз аксини топган ва Денгизкўл тепалиги ҳамда Бешкент ботиклигидаги юкори юра ётқизикларини кўрсаткичларини асослашда қўл келган. Ундан ташқари баъзи жойларда тадқиқотларни давом эттириш (Чистон ва бошқа майдонларда) ва баъзиларида эса уни тўхтатиш (Чалька ва бошқа майдонлар) имкониятини берган. Локал башорат вактида қудуклардан йўлакай олинган намуналар қатlam сувларига мос келганлигини кўрамиз. Бундай вазифалар Бухоро-Хива ўлкасида ҳам ва Фаргона водийсида ҳам ҳал қилингандир. Чунончи, хлор-калцийли рапанинг мавжудлиги (бу ҳолат неогеннинг кирпично-красное свитасига хос) Мингбулоқ конидаги 4 сонли қудукда палеоген ётқизикларидаги шу қудукни тутатиш имконини беради, асос бўлади.

Ўзбекистон конлари саноат аҳамиятига молик заҳираларини асослаш вактида гидрогеологик тадқиқотларининг натижаларидан фойдаланиш жуда аҳамиятга эгадир. Бунда асосий ҳом ашёга йўлдош бўлган гидроминерал ҳом ашёлар ҳам охирги 30 йил давомида разведкаси туталланган майдонларда хисоби олиб борилган. Булар натижаси сифатида углеводород ҳом ашё заҳираларининг ортиши натижасида ва янги конларнинг қазиб чиқаришга доҳил қилиниши Ўзбекистон миқёсида маҳсулот (нефть ва газ) чиқаришни оширишга олиб келган.

Кейинги вактларда Бухоро-Хива ўлкасидаги ишлатилаётган конларда гидрогеологик мониторинг системасини тузишга ҳаракат (уриниш) қилиб кўриди. Шунинг натижасида (шу тадқиқотлар натижасида) Кўкудумалоқ конида қудукларнинг сув босиши эксплуатацион объектнинг сувланганлик даражасига боғлиқлигини, сувланаетган қудуклар сув-нефть чегарасига яқинлиги, қудуклар тубига келаётган сувлар тектоник сувлар эмаслиги, қатlam босимини ушлаб туриш мақсадида ҳайдалаётган сувлар мавжудлиги ва тектоник сувларнинг қатlam сувлари билан алмашуви эҳтимоли каби кунгилсиз холларнинг кам эканлиги кузатилади. Бу ҳолатларнинг барчаси конни оқилона ишлатиш имконини беради.

Республикада нефть-газ ўлкаларининг геофлюидодинамикасини тадқиқ қилиш борасида гидрогеологик тадқиқотларнинг жуда келажаги порлок янги усуллари бошлангандир. Бунда углеводород ҳом ашё билан уларга йўлдош гидроминерал ҳом ашёлар ҳам ўрганилади. Чунончи, геофлюидодинамик режимининг геоструктура элементлари модели ишлаб чиқилган бўлиб, ер қобигининг нефть-газлилигини назорат қиласи, ернинг чукур бағрида энерго ва массанинг кўчиб ўтиши ва бу холатнинг юқоридаги гидрогеологик қаватларда ўз аксини топиши ўрганилади. Кўшимча мавжуд қимматбаҳо компонентларнинг мавжудлиги аникланади ва улардан фойдаланиш имконияти кўрсатилади. Бунда Бухоро-Хива ўлкасида мавжуд рапалар излов, қидирув ва ишлатиш қудукларида уларнинг мавжудлигини инобатга олиш керак.

Янги муаммоларнинг ҳал қилиниши нефть-газ гидрогеологиясининг аҳамиятини янада юқори даражага кўтарида ва бу ҳолда нефть-газ ресурсларини излаш, қидириш ва ишлатиш жараённада кўл келиши натижасида республикамиз ҳом ашё базасини ошириш имконини беради, нефть-газ қидириш самарадорлигини оширади ва ўлкамизнинг нефть-газ мустакиллигини кўп муддатта таъминлаш имконини беради.

1-§. Нефт ва газ конларининг таркибидағи сувлар

Ер сайёраси фаолиятида сувнинг аҳамияти бекиёс, чунки сув заминдаги ҳаёт манбай эканлиги равшандир. Шу боис ер бағридаги сувларнинг келиб чиқишини ўрганиш, унинг манбаларини чамалаш ва лозим бўлганда қидириб топиш ва ҳалқ хўжалигига хизмат қилдириш инсоният олдидаги буюк вазифалардандир. Шуни яхши тафаккур қилиш лозимки, ер юзидағи денгиз, океан, дарё, кўл ва музликларда қанча сув мавжуд бўлса, шунча микдор сувнинг 3/1 қисмига тенг келадиган сув ер бағрида, тог жинслари орасидаги сувли қатламларда коллекторларнинг ғовакликлари ва ёриклирида шимишган ҳолда мавжуддир. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи-

мизки, ер бағридаги сувлар аксарият холларда шүр сув бўлиб, улардан баъзан керакли тузларни олиш мақсадида фойдаланилса, баъзилари чучук сув бўлиб, улардан ичимлик сув сифатида фойдаланилади. Аксарият сувлар ўз таркибига биноан минерал сувлар сарасига кириб, инсон саломатлиги учун фойдали бўлганлиги учун катта аҳамият касб этади. Машхур шифохоналарнинг ташкил килиниши уларда мавжуд шифобахш сувлар туфайлиди. Минерал сувлар ва бошқа кўплаб юртлардаги шифохоналардаги мавжуд сувлар инсон соғлити учун жуда зарур бўлган таркиби билан қадрлиди. Яна бир фикрни айтмоқчиманки, шу кунларда Сурхондарё нефть конларидаги сувлардан тиббиёт учун жуда зарур бўлган йод элементи ажратиб олинмоқда ва истеъмолга чиқарилмоқда. Ер ости сувларининг фазилатлари хусусида кўплаб лавҳалар келтиришимиз мумкин, лекин биз гапни муҳтасар қилиб, нефть ва газ конларининг сувлар билан муносабатлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Аввало ер бағридаги сувларнинг бир-биридан фарки мавжудлигига қараб, уларнинг келиб чиқишига назар солайлик. Тот жинслари орасида ҳар хил ғовак ва ёрикларда сув мавжуд, ундан ташқари ҳар бир минералнинг сиртини юпқа сув пардаси ўраб туради (боғланган сув). Мутахассисларнинг пухта ўргангандиклари натижасида шу нарса аён бўладики, бундай сувлар тот жинслари орасида уларнинг пайдо бўлиш жараёнларида мавжуд бўлиб, улар тот жинслари билан биргаликда миллионлаб йиллар бирга бўлганлар ва бўладилар. Бундай сувларни гидрогеология тилида седиментацион сувлар деб аталади.

Седиментация- асосий тот жинсларининг кимёвий ва механик нураши натижасида уларнинг сув ва ҳаво туфайли бошқа жойларга бориб ётиши натижасида чўкинди жинслар пайдо бўлишини ифодалайдиган жараён. Ундан ташқари ер ости сувлар осмондан ёғадиган ёғинлар сувларининг ер бағрига шимилиши натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай сувлар инфильтрацион сувлар деб номланади.

Инфильтрация - осмондан ёғадиган ёғинларнинг тупроқ ва тоғ жинслари орқали ер пўстининг чукур қисмларига шимилишини ифодаловчи жараён.

Ер бағридаги тоғ жинсларининг сиқилиши (метаморфизация) натижасида, улар бағрида мавжуд сувларнинг бир қисми сиқилиб чиқиб, бошқа говакли жинслар (қатламлар) бағрига жойлашиб оладилар. Бундай сувларни элизион сувлар деб аталади. Ундан ташқари нефть ва газ билан бирга бўлган сув буглари сувга айланиши туфайли ҳам маълум микдор сувлар ҳосил бўлади ва улар ҳам қатламлардан ўрин оладилар ва ер ости сувларини ташкил қиласидилар. Ундан ташқари ернинг юза қисмида, яъни биринчи сув тўсқичга учраб, нариёғига ўтолмай қолган атмосфера сувлари (кор, ёмғир, дўл, туман ва шу кабилар) ер бағрига шимилиб, ер ости сувларини ташкил қиласидилар. Улар аксарият чучук сув бўлиб, ҳаётда жуда кўп ишлатилади, айниқса бундай сувлар куруқ ва кам сувли миңтақаларда қазиладиган унча чукур бўлмаган кудуклар орқали ишлатилади. Бундай сувлар микдори жуда кўп бўлмайди ва асосан ёғингарчилик микдори билан белгиланади. Шунинг учун баъзи ҳудудларда баҳор ва ёзниг бошларида сув мавжуд бўлиб, кунлар қаттиқ исиб кетган вақтларда кудуклар куриб колади.

Сув, нефть ва газ билан доимо ҳамроҳдир. Қатламнинг нефть ва газ билан банд қисмига доимо сув келиб тақалади. Ундан ташқари нефть ва газ қатламлари орасида сувли қатламлар ҳам мавжуд бўлади. Нефть ва газни қатламдан чиқариш жараёнида сув нефть ва газнинг аввалги ўрнини эгаллашиб мумкин, ундан ташқари қабул қилинган технологияга асосланиб, нефть ва газни сиқиб чиқариш учун сувли қатламга атайлаб ҳайдаш ҳам мумкин. Хуллас, қатламдаги нефть ва газ билан бирга бўлган сувнинг қандайлигини, қаерданлигини мутахассис яхши билиши лозим. Бунинг учун қатлам шароитидаги сувлар қандай сувларга мансуб, уларнинг келиб чиқиши, қанака ва кон ҳаётида бу сувлар қандай фаркланиди деган саволларга жавоб бериш мақсадида ўлкамиз конларида ер

ости сувларининг нефт ва газ уюми билан муносабатини ифодаловчи атамаларни келтиришга ҳаракат қиласиз.

Нефть ва газ конлари бағридаги сувлар аксарият босим остидаги қатлам сувлари, қолдик сувлар, тектоник сувлар, тупроқ ости сувлари ва техник сувлар деб номланаши мумкин. Техник сувлар ёки қатламга юқоридан хайдалган сувлар қатламни ишлатиш жараёнида атайлаб хайдалади. Улар бурғилаш жараёнида қатламга тушиб қолиши ҳам мумкин. Қолдик сувлар эса қатламда газ ва нефт уюмининг ҳосил бўлиш жараёнида, яъни нефт ва газ қатламдаги сувларни сикиб чиқариб, унинг ўрнини эгаллаган шароитда ҳамма сув сикиб чиқарилмайди, бир кисми қатламда қолади ва бу сувлар қолдик сувлар деб аталади. Қолдик сувлар майда ёриқ ва ғовакларни эгаллаган бўлганиклари учун улар боғланган ва молекуляр сувлар билан қўшилишиб кетади. Тектоник сувлар асосан ер бағридаги учрайдиган ёрикларда ҳаракат килиб, улар баъзан нефть ва газ қатламларини сув билан “тъминлаб” кўядилар, натижада қатламдан нефт ва газ чиқариш шароитларини мушкуллаштириб кўядилар.

Қатламлардаги сувлар ўзларининг нефть ва газ уюмiga нисбатан жойлашганига қараб белгиланадилар. Амалда улар куйидагича номланадилар: уюм остидаги сувлар (краевые и контурные воды), уюм остидаги сувлар (подошвенные воды), уюмлар орасидаги сувлар (промежуточные воды), уюм устидаги сувлар (верхнее воды), уюм остидаги сувлар (катламнинг остида жойлашган қатламдаги сувлар) (нижнее воды) ва ҳ.к. Ундан ташқари тупроқ ости сувлари (грунтовые воды) ҳам мавжуд бўлиб ер юзасига яқин бўлгани учун шундай аталади ва ерга яқин бўлган биринчи сув ўтказмайдиган қатлам юзасида тўпланади.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, нефт ва газ конлари сувлари таркибида мавжуд йод ва бром ионлари бошқа сувларга нисбатан анчагина кўп бўлади ва бу хусусият нефть ва газ конларининг мавжудлигини башорат қилишда (янги очилаётган регионларда) ўша омиллар катта аҳамият касб этади.

Шўр сувлар нефтни ювийш хусусиятига чучук сувларга нисбатан кўпроқ эгадир. Демак, сувларнинг минерализация даражаси қатламнинг нефть берувчаник коэффициентига яхши таъсир кўрсатиши мумкин экан. Лекин байзан минерализация жуда юқори бўлган ҳолларда кудук тубида сувларнинг ажралиш ва тўпланиш ҳоллари кузатилади ва бу ҳолат ўз навбатида қатламни ишлатиш жараёнини ўзига яраша мураккаблаштиради.

Газларнинг сувда эрувчанилиги нефтга нисбатан камроқ ва аксарият $0,2\text{-}0,5 \text{ m}^3/\text{m}^3$ дан $2 \text{ m}^3/\text{m}^3$ гача ўзариши мумкин. Бу кўрсаткич аксарият сувларнинг газга тўйингланлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам нефтли районлардаги ер ости сувларида эриган углеводород газларининг миқдори кўпроқ бўлиши мумкин. Бундай маълумотларни таникли мутахассислар Л.М.Зоркин, В.Н. Корсенштейн, В.А.Бородкин ва бошқалар келтиришади. Чунончи, гарбий Сибир ҳавzasида ҳар бир m^3 сувда $2\text{-}3 \text{ m}^3$ газ эриган, ўрта Касбий ҳавzasида $4\text{-}5 \text{ m}^3$ газ эриганлиги маълум. Юқоридаги мутахассисларнинг фикрига Караганда 3-4 километр чуқурликдаги ётқизиклар орасида Каспий олди ҳавzasида 980, гарбий Сибирда 1000, Коракумда (Устюрг билан биргаликда) 86, Кизилкумда 44, трилион m^3 газ мавжудлиги айтилади.

Сувларнинг зичлиги улар таркибида эриган тузлар миқдорига боғлиқ, туз қанча кўп бўлса уларнинг зичлиги орта боради.

Сувларнинг ҳарорати ернинг геотермик градиенти билан узвий боғланган, шунинг учун ҳам байзи ҳолларда унинг ҳароратига қараб ер ости сувларнинг жойлашган чуқурлигини аниқлаш мумкин. Ҳароратнинг ортиши сувларни кенгайиш коэффициенти ортишига олиб келади.

Сувларнинг электр ўтказувчанилиги улар таркибида эриган тузларга боғлиқ, чучук сувлар паст ўтказувчаникка эга, шўр сувлар эса аксинча юқори ўтказувчан бўладилар.

Сувларнинг сирт таранглиги ўзига хос кўрсаткич бўлиб, бунда сувнинг ювувланик хусусияти кўрсатилади. Нефтни ювиб чиқариш фазилати сувнинг сирт тарангли-

гига боғлиқ. Паст кўрсаткичли сирт тарангликда сувларни ювиш хусусияти ортади. Бу кўрсаткич унинг кимёвий таркиби билан боғлиқдир.

Сувнинг ҳажмий коэффициенти қатлам ҳарорати билан боғлиқ, лекин унда эриган газ микдорига боғликлиги унча кўп эмас. Сувларда газларнинг эрувчанилиги нефтга нисбатан кам. Сувнинг шўрлиги ортиши билан унда газларнинг эриши камаяди.

Сувнинг сиқилувчанлик коэффициенти нефтнигида нисбатан анча кам, лекин тоғ жинсларининг сиқилувчанилигидан ортиқ. Ўртача сиқилувчанлик коэффициенти $(4-5) \cdot 10^{-5}$ 1/ат атрофида ўзгариши мумкин. Сувларнинг сиқилувчанлиги улардаги минерализациянинг ортиши билан камайиб боради.

Энди нефть ва газ конларида сувларнинг кимёвий жиҳатдан туркумланиши хусусида кисқача маълумот берамиз. Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, нефть ва газ конларининг сувлари қўйидаги сифатлари билан бошқа сувлардан фарқланади:

1. Нефть ва газ конлари сувлари аксарият юқори минерализацияга эгадир.

2. Бу сувларда кальций ва натрий хлоридлар ва гидрокарбонат натрийлар мавжуд.

3. Бу сувларда сульфатлар йўқ, бўлса ҳам жуда кам микдорда бўлади.

4. Нефть ва газ конлари таркибида I, Вг, NH_4 , ионларининг микдори юқори, аксарият H_2S учрайди.

5. Нефти кислоталар тузлари нефть ва газ конлари сувларида мавжуд бўлади.

6. Нефть ва газ конлари сувларида аксарият углеводород газлари эриган бўлади.

Турли турдаги ер ости сувларнинг ҳосил бўлишида уларга қўйидаги ҳолатларнинг таъсири кўрсатилган бўлади:

1. Сувларнинг тоғ жинслари билан ўзаро таъсири (взаимодействия),

2. Сувларга нефть ва газларнинг таъсири (взаимодействия)

3. Сувларга микробиологик жараёнларнинг таъсири (воздействия),

4. Турли геологик омилларнинг таъсири - тоғ жинсларнинг литологик-физик хоссаларининг, уларнинг колекторлик хусусиятларининг, тектоник ҳолатининг, қатлам ҳаракатининг ва шу кабилар таъсири натижасида сувлар таркиб топиши мумкин.

Сувлар кимёвий тахлилини ифодалашнинг З туридан фойдаланилади; булар ион кўриниши, эквивалент шакли, ва фоиз эквивалент шакли.

Сувларнинг кимёвий таркиби хусусида гап кетганда уларда эриган ҳамма моддалар кўзда тутилади (газлар ҳам шулар қаторига киради). Ер ости сувларининг кимёвий туркуми тўғрисида турли мутахассислар шугулланиб, уларни ўрганишда ўз усусларини тавсия қилганлар. Шулар ичida В.А.Сулиннинг туркумлари кўпчилик томонидан тан олинган. Унинг тушунчасига ер ости сувларининг ўзига хос ионлари мавжудлиги туфайли, уларни тўртта турга бўлиш мумкин.

Маълум анион ёки катионларнинг кўп озлигига қараб турлар ўз навбатида туркумлари, туркумлар эса кичик туркумларга бўлиниши мумкин. Туркумларнинг асоси қилиб З та коэффициент олинади (% экв.). $r\text{Na}/r\text{Cl}$, $(r\text{Na}-r\text{Cl})/(r\text{SO}_4 - r\text{Cl}-r\text{Na})/r\text{Mg}$. Бу ерда r белгиси ионлар эквивалент формада ифодаланганилигини билдиради.

Ҳар тур мавжуд ионларнинг ортиклигига қараб З туркумга бўлинади: хлорид сувлар, сульфат сувлар, гидрокарбонат сувлари. Ўзида мавжуд катионларнинг ортиклигига қараб туркумлар туркумчаларга бўлинади, чунончи натрийли, магнийли, калийли сувлар. Туркумчаларни агар ортиқ катион ўзига ўхшаган ортиқ анион билан бирлашган ҳолатдагиңа ажратиши мумкин, бошқа ҳолларда туркумчалар ажратилмайди.

Сувларнинг физик ва кимёвий хоссаларини тўлиқ ўрганиш ва ҳар бир кондаги сувлар хусусиятлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш ўша конларни қазиб чиқариш жараёнида, улар бағридан иложи борича кўпроқ нефтни чиқариш ва унинг мақбул усусларини танлашда катта аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Воды нефтяных и газовых месторождений. М.Недра. 1989.
2. Гидрогеология УзССР. Недра. 1971.
3. Туляганов Х.Т., Кудряков В.А., Толипов С. Гидрогеология нефтегазоносных областей Узбекистана. М.Недра 1973.
4. Кудряков В.А., Халиматов И.Х., Хайитов О.Г. Нефтегазовая гидрогеология республики Узбекистан. Т. ТашГТУ, 1999, 48с.
5. Воды нефтяных и газовых месторождений СССР. Справочник. М., Недра. 1989.
6. Зорькин Л М., Суббота М.И; Стадник Е.В. Нефтегазопоисковая гидрогеология. М., Недра, 1984.
7. Карцев А.А., Вагин С.Б., Шугрин В.П. Нефтегазовая Гидрогеология.
8. Карцев А.А., Никаноров А.А. Нефтегазопромысловая гидрогеология. М. Недра, 1983.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Нефтгаз гидрогоеологиясининг назарий асослари.....6	
1 - боб. Табиатдаги сувлар.....7	
2 - боб. Гидрокимё асослари.....10	
1-§. Сув молекуласининг тузилиши ва сувнинг тузилиш хусусиятлари.....10	
2-§. Сувнинг физик хоссалари.....12	
3-§. Сувнинг кимёвий хоссалари.....15	
4-§. Сувнинг кимёвий таркиби.....17	
5-§. Сувнинг кимёвий таҳлили.....19	
6-§. Табиий сувларнинг кимёвий таснифлари.....22	
3 - боб Гидродинамика асослари	26
1-§. Суюкликларнинг реалогик хоссалари.....26	
2-§. Сиздириш оқимининг унсурлари.....27	
3-§. Келтирилган босимлар ҳақида тушунча.....29	
4-§. Сиздирилининг асосий қонуни.....33	
5-§. Сиздиришни физик-математик усулда ўрганиш.....36	
4 - боб. Гидрогеотермия унсурлари.....41	
5 - боб. Ер ости гидросферасининг тузилиши..44	
1-§. Гидрогоеологик зоналаниш.....45	
2-§. Гидрогоеологик районлаштириш.....48	
6 – боб. Палеогидрогоеология.....54	
1-§. Гидросферанинг пайдо бўлиши ва тараққиёти.....54	
2-§. Ер ости сувларининг ҳосил бўлиши ва шаклланиши.....56	
3-§. Геогидродинамик тизимнинг тадрижий ривожланиши (эволюцияси).....59	
7 - боб. Нефть-газ ҳосил бўлишида ва нефть-газ тўпланишида ер ости сувларининг аҳамияти.....63	
1-§. Нефть ва газ ҳосил бўлишининг гидрогоеологик шароитлари.....64	

2-§. Ер бағрида углеводородлар силжиши (миграцияси)нинг гидрогеологик шароитлари.....	66
3-§. Углеводородлар түпланишининг гидрогеологик шароитлари	69
4-§. Углеводород уюmlари сакланишининг гидрогеологик шароитлари.....	71
Амалий нефть-газ гидрогеологияси	73
1 – боб. Нефть-газ излаш гидрогеологияси.....	75
1-§. Нефть-газлиликнинг гидрогеологик кўрсаткичлари.....	75
2-§. Гидрогеологик маълумотлар асосида нефть- газлиликни башоратлаш.....	82
2 – боб. Нефть ва газ конлари гидрогеологияси.....	86
1-§. Кудуклар қурилишида гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш.....	86
2-§. Углеводород хом ашёнинг саноат аҳамиятидаги захираларини ҳисоблашда гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш.....	90
3-§. Углеводород хом ашё конларини ишлапча гидрогеологик маълумотлардан фойдаланиш	94
3 - боб. Йўлдош ер ости сувлари гидроминерал хом ашё сифатида.....	98
1-§. Чучук сувлар	98
2-§. Саноат сувлари	100
3-§. Иссиқ сувлар	100
4-§. Даволаш сувлари	101
4 - боб Нефть ва газ гидрогеоэкологияси	103
Ўзбекистонда нефть ва газ гидрогеологиясини ривожланиш тарихи буйича очерклар.....	107
1 - боб. Нефть ва газли регионлар гидрогеологияси.....	112
1-§. Устюрт ўлкаси.....	113

2-§. Бухоро-Хива ва Жанубий-Фарбий Ҳисор вилоятлари.....	120
3-§. Сурхондарё ўлкаси.....	128
4-§. Фарғона водийси.....	132
2 – боб. Ривожланиш истиқболлари.....	138
1-§. Нефт ва газ конларини таркибидаги сувлар.....	141
Адабиётлар.....	148

1-ИЮНА

Нефть-газотехнический гидрогеологический курсатчинын жадыны (А.А.Карасев толондан ўзарттырылган ва күштүчү күнүнүн).

Маалыматтардын түрү	Үглиңдердеги түрү	Уюмтар хоснан булиш шарттынин	Уюмтар сактандыш шарттынин	Көпкөйлөрдөн	Недрде на газ уюмдаринин
Андрогеник (ноорганик)		Йод, бром, азотий, торосусулыктар	Минералларинин, жир-кальцийинин, сульфаттарынин		
Газин	Метан на уннага гомологиялар, оңтүстүрүлөттордөр, азотик, биотик, азот	Углендерородни түркүб, ўттара түйиншүүлүк	Ачин (оксигеннийн ішкүнүн, карбонаттагы корутыра азот тиркүбинин салынын	Устки сууларда тилдикчүйүй номенклатурк	Сүйүн гариппили салмарада
Органик	Акабайтумонандар, бензол, фенолдар, нафтен кислоталар	Акабайтумонандардун юкори шарасын			
Гидролитик	-	Элизион сүр азотшинин, ер багричинин гипогеологик етиклиди	Газ уюмдары узун соңи Несөрт уюмдары учун $a>5i$	Пән жөнүлүкүштөр на жаттаманнан гүйргөйтбий юкори бөсекини	Узун түрлүүдөрдөн иштэйтүүчүлөр (УТН) түшрөннөмүк көпкөн
Гетероген	-	Нефть-та хоснан булишиннан ассоции фазалын хароратта түрлүү көлшүп	Хаттам харорати 90-110°Cдан кам	Геотермик гарнитубийлик	-
Палеогидрогеология	-	Седименттенин суулар, алтынок сүр азотшилди жадылышинин юкори күрсакчылары на Σ_1	Инфраструктуранын сууда жана дайындуулуш жана дайындуулуш паст		